

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ҚЎЛ МЕҲНАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар

Таълим соҳаси: 110000 - Педагогика

Бакалавриат йўналиши: 5111800 - Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш

ГУЛИСТОН - 2018

Ушбу ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ томонидан 5111700 – “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” таълим йўналиши учун 2017 йил 24 августдаги 603-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси” намунавий фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Муаллиф: Ш.Ш.Юлдашев

Ўқув-услугий мажмуа Гулистон давлат университети ўқув-услугий кенгашининг 2018 йил 18.06. даги 10-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Такризчилар: п.ф.н., доц. М. Мухлибаев

п.ф.н., доц. А. Болибеков

@ Гул ДУ

М У Н Д А Р И Ж А

1. Ўқув материаллари -----	
1.1. Маъруза мавзулари бўйича ўқув материаллари -----	
1.2. Амалий машғулот материаллари -----	
1.3. Адабиётлар рўйхати -----	
2. Мустақил таълим мавзулари -----	
3. Глоссарий -----	
4. Иловалар -----	
4.1. Фан дастури -----	
4.2. Ишчи фан дастури -----	
4.3. Тарқатма материаллар -----	
4.4. Тестлар -----	

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-СЕМЕСТР

1-мавзу: Фаннинг маъруза машғулотлари мазмуни ва қўл меҳнати ва тарбиясининг вазифалари

Мавзунинг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<i>Дарс мақсади.</i> МТМларда Қўл меҳнати ва тарбиясининг мақсад, вазифаларини талабаларга тушинтириш. <i>Идентив ўқув мақсадлари.</i> А. Талабаларни МТМларда Қўл меҳнати ва тарбиясини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш. Б. Талабаларга МТМда Қўл меҳнати фанини ўқитилиши ва фан сифатида ўқитилиши ҳақида маълумот бериш.	Ўқитувчи
2-босқич	<i>Асосий тушунчалар.</i> Меҳнат, ДТС, иш турлари, жараён, меҳнат қуроллари, меҳнат, касб-ҳунар. <i>Дарс шакли.</i> Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. <i>Воситалар.</i> слайдлар. <i>Метод ва усуллар.</i> Оғзаки тушунтириш, Савол -жавоб суҳбат.	Ўқитувчи
3-босқич	<i>Гуруҳда ишлаш.</i> МТМларда Қўл меҳнати ва тарбиясини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари изоҳлаб беради.	Талаба
4-босқич	<i>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар.</i> МТМларда Қўл меҳнати ва тарбиясини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари деганда нимани тушунасиз? Қўл меҳнатини МТМга фан сифатида ўқитилишини айтиб беринг.	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<i>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</i> Мақсадга эришилганлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. Мустақил иш топшириқлари сифатида таянч тушунча ва иборалар қўшимчаси билан берилади.	Ўқитувчи

Ажратилган соат – 2

Машғулот тури – маъруза

Асосий масалалар

- МТМда қўл меҳнатини ўқитилишининг ўзига хос хусусиятлари.
- МТМ қўл меҳнати ва тарбиясининг мақсад вазифалари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Миллий дастур, меҳнат, моддий-техник, Таълим, тарбия, ривожлантирувчи, қомусий мутафаккирлар, касб -ҳунар.

1-асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Талабаларни Қўл меҳнати бўйича МТМнинг ДТС мазмуни, мактабларда Қўл меҳнатини ўқитишнинг ўзига хослиги тўғрисида маълумот бериш ва меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида тушунча берадилар.
- 1.2. МТМ Қўл меҳнатида ДТС мазмуни, мактабларда Қўл меҳнатини ўқитишнинг ўзига хослиги тўғрисида маълумот берадилар.

1-асосий масала баёни.

Республикаимиз Таълим тизими, жумладан умумий ўрта таълим мазмуни "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида босқичма-босқич янгилаб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта Таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли Қарорига асосан Таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш, Таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси малакаси, маданий ва маҳнавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат Таълим стандартлари яратилди ва босқичма-босқич жорий этиб борилмоқда.

Меҳнат тарбияси унинг аҳамияти тўғрисида комусий мутафаккир-ларимиз Ибн Сино, Фаробий, Нақшбандий, Кайковус, Навоий, Термизий каби алломаларимиз ўз асарларида меҳнат тарбиясини улуғлаб, ёшларни меҳнат қилишга, меҳнатнинг инсон фаолиятида ўрни ҳақида фикр билдиришган.

Қўл меҳнати унинг тараққиётига кўпгина олимлар ҳисса қўшган. булар А.Варобғев, Н.Шодиев, Э.Чориев, У.Нишоналиев, О.М.Мағзумов, Р.Мавлонова, О.Мағдиев, К.Давлатов кабилардир.

1920 йил халқ маорифи ходимлари томонидан ўқитишнинг комплекс, бироз кейинроқ эса лойиҳа системаси пайдо бўлди:

лойиҳа системасига биноан математика, кимё, биология ва бошқа ўқув предметларига оид билим элементлари болаларга бериладиган меҳнат топшириқлари атрофига группалаш бошланди.

Масалан, боғда ўра қазилар топшириғини олган болалар уни бажариш учун қанча тупроқ чиқариб ташлашни ҳисоблашлари (математика), ўра контурини белгилашлари (чизмачилик), тупроқ характери билан тан олишлари (география) керак эди. Ўқув жараёнини бундай ташкил этишда болаларни фан асосларининг системали билимлар билан қуроллантиришни иложи йўқлиги мутлақо равшан.

1932 йилда бошланғич ва ўрта мактабларнинг ўқув режалари ва режими тўғрисидаги қарорида мактабларда фан асосларини предметли ўтиш ишланди, ўқув режасига бошқа ўқув предметлари билан бир қаторда Қўл меҳнати ҳам мустақил предмет сифатида ўтила бошланди.

1937 йилда мактабларда мустақил ўқув предмети сифатида Қўл меҳнати тугатилди. Чунки ўша вақтларда мактабнинг моддий базаси жуда ночор эди.

1952 йил Қўл меҳнатига жамоатчилик эҳтибори қаратилди. Мактабларда политехник Таълим ва меҳнат тарбиясини ривожлантиришни зарурлиги кўрсатилди.

1954 йилда Қўл меҳнатини ўрта мактаб ўқув режасига ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтириш воситаларидан бири сифатида киритилди.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижаси сифатида барча ўқув предметлари, жумладан Қўл меҳнатини ўқитиш мазмуни ҳам мукаммаллашиб бормоқда. Ушбу ўқув фанининг мақсади—болаларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари ва жараёнлари ҳамда касблар билан дастлабки таништириш, касб танлашга тайёрлаш, уларда меҳнатни кадрлашни, унинг жамиятдаги ўрнини билишни, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш орқали уларни касбгача тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.

Ҳозирги заман шароитида Қўл меҳнати ўзининг илмий, назарий ва амалий, моддий-техник, ижтимоий педагогик муаммоларини ҳал этишда, унинг анҳанавий мазмунини ислоҳ қилишда қатор номутаносибликлар ва зиддиятли ҳолатлар содир бўлмоқда:

- янги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий тузумда рўй бераётган туб ўзгаришлар билан Қўл меҳнатининг илмий-услубий, педагогик ва моддий-техник

жиҳатдан истиқбол талаблари даражасида маъмурий тахминланишининг номутаносиблиги ҳамда республикада таълим жараёнининг моддий-техник таъминотини ишлаб чиқарувчи махсус корхоналарнинг етишмаслиги;

-Қўл меҳнاتини амалга оширишнинг асосий қисми бўлган умумТаълим бўғини билан узлуксиз Таълимнинг бошқа бўғинлари-мактабгача тарбия, ўрта махсус ва олий Таълим ҳамда кейинги босқичлари ўртасида ўзвийликнинг тахминланмаганлиги; Қўл меҳнатининг ҳозирги кундаги анҳанавий мазмуни, мақсади, шакли, воситалари ва услубларида республикамизнинг миллий, этник, ҳудудий, тарихий хусусиятлари ва шарқона тафаккур мезонларининг акс этмаганлиги;

- Қўл меҳнатининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олиб, уни амалга ошириш механизмларининг педагогик, психологик, физиологик ва дидактик асосларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

-Қўл меҳнатини бевосита амалга оширувчи юқори малакали мутахассис ходимлар тайёрлаш, карта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ҳозирги ҳолати билан Қўл меҳнати ўқитувчисига қўйилган замонавий талабларига мос эмаслиги;

- МТМида амалга ошириладиган Қўл меҳнатининг истиқбол йўналишлари билан педагогика олий ўқув юртларида тайёрланаётган педагог кадрлар касбий малака даражаларининг номутаносиблиги;

Қўл меҳнати бевосита амалга ошириладиган МТМи ва ўрта маълумот берадиган янги турдаги Таълим-тарбия муассасалари фаолиятида ўзвийликнинг ва ўзаро алоқаларнинг тахминланмаганлиги ва шу кабилар.

Давлат таълим стандартининг бош мезони - бу таянч ўқув режасидир. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тажриба-таянч ўқув режасида белгиланган ҳар бир ўқув фанидан давлат Таълим стандарти лойиҳалари ишлаб чиқилди. Давлат Таълим стандарти лойиҳалари асосида таянч ўқув режасида ажратилган дарс соатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқув фанидан синов дастурлари яратилди.

1 – асосий масала бўйича назорат топшириқлари:

- 1.1.1. Таълим тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинди?
 - А) 1996 йил 31 август
 - Б) 1997 йил 29 август
 - В) 1998 йил 29 август
- 1.1.2. Қўл меҳнати фанининг мақсадини тушунтиринг.
- 1.1.3. Қўл меҳнати фанини ривожлантиришда таҳсир этадиган зиддиятли ҳолатларни санаб ўтинг.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури неча босқични ўз ичига олади.

- А) уч босқични 1996-1999, 1999-2001, 2001-2005.
- Б) уч босқични 1997-2001, 2001-2005, 2005 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган
- В) уч босқични 1998-2001, 2001-2005, 2005 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган
- 1.1.4. Қўл меҳнати қайси йиллар ўқув режасига фан сифатида киритилди
 - А) 1920, 1932 йиллар
 - Б) 1932, 1952 йиллар
 - В) 1937, 1952 йиллар

2-асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Талабаларга Қўл меҳнати фанининг мақсад вазифалари тўғрисида тушинчалар бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. МТМ кўл меҳнатининг мақсад ва вазифаларини гапириб берадилар.

2 – асосий масалани баёни:

МТМида ўқитиладиган Қўл меҳнати фанининг мақсади-болаларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, касблар билан дастлабки таништириш, касб танлашга тайёрлаш, меҳнатни кадрлаш, меҳнатга қизиқиш ҳамда меҳнатсеварликни шакллантириш орқали уларнинг касбгача тайёргарлигини 5-синф учун узвий боғланиш заминини тайёрлашдан иборат. Булар таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ҳисобланади. Уларда давлат таълим стандартларига асосланган йўналишлар мавжуд бўлиб, қуйидагича ифодаланади.

(Булар таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ҳисобланади)

Таълимнинг мақсади-болаларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар асосларини (технологиясини) ўргатиш, уларни касб танлаш билан уйғунлаштириш орқали уларнинг касбгача тайёргарлигига замин тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий мақсад-болаларнинг меҳнат кўникмаларини эгаллашлари жараёнида меҳнат ва касбга муносабатларини юқори ахлоқий сифатларини, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва тadbиркорликни шакллантиришдан иборат.

Ривожлантирувчи мақсад меҳнат ва таълим машғулотлари жараёнида болаларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадиий-эстетик тарбия ва таълим бериш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Назорат мақсади-болаларнинг дастурда белгиланган билим кўник-маларини Давлат Таълим стандартларига биноан ўзлаштириш ҳолатини дастлабки оралиқ ва якуний назорат қилишдан иборат.

Қўл меҳнати-ўқитувчи раҳбарлигида болалар томонидан бажа-риладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат куруллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларини ҳамда маҳлум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнاتини бажариш учун зарур бўлган амалий кўникма ва малакаларни эгаллашларига, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсей сифатларини ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фани.

- болаларда умуммеҳнат кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг қизиқишлари, касбий мойилликларига кўра, касб-хунар турларини танлашга асос бўладиган хислатларини, умуммеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш;
- мамлакат халқ хўжалигининг турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология тўғрисида билимлар бериш, меҳнат фаолиятининг турли соҳалари билан амалий меҳнат орқали яқинрок танишишларига имкон яратиш, уларни ҳаридоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларига ўргатиш;
- юқори синфларда Қўл меҳнати ишчи мутахассисликларнинг касбий фаолиятида қўлланиладиган, турли хил асбоб-ускуналар, жиҳозлар, мосламалардан фойдаланишни ўргатиш; механизациялаштирилган ва электр-лаштирилган воситалар билан ишлашни; технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини ўргатиш;
- ўлчаш-текшириш асбобларидан фойдалана олиш, меҳнат амалиётини бажариш, олинган натижаларни қўйилган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқаришга ўргатиш;
- халқ хунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, анҳаналарни тиклаш ва ривожлантириш;
- болаларни билимга интилиш ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;

- болаларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истехмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштиришга ва етиштирилган маҳсулотларни истехмолчиларга етказиш восита-ларини ўргатиш, иш бошқарувчи унсурларини, ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириб бориш ва ривожлантириш;

-Қўл меҳнати ва касбгача тайёрлаш жараёнларида ахборот технологиялари ва компютер техникаси, янги технология ва жиҳозларнинг қўлланилиши соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларини тахминлаш.

Қўл меҳнати ва касбларга йўналтириш жараёнлари олдида қўйилган юқоридаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш «Қўл меҳнати» давлат таълим стандарти орқали амалга оширилади.

МТМдаги барча фанларни ўқитиш, болаларни меҳнат қилиш ва касб танлаши билан узвий боғлаб тайёрлашдан иборат.

МТМда Қўл меҳнати фани мазмуни шартли равишда умумий Қўл меҳнати тайёргарлиги унинг мазмунига мавжуд бўлган касблар атрофлича маълумотлари билан танишилган ҳамда шу ёшга махсус тайёргар-лик қисмларидан иборат. Бу қисмлар ҳар бир дарс ва машғулотларнинг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларни ўқитувчи ва услубчилар томонидан илмий услубий нуқтаи назаридан ҳисобга олган ҳолда, тахмин қилиб бериш, Қўл меҳнати машғулотларининг аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини тахминлаш учун зарур Қўл меҳнати дарсларини МТМда умумий ва бадиий меҳнат курси халқ амалий безак санҳатлари соҳасидаги айрим касблар асослари билан таништиришни назарда тўтади. Бу курс бўйича Машғулотлар мазмуни бажарилаётган меҳнат жараёнининг ажралмас қисми бўлган амалий эскизлар, жадваллар, расмлар, нақшлар ишлаш ва айрим дизайнерлик қоидаларини ўргатишдан иборат. Шу нуқтаи назарга асосланган ҳолда МТМ Қўл меҳнати ўқув фани таркибига қуйидаги курслари киради:

1. Умумий ва бадиий меҳнат;
2. Амалий ишлар тайёрлаш тартиби технологик асослари.

Ушбу йўналишнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги мавзулар бўйича ўзоро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади.

1. Материалшунослик асослари.
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва уларни ишлатиш усуллари.
3. Миллий хунармандчилик касблари бўйича умумий маълумотлар ва ўзоро турдош касблар бўйича дастлабки тайёргарлик ҳамда уларни 5-синфда ўзоро уйғунлаштирилган ҳолда интеграциялаштириб ўқитиш жараёнида амалга ошириб борилади. МТМда Таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашларини кенгайтирган ҳолда олиб борилади. Улар касб-хунарни онгли равишда танлашга йўналтириладилар.

Болаларнинг билими ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар :

1.Ўз – ўзига хизмат кўрсатиш бўйича

болалар:

- ёзги ва қишки кийимларнинг вазифасини ;
- кийимга қараш тартибини ;
- нам бўлган устки, бош ва оёқ кийимини қуритиш ва уларни тозалаш усулларини ;
- оёқ кийимини тузатишнинг оддий усулларини ;
- ўз кийимларини тузатишни ;
- кийимларига тугмача қадаш , илгак тикишни ва шу кабиларни қила олишлари керак.

2.Турли материаллар билан ишлаш бўйича;

болалар:

- табиий материалларни;

- табиий материаллардан қаерда ва қандай фойдаланишни;
- табиий материалларга ишлов бериш усуллари;
- табиий материални тўплаш ва сақлашни ;
- табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини ;

3. Қоғоз ва картон билан ишлаш бўйича;

болалар:

- қоғознинг киши ҳаётидаги аҳамиятини;
- қоғознинг хусусиятлари; букланиши, ғижимланиши, йиртилиши, намлаш мумкин эмаслиги, силлиқлиги, чизиклилиги, қалинлиги, пишиқлиги;
- қоғоз ва картон билан ишлашда фойдаланиладиган асбоблар ва мосламалар ; қайчи, бигиз, игна, мўйқалам, чизғич, ва хоказоларни;
- шахсий гигиена қоидаларини ;
- хавфсизлик техникасини ;
- асбобларни ишлата билишни ;

4. Газлама ва толали материаллар билан ишлаш бўйича ;

болалар:

- газламалар, уларнинг келиб чиқиши, хусусиятлари, нимага мўлжалланиши ҳақидаги маълумотларни ;
- иплар ҳақидаги маълумотларни ;
- тикишда ишлатиладиган асбоблар ва уларни сақлаш қоидаларини;
- хавфсизлик техникаси қоидаларини ;
- газламани андаза, квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклидаги бичиқлар билан белгилай олишлари ;

5. Техник моделлаш бўйича

болалар:

- йўл ҳаракати қоидаларини ;
- “конструктор – механик” нинг асосий мустаҳкамловчи деталларининг номини ва нима учун мўлжалланишини ;
- техник ўйинчоқлардаги айрим деталларни бириктириш усуллари;
- машина турларини фарқлашни ;
- “конструктор” деталари ва бошқа материаллардан техник буюмлар йиғишни билишлари керак.

6. Қишлоқ хўжалик меҳнати бўйича

болалар:

- уруғларни йиғиш ва сақлаш қоидаларини ;
- хона ўсимликларини парвариш қилиш қоидаларини ;
- бир йиллик манзарали ўсимликларни, хона ўсимликларини уруғдан ўстириш қоидаларини ;
- мактаб кўрғазмасини жиҳозлашни ;
- хона ўсимликлари қаламчаларини тайёрлаш ва экишни ;
- хона ўсимликларини парвариш қилишни ;
- хона ўсимликларини ўстиришни билишлари керак.

МТМда болаларни касбга йўналтириш ишлари маҳаллий ихтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек исдиқбол-ларини белгиловчи чамбарчас иборалар тавсиялари асосида ҳамда маҳаллий касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. МТМ Қўл меҳнати дарсларида ўқувчида касб турларига оид билим, кўникма ва малакаларни мактаб жойлашган ҳудуддаги имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танланадиган касб, асосида шакллантирилади. Ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда кўпроқ мактабларда Қўл меҳнати машғулотларининг мазмуни асосида миллий хунармандчилик касблари йўналишида олиб борилади. Йирик саноат ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлардаги

мактабларда Қўл меҳнати дарсларида болаларни шу саноат соҳасига оид замонавий касбларга йўналтириш икониетлари яратилиши лозим.

Ташкилий вазифалар. Қўл меҳнати бўйича назарий ва амалий машғулотлар учун ўқув хонаси ҳамда унда махсус иш жойи ташкил қилиш ва уларда хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини ташкил қилиш. Болаларни машғулотлар учун зарур материаллар хом ашёси, асбоблар билан тахминлаш масалалар механизмлари билан ишлашларни ташкил қилиш.

Умумий ўрта Таълим мактабларининг ўқув режасида Қўл меҳнати ўқув фанига 1-4 синфларда ҳафтасига 1 соатдан, 5-7 синфларда ҳафтасига 2 соатдан ва 8-9 синфларда ҳафтасига 1 соатдан, ҳаммаси бўлиб 4-8 соат вақт ажратилади.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-хунарга йўналти-ришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик асослари, бадий меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш кўзда тутилади. Мактабларда Қўл меҳнати мазмуни асосан қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади.

1. И-ИВ синфлар кенг кўламда ишлатиладиган турли хил оддий материаллар (қоғоз, рангли қоғоз, картон турлари, калғка, поралан, пеноплас, пахта ва матолар қийқимлари, пластилин, симлар ва бошқалар) билан таништириш улардан ўйинчоқлар ва оддий буюмлар яшаш, халқ хунарамандчилиги тўғрисида бошланғич тушанчалар бериш, болаларини ўз-ўзига хизмат кўрсатишга одатлантириш, уй-рўзғор буюмларининг кичрайтирилган нусхаларини моделлар, макетларни тайёрлашни, турли хил шакллар Қўл меҳнати дарсларига ажратилган ўқув соатларини яна бир соатга ошириш мақсадга мувофиқдир, чунки 1 соат давомида болаларга бажарадиган ишлари тўғри-сида умумий назарий маълумотлар берилса, кейинги соатда эса айtilган иш ҳаракат усуллари амалда бажарилади, буюмларни яшаш усуллари, услублари ўрганилади.

3. В-ИХ синфларда Қўл меҳнати ва касбларга йўналтириш 5 асосий йўналиш бўйича ташкил этилади ва 4-7 синфларда ҳафтасига 2 соат, 8-9 синфларда ҳафтасига 1 соат Қўл меҳнати дарсларини ўқитилади.

1. Ёғочга ишлов бериш технологияси
2. Металлга ишлов бериш технологияси
3. Газламага ишлов бериш технологияси
4. Пазандачилик асослари
5. Қишлоқ хўжалик асослари.

Назорат топшириқлари.

- 1.1.1. Ўрта мактабларда ўқитиладиган Қўл меҳнати фанининг мақсадини айтиб беринг ?
- 1.1.2. Қўл меҳнати машғулотлари жараёнида болаларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадий-эстетик тарбия ва Таълим бериш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат, бунда қайси мақсад берилган.
 - а) Таълимнинг мақсади
 - в) табиявий мақсад
 - с) Ривожлантирувчи мақсад
 - д) барча жавоб нотўғри
- 1.1.3. Ўқув режасида меҳнат Таълим 1-4 синфларга ҳафтасига неча соат вақт ажратилган.
 - а) 1 соат
 - в) 2 соат
 - с) 3 соат
 - д) 4 соат

- 1.1.4. Ўқув режасида Қўл меҳнати бир йилга неча соат берилган.
 а) 32 соат
 в) 33 соат
 с) 34 соат
 д) 35 соат
- 1.1.5. МТМ Қўл меҳнати мазмунини айтиб беринг.
- 1.1.6. В-ИХ синфларда Қўл меҳнати мазмунини сўзлаб беринг

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мавлянова Р.А. ва бошқалар. Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма.
 Т.: ТДПУ. 2007.

2-мавзу: Қўл меҳнатининг шакл ва методлари мавзусидаги маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<i>Дарс мақсади.</i> Қўл меҳнатини ўқитишнинг шакл ва методларини талабаларга тушинтириб бериш. <i>Идентив ўқув мақсадлари.</i> А. Талабаларга МТМларда Қўл меҳнатини ўқитишнинг шакл ва методларини таништириш. Б. Талабаларга МТМда Қўл меҳнати фанини ўқитилиши ва фан сифатида ҳақида маълумот бериш.	Ўқитувчи
2-босқич	<i>Асосий тушунчалар.</i> Меҳнат, ДТС, педагогика, иш турлари, жараён, меҳнат қуроллари, меҳнат, касб-хунар. <i>Дарс шакли.</i> Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. <i>Воситалар.</i> слайдлар. <i>Метод ва усуллар.</i> Оғзаки тушунтириш, Савол -жавоб суҳбат.	Ўқитувчи
3-босқич	<i>Гуруҳда ишлаш.</i> Қўл меҳнатини ўқитишнинг шакл ва методларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари изоҳлаб беради.	Талаба
4-босқич	<i>Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар.</i> Қўл меҳнатини ўқитишнинг шакл ва методлари деганда нимани тушунасиз?	Ўқитувчи- талаба
5-босқич	<i>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</i> Мақсадга эришилганлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. Мустақил иш топшириқлари сифатида таянч тушунча ва иборалар қўшимчаси билан берилади.	Ўқитувчи

Ажратилган вақт –2 соат

Машғулот тури –маъруза

Асосий қўриладиган масалалар

1. Қўл меҳнати методлари ҳақида тушунча бериш.
2. Қўл меҳнатида педагогик технологияларни қўллаш.

Таянч тушунча ва иборалар: метод, форма, мантикий метод, кўрсатмалилик методи, машқ методи, муаммоли ўқитиш методи.

II –асосий масала бўйича дарснинг мақсади

МТМларда меҳнат таълим методлари ва ўқитиш формаларининг умумий тавсифини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари

1.1. Ўқитиш методи сўзини тарифлайдилар.

1.2. Ўқитиш методларини санаб берадилар.

1-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни.

Ўқитувчининг болаларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ва болалар томонидан уларни ўзлаштириш усуллари ўқитиш методи деб юритилади.

Ўқитиш методини дарс жараёнида қандай ва қайси турини қўллаб олиб боришига ўқитиш формаси дейилади. Ўқитиш форма ва методлари Таълим тўғрисидаги қонун кадрлар тайёрлаш миллий дастури фаннинг олдига ўқитиш форма методларини такомиллаштириш муаммоларини қўймоқда. Замонавий фан техника тараққиёти ўзгариб борган сари Қўл меҳнати методларининг усуллари пайдо бўлмоқда масалан олдинги вақтда ўқитишнинг догматик ёд олиш усули бўлган ҳозирги кунда эса педагогик технологиялар замонавий педагогик технологиялар муаммоли ўқитиш ахборот технологиялари кириб келмоқда болаларга янги билимлар бериш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш билимларни амалда қўллаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Меҳнат кўникма ва малакаларни шакллантириш меҳнат методикасида жуда катта ўрин тўтади. Қўл меҳнати дарсларида амалий машғулоти бажариш купрок вақтни 80-85%ни таршқил этади.

Қўл меҳнати методларини бутун системасини 5 гурппага бўлиш мумкин. Улардан ҳар бири ўз навбатида бир қанча методларини ўз ичига олади.

I- оғзаки методлар.

II- Кўрсатмали методлар

III- Амалий методлар

IV- Муаммони ўқитиш методлари

V- Билимлар меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш методлари.

Таълим методи деганда ўқитувчи ва болаларнинг биргаликдаги фаолият йўллари тушунилади. Буларнинг ёрдамида болалар билим,малака кўникма, касбий маҳоратларни эгаллашга эришадилар, ақлий ва жисмоний куч ва ижодий қобилият ривожланади.

Педагогикада Таълим методларини синфга ва белгилашга бир хил ёндашиш мавжуд эмас. “Таълим методи” тушунчасининг мазмунини очиш тўғрисида баҳслар давом этмоқда. Баҳзи олимлар методни белгилашда билиш манбаларининг хусусиятларини асосий деб ҳисоблайдилар, бошқалари болаларнинг тафаккуридаги ижодий фаоллик ва мустақиллик, айрим олимлар эса болалар фаолиятида Таълимнинг турли боскичларидаги характеристикани муҳим деб ҳисоблайдилар ва шу кабиларни.

Лекин, кўпчилик ҳолларда Таълим методлари ахборот манбаларига қараб классификация қилинади. Чунки улар асосида билим, кўникма ва малакалар шаклланади. Шунинг билан бирга ўқитувчи ва болаларнинг бу манбалардан фойдаланишдаги фаолияти ва характери ёки муносабатларига боғлиқдир(сўз, хиссий образ ва амалий фаолият). Шунинг учун ҳам касб таълимининг умумий методларини шартли равишда уч гуруҳга: оғзаки, кўргазмали ва амалий кабиларга (1-расм) бўлиш мумкин.

Оғзаки	Кўргазмали	Амалий

Оғзаки баён (ҳикоя, тушунтириш, маъруза)	Кўргазмали куроллар намойиши	Усулларни бажариш бўйича машқлар, опера-циялар, комплекс ишлар
Сухбат	Меҳнат усулларини кўрсатиш	Мустақил ишлар
Болаларнинг техник адабиётлар билан мустақил иши	Болаларнинг мустақил кузатишлари	Тренажёрлар (машқлар)
Ёзма инструкция бериш	Ишлаб чиқариш экскурсиялар	Лаборатория амалий ишлари
Телевидения овоз ёзиб олиш		Меҳнат жараёнига раҳбарлик қилиш

Оғзаки методларга ўқув материалнинг ўқитувчи томонидан оғзаки баён қилинишига, ҳикоя, тушунтириш, сухбат болаларнинг техник адабиёти билан мустақил ишлаши ёзма инструкция бериш, овоз ёзувчи телевидение кабилар киради.

Материални оғзаки баён қилиш - касб таълимида ҳикоя қилиш, тушунтириш, маъруза, сухбат, ўқув материални оғзаки баён қилишнинг асосий методлари ҳисобланади.

Ҳикоя - ўқитувчи томонидан ўқув материални тартибли, мантикий, изчил, нисбатан кенгроқ баён қилишда фойдаланилади. У пухта режа асосида тузилиши, материални баён қилишда ноаниқликка йўл қўймаслик учун барча деталлари билан тайёрланиши лозим.

Тушунтириш - ҳикояга яқин бўлган Таълим методи ҳисобланади. Касб таълимида ҳикоя ва тушунтиришдан алоҳида ҳолда кам фойдаланилади. Масалаларни баён қилишда, масалан: машиналар, механизмлар тузилиши ёки технологик жараёнларнинг боришини баён қилишда кўпинча ҳикоя ва тушунтириш бирга қўшиб олиб борилади. Ҳикоя тушунтириш муваффақиятли ўтказилиши учун ўқитувчи болаларнинг амалий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда етказиладиган материални қабул қила олишларини тасаввур қилиш керак. Бунинг учун болалар махсус технология, материалшуноснинг мавзулари бўйича қайси ўқув материални ўтганликларини билиш муҳимдир. Бундан ташқари, ўқитувчи болаларни йўлланма вақтида саволлар ёрдамида нималарни эслашларини текширади ва зарур билимларни улар хотирасида қайта тиклайди.

Ҳикоя ва тушунтиришга қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Мазмуннинг тўғрилиги – болаларга айтиладиган фактлар ўқув дастурининг мазмунига мос келиши ва илмий асосланган бўлиши керак.
2. Материални ўзини оқлаган изчилликда баён қилиш - болаларни обҳект ёки жараён билан умуман таништириш, сўнгра уни таркибий қисмларга бўлиб ўргатиш.
3. Аниқлик ва исботлилиқ – таълимнинг мазмуни, одатда, болалар танишадиган назарий қоидаларни ва меҳнат усулларини бажариш қоидаларини қисқа, аммо аниқ ва ишончли асослаш имконини беради.
4. Баённинг эмоционаллиги – ўқитувчи мавзунини болаларга таҳсирчан қилиб баён қилиши керак.
5. Ўқитувчининг нутқ маданияти, унинг болалар тушуна оладиган бўлиши – ўқитувчи сухбатга тайёрланади, яъни болаларга тушунарли, ишнинг моҳиятини

акс эттирадиган саволларни танлайди ва уларни мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштиради.

Маъруза – дастурдаги аниқ материал сифатида хулоса ва умумлашмани ўз ичига олган бирор масаланинг мазмунини изчил баён қилишдир. Материални баён қилишнинг маъруза (лекция) методидан фойдаланиш ўқув жараёнининг такомиллашишига имкон яратади. Маъруза ҳикоянинг янада ривожланган тури бўлиб, ҳар иккала ҳолда ҳам тушунтиришдан кенг фойдаланилади.

Дидактик мақсадларига кўра маърузанинг кириш, обзор, умумлаштирувчи турлари мавжуд. Улар ўз тузилиши, материални баён қилиниш усуллари, умумлаштириш ва хулосалашнинг характериға кўра бир-биридан фарқ қилади. Маърузада ўқув фаолиятини фаоллаштиришдан ташқари ёшларни ўқишни давом эттиришга ва тизимли равишда мустақил билим олишга яхшироқ тайёрланишга имкон беради. Чунки маърузалар билимнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Сухбат ҳикоя-тушунтиришдан шу билан фарқ қиладики, унда ўқитувчи фақат ўзи гапирибгина қолмай, болаларни ҳам фаол ишга жалб қилади. Сухбат Таълим методи сифатида ўзининг асосий хусусиятлари – болаларнинг мавзуни ривожлантиришдаги бевосита иштирокидан келиб чиқадиган фазилатлари ва камчиликларга эга. Сухбатда ҳикоя методига қараганда болалар диққатини фаоллаштириш, улар тажрибаси ва билимини сафарбар қилиш осонроқ. Сухбат ўқув материални ўзлаштириш даражасини назорат қилиш, айрим болаларга шахсий ёндашиш имконини беради, билимларни мустаҳкамлашни енгиллаштиради. Бошқа томондан эса болалар билдирадиган фикрлар мавзуни изчил ривожлантиришни қийинлаштиради, асосий масаладан чалғитади. Бундан ташқари сухбат ҳикоя қилишга қараганда кўп вақт талаб қилади.

Овоз ёзуви ва телевидение - телевидение дастурларига касб-ҳунар коллежларининг болалари учун эшиттириш ва кўрсатувлар кенг кўрсатилмоқда. Айниқса олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, касб-ҳунар коллежлари болаларига бағишланган чиқишлари қимматлидир. Машғулотларида овоз ёзиб олиш яна ҳам кенгроқ қўлланиши мумкин.


ОҒЗАКИ БАЁН ҚИЛИШ МЕТОДЛАР

Сўз – билим олиш манбаларидан бири бўлиб, болаларнинг билим олиш ва амалий фаолиятини йўналтириш, ўз олдида турган ишларнинг мазмунини, уларни ташкил этиш ва бажариш тартибини тушунтириб бериш воситасидир. Сўз ўқитувчига билимларни болаларга ўргатиш имконинигина бермасдан, ихтисос (касб) га қизиқишни тарбиялашга, ўрганилаётган факт ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, умумлаштиришга ўргатишга, мустақил ўйлаб чиқиш ва ўрганиш учун болалар олдига саволлар қўйишга ҳам имкон беради.

Ҳикоя – ўқув материални жонли, образли қилиб баён қилиб беришдир. Ҳикоя ва назорат болаларнинг галдаги ишларига жипс боғланган бўлиши шарт. Ҳикояни дарс мавзусини қисқача умумлаштириб тамомлаш керак.


Ўқув материални оғзаки баён этиш – ҳақиқий материални изчиллик билан баён қилиб беришдир; ундан мақсад: қоида ва тушунчаларни очиқ беришдир. Бунда фактларни таҳлили ва исботлаш катта ўрин олади. Ўқитувчи баёнида ёзмаларидан, ҳисоблашларидан фойдаланади, бундай галдаги ишнинг характери ойдинлаштирилади.

Сухбат – бунда болалар ўқитувчининг саволига жавоб беради ёки саволнинг мазмунига мувофиқ сўзга чиқадилар. Сухбатдан ўрганиладиган материал тўғрисида болаларда маълум ҳажмда билим бўлган ҳолларда фойдаланилади. Сухбат охирида ўқитувчи болаларнинг жавобларини умумлаштиради.



Кўргазмали методлар – бу кўрсатмали қуролларни намоиш (кўрсатиш) қилиш меҳнат усулларини кўрсатиш; болаларнинг мустақил кузатишлари; ўқув-ишлаб чиқариш экскурсиялари.

Кўрсатмали қуролларни намоиш қилиш (кўрсатиш) методи ёрдамида болаларда меҳнат ҳаракатларининг муайян ва аниқ образи шаклланади. Улар унга тақлид қиладилар ва ўз ҳаракатларини қиёслайдилар. Мазкур методнинг қўлланилиши касб таълимида кўргазмалик тамойилининг яққол намунаси бўлиб ҳисобланади. Касб таълими дарсларида кўрсатмали қуролларнинг турли хил ва шаклларида фойдаланиш ўқитувчининг тушунтиришларини яхши идрок қилиш ҳамда ўзлаштиришларга, малакаларнинг мустаҳкам шаклланишига ёрдам беради. Плакатлар, схемалар, моделлар, макетларнинг намоиш қилиш билан бир қаторда ҳаракатдаги иш қуроли, асбоблар, мосламалар хомашёлар, буюмларнинг намуналари ва ҳоказоларни кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эга.



Таълимнинг кўргазмали методлари.

Кўрсатмали қуролларни намоиш қилиш деганда ўрганилаётган объектни кўрсатмали-ҳиссий идрок этишга асосланган касб таълими методи тушунилади. Кўрсатмалилик методи ўқув материални баён қилиш жараёнида қуйидагиларни намоиш қилишни тақозо этади:

1. Натурал намуналар (тикув машиналари, механизмлар, мосламалар, андозалар, тайёр тикув буюмлари ва бошқалар).
2. Тёкис ва ҳажмдор қўлланмалар (плакатлар, схемалар, жадваллар, диаграммалар, макетлар, моделлар ва бошқалар).
3. Экранли қўлланмалар (диапозитивлар, слайдлар, ўқув кинофилмлари, электрон дарсликлар).

Кўрсатма қуроллар намоиш қилинганда муайян изчиллик бўлишига болалар томонидан кузатилаётган объектни баён этилаётган материал мазмуни билан боғлашга эҳтибор берилади.

Натурал намуналар намоиш қилинаётганда, агар йирик объектлар (тикув машиналар, тикув буюмлари, андозалар, мосламалар)дан иборат бўлса, касб таълими ўқитувчиси уларни кўрсатишни бевосита иш жойида олиб бориши мумкин.

Тёкис ва ҳажмдор қўлланмалар (улар, одатда, йирикроқ масштабда берилади)ни ўқитувчи бевосита иш жойидан туриб намоиш қилиши мумкин. Ҳажмдор қўлланмаларнинг тузилиши соддароқ кўринишда бўлади, чунки унинг ички тузилиши ва ҳаракат жараёни кўрсатилганда осонроқ тушунилади.

Қўл меҳнати дарсларида экранли қўлланмаларни намоиш қилиш баён қилинаётган материални яхши тушуниш ва ўзлаштириш имконини беради.

Қўл меҳнати дарсларида кўрсатиш методларидан самарали фойдаланиш бир қатор талабларга риоя қилиш билан боғлиқ:

1. Кўрсатма қуроллар намоиш этилганда уларни барча болалар учун бир хилда кўринишини тахминлаш зарур.
2. Кўрсатма қурол ўқув материали мазмунининг энг муҳим белгисини акс эттирган бўлиши керак.
3. Кўрсатма қурол баён қилинадиган материал мазмунига тўла мос ҳолда кўрсатилиши лозим.
4. Ўқитувчи болаларнинг намоиш қилинаётган жараёни яхши идрок қилишлари устидан аниқ раҳбарлик қилиш.

Меҳнат усуллари бажариб кўрсатиш – меҳнат усуллари, операциялар, жараёнлар ва уларнинг элементларини ўрганишда фойдаланиладиган касб таълими методини ифодалайди. Болалар янги меҳнат операцияларини ўрганишларида ўқитувчи ундан болалар ўзлаштириши зарур бўлган энг муҳим меҳнат усуллари ажратиб олиши керак.

Меҳнат усуллари кўрсатишни тўрт босқичга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат усулини ўқитувчи томонидан иш жойида кўрсатиш.
2. Меҳнат усуллари айрим элементлар (меҳнат ҳаракати ва амалий иш) га ажритиш ва уларнинг ҳар бирини сёкинроқ бажариб кўрсатиш.
3. Иш жойида меҳнат усулини такрор кўрстаиш.
4. Болаларга кўрсатилган меҳнат усуллари кўрсатиш қандай (уларнинг элементини) ўзлаштирганликлари синаб текшириб кўриш.

Мустақил кузатиш - болалар томонидан ишлаб чиқариш жараёни ва ҳодисаларни табиий шароитда бевосита идрок этишни тахминловчи касб таълими методи ҳисобланади. Мазкур методдан технологик ва меҳнат жараёнларининг боришини ўрганишда машиналар принципи ва уларнинг иш режимлари, тикув машиналарнинг ишидаги амчиликларни аниқлашда, меҳнат усуллари ва улар элементларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Болаларнинг мустақил кузатишини куйидаги кўринишда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўқитувчи томонидан кузатиш объектларини танлаш.
2. Кузатишга оид индивидуал топшириқларни тайёрлаш ва топшириш.
3. Бевосита кузатишни бажариш (кузатишни қай тарзда қайси тизим бўйича ва қандай изчилликда ўтказиш кераклиги ҳақида кўрсатма берилади).
4. Кузатиш натижаларини ёзма, график ҳисоботларда расмийлаштириш.
5. Кузатиш натижаларини жамоавий равишда муҳокама қилиш ва баҳолаш.

Болаларни *экскурсия*ларга тайёрлашда асосан экскурсия пайтида эҳтиборни нимага қаратишни, нималарни ёзиб ва чизиб олишларни тушунтиришдан иборатдир. Экскурсия пайтида хавфсизлик техника талабларни бажариш ва юриш туриш қоидаларига риоя қилиш ҳақида болаларга пухта кўрсатма бериш керак. Экскурсиядан мақсад иш қуроллари, механизмлар, мосламалар, асбоблар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганишдан иборат бўлган ўринларда болалар билан бирга илгаридан суҳбат ўтказиб уларни объектлар конструкциясини технологияси билан таништириш лозим.



Амалий методларга машқлар, инструктаж (йўлланма)лар, ўқув қўлланмалар билан ишлаш, лаборатория тажрибалари, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш киради.

Машқлар – касб-ҳунар таълими жараёнини тадқиқ қилиш ҳар бир янги операцияни қисқа муддатли (5-15 минутли) машқлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу машқларни шартли равишда таълимий машқлар дейилади. Амалий ишларни бажариш жараёнида болалар ҳар хил буюмлар тайёрлар экан, меҳнат усуллари ва ҳаракатларини бажариш бўйича машқ қилишни давом эттирадилар. Бундай машқларни тайёргарлик машқлари дейилади.

Машқларга бир қанча дидактик талаблар қўйилади:

1. Машқлар учун моддий ўқув шароити яратилиши керак.
2. Машқлар ўқувчининг онгли фаолиятига асосланиши керак.
3. Машқлар ва уларнинг элементлари қийинлиги ортиб борадиган тартибда жойлаштирилади.
4. Машқлар давомида болалар ўз меҳнат ҳаракатларини назорат қилишлари керак.
5. Машқлар давомида болалар йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш йўллари топиш керак.

Йўлланма – меҳнат фаолияти усуллари тушунтириш ва кўрсатиш ҳамда меҳнат фаолиятларини тўғри ва хавфсиз бажариш бўйича тасаввур ҳосил қилишга ва болаларнинг амалий фаолиятларини тўғри йўналтиришга қаратилади. Йўлланма дарснинг қисми (элементи)дир. *Йўлланма (инструктаж)га* қуйидаги дидактик талаблар қўйилади:

1. Йўлланма жараёнида Таълимнинг ҳар хил методларидан фойдаланиш.
2. Йўлланма мазмунини ўқитувчи асослаши. Агар ўқитувчининг болалар олдида қўйган топшириғи уларга тушунарли бўлмаса, болалар уни бажариш шартини кўпинча бузадилар, чунки улар бу нимага олиб боришини билмайдилар. Шунинг учун ўқитувчининг ҳар бир талаби асосланиши керак.
3. Йўлланманинг тўлалиги ва йўлланмани элементларга ажратиш. Меҳнат топшириғининг қийинлиги ва у қайси синфда бажарилаётганига қараб йўлланма бутун ёки ишнинг боришига қараб қисмларга ажратиб берилиши мумкин.
4. Йўлланмада шундай кўрсатмалар бўлиши керакки, ўқувчи улар ёрдамида ўз фаолиятларини назорат қила олиши керак.

Кириш, жорий ва якуний йўлланмалар бир-биридан фарқ қилади.

Янги операцияни ўрганиш бўйича *кириш йўлланмаси* операция характеристикасини; меҳнат усуллари меҳёрий ва сёкинлаштирилган сурҳатларда бажариш қоидаларини намоиш қилишни; ўз-ўзини назорат қилиш белгиларини; аниқ меҳнат вазифасини ўз ичига олади.

Меҳнат усуллари бажаришдаги хатоларни тузатиш бўйича *жорий йўлланма*: болалар ишини тўхтатиш – хатога йўл қўйган ўқувчининг ишига эҳтибор бериш, ундан нотўғри ишланганлигининг сабабини тушунтириб беришини талаб қилиш, шу аснода ҳамма болалар билан суҳбат ўтказиш, ўқитувчининг хулосаси: ўқитувчининг тўғри усуллари кўрсатиши, хатога йўл қўйган ўқувчининг усуллари хотирада тиклаши, гуруҳга ишни давом эттиришга рухсат беришдан иборатдир.

Якуний йўлланма сифатли бажарилган ва нотўғри қилинган буюмларни намойиш қилишни, болалар ишининг умумий характеристикасини, болалар йўл қўйган хатолар таҳлилини, болалар ишини баҳолашни ўз ичига олади.

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эҳтибор кундан-кунга кучайиб бормокда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анҳанавий Таълимда болаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто ҳулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахсининг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Интерактив методлар - бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат деб юритилади, яҳни педагогик таҳсир этиш усуллари бўлиб, Таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва болаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар қиради:

ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

болаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таҳминлаши;

ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

педагог ва ўқувчининг ҳаммиса ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиялар – педагогик технологиялар масалаларининг муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология - бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ТСО – ЎТВ (Таълим самарадорлигини ошириш), (ўқитишнинг технологик воситалари), компютер, масофали ўқитиш ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Педагогик технологиянинг энг асосий негизи - бу ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижада ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яҳни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир Таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида болалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари ҳулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга ва уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, ана шу, ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу ўқув фаниининг ўзига хос технологияси бор, яҳни ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараён.

Ўқитиш жараёнида тарбияланувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади.

«Ақлий ҳужум» методи

Ақлий ҳужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда болалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маҳлум бир ечимга келинадиган энг самарали метод. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга болаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Болалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга болалар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маҳлум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги болаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод болаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

«Ақлий ҳужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Болаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий ҳужум» методининг афзаллик томонлари:

- натижалар баҳоланмаслиги болаларни турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- болаларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- болаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- болаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий ҳужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«Ақлий ҳужум» методининг босқичлари:

Болаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳазА) билдиришларини сўралади;

Болалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

Болаларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

Фикр-ғоялар маҳлум белгилар бўйича гуруҳланади;

Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методи

Кичик гуруҳларда ишлаш -ўқитувчи томонидан берилган маълум бир топширикни ҳамкорликда бажариш учун болаларни кичик гуруҳларга ажратиб, берилган топшириқнинг ечиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этувчи метод.

Ушбу метод қўлланилганда ўқувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанҳанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча болаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча болалар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- кучсиз болалар бўлганлиги сабабли кучли болаларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча болаларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.
- Гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методини қўллаш босқичлари:

Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

Кичик гуруҳлар белгиланади. Болалар гуруҳларга 3-5 кишидан ўлинишлари мумкин.

Кичик гуруҳлар топширикни бажаришга киришадилар.

Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва ўқитувчи томонидан йўналтириб турилади.

Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Баҳс-мунозара» методи

Баҳс-мунозара - болаларни икки гуруҳга бўлган ҳолда, бирор мавзу бўйича ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методи.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини болаларнинг бирига топшириш мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир ўқувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда болалар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

Баҳс-мунозара методининг афзалликлари:

1. болаларни мустақил фикрлашга ундайди;
2. болалар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қиладилар;
3. болаларда эшитиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Баҳс-мунозара методининг камчиликлари:

ўқитувчидан бошқариш маҳоратини талаб этади;
болаларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

Баҳс-мунозара методини ўтказиш босқичлари:

Ўқитувчи мунозара мавзусини танлайди ва қатнашувчиларни таклиф этади.

Ўқитувчи «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланиб, болаларга мавзу бўйича савол беради.

Ўқитувчи билдирилган ғоя ва фикрларни ёзиб бориш учун котиб тайинлайди. Бу босқичда ўқитувчи гуруҳ қатнашчиларига ўз фикрини билдиришга шароит яратиб беради.

Қатнашчилар билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳлаштириб, уларни таҳлил қилишга ўтишади.

Таҳлил орқали қўйилган вазифанинг энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилинади.

Шуни таҳкидлаш керакки меҳнат жараёнида умумий дидактик ҳарактерга эга бўлган кўпгина машғулотларга фойдаланади. Бироқ меҳнат усулларини амалга кўрсатиш меҳнат усуллари бажаришга оид машқлар амалий ишларни бажариш каби методлар фақат меҳнат Таълимга хос бўлган методлар.

Назорат топшириқлари

1.1.1. Метод тушунчасига таъриф беринг.

1.1.2. Қўл меҳнати методларининг бутун системасини неча гуруҳга бўлиш мумкин.

A) 3та системага

B) 4та системага

C) 5та системага

1.1.3. Қўл меҳнати методларининг бутун системаси гуруппаларга бўлинишини санаб беринг

1.1.4. Қўл меҳнати дарслари неча фоизи амалий ишни ташкил этади?

A. 70-80%

B. 75-85%

C. 80-85%

1.1.5. Ўқитиш формаларининг изоҳланг?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мавлянова Р.А. ва бошқалар. Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т.: ТДПУ. 2007.

3-мавзу: Қўл меҳнатининг усуллари

мавзусидаги маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<i>Дарс мақсади.</i> Меҳнат дарсларида қўл меҳнатининг усулларини талабаларга тушинтириб бериш. <i>Идентив ўқув мақсадлари.</i> А. Талабаларга МТМ Меҳнат дарсларида қўл меҳнатининг усуллари билан таништириш. Б. Талабаларга МТМда Меҳнат дарсларида қўл меҳнатининг усулларини фан сифатида ҳақида маълумот бериш.	Ўқитувчи
2-босқич	<i>Асосий тушунчалар.</i> Меҳнат, ДТС, педагогика, иш турлари, жараён, меҳнат қуроллари, меҳнат, касб-хунар. <i>Дарс шакли.</i> Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. <i>Воситалар.</i> слайдлар. <i>Метод ва усуллар.</i> Оғзаки тушунтириш, Савол -жавоб суҳбат.	Ўқитувчи
3-босқич	<i>Гуруҳда ишлаш.</i> Меҳнат дарсларида қўл меҳнатининг	Талаба

	усулларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари изоҳлаб беради.	
4-босқич	<i>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар.</i> Меҳнат дарсларида қўл меҳнатининг усуллари деганда нимани тушунасиз?	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<i>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</i> Мақсадга эришилганлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. Мустақил иш топшириқлари сифатида таянч тушунча ва иборалар қўшимчаси билан берилади.	Ўқитувчи

Ажратилган вақт –2 соат

Машғулоти тури –маъруза

Асосий масалалар

МТМларда қўл меҳнатига ўргатишни ташкил қилиш шакллари ва иш турлари.

Таянч ибора ва тушунчалар: Машғулоти, асбоб, қайчи, бигиз, нина, вазифа, изчилик, тажриба, материал, ,

1 - асосий масала бўйича дарснинг мақсади : Меҳнат дарсларида қўл меҳнатига ўргатиш ҳақида тушунча бериш, ҳамда уларни кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Қўл меҳнатининг аҳамиятини тушунтириб берадалар.
- 1.2. Иш турлари усуллари санаб берадилар.

1 - асосий масаланинг баёни:

Қўл меҳнатига ўргатишда бошқа фанларни ўргатишда бўлганидек, ўқитишнинг хилма-хил усуллари кўллаб, улар ёрдамида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларни эгаллаб олишларига, шунингдек билиш қобилиятларини ривожланишига эришилади.

Болалар баён этилаётган айнан буюм эмас, балки ўз сўзлари билан буюмни бажарилишини эслашлари талаб этилади. Бироқ, асосий ўринни ҳали ҳам намуна, тайёр кўргазма бўйича ишлаш эгаллайди. Ҳозирга замон мактаби дарснинг замонавийлигини оширди, такомиллаштиришда ва унга сайкал берди. Ўқитувчи дарсга тайёрлшар экан, ҳар бир тайёр мавзу мазкур дарс учун унинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ келадиган ишни усул ва кўргазмали курулларни тайёрлайди,

Қўл меҳнати дарсларида одатда бир ёки икки асбобдан фойдаланнади, уларни эса навбатчлар таркатади. Столнинг устида диққатни жалбитадиган ҳеч қандай ортиқча нарса бўлмаслиги керак.

Асбобларни, айниқса кесувчи асбобларни чарм гилофда сақлаган маҳқўл. Ҳар бир гилоф асбобнинг маҳлум турига мўлжалланган бўлади. Навбатчи ўқитувчи асбобларни тарқатишни доимо биринчи партадан бошлайди, бунда болалар тартиб ва тежамкорликка ўрганадилар.

Ҳамма фойдаланадиган асбоблар синф шкафларда сақланади, ишдан сўнг асбобларни болалар тозалаб ювиб, артиб навбатчи ўқувчига топширадилар.

Иш хонасида ўқувчиларга асбобларни ишлатиш ва сақлаш қоидаларини эслатиб турувчи плакат - эслатмалар осиглик бўлиши керак. Хавфсизлик техникасига қоидаларига тўлиқ риоя қилиш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини оловчи ишончли гаровдир. Асбобларни ишлатиш қоидаларини болалар вақти-вақти билан такрорлаб туриши лозим. У ёки бу қоида тушунтиришда ўқитувчи нима учун айнан шундай қилиш керакли, бу қоидаларга риоя қилинмаса қандай ҳодисалар руй бериши мумкинлигини ўқитириши лозим. Хавфсизлик техникасининг барча қоидалари сўзсиз бажарилиши лозим.

Иш хоналарида ишлаш ва асбоблардан фойдаланиш бўйича қоидаларни қуйидагича умумлаштириш мумкин.

1. Иш хонасига факат ўқитувчи рухсати билан кирилади.
2. Ҳар бир ўқувчи факат уз иш жойида ишлайди. Агарда иш жамоа равишда кшшнадиган булса, ўқувчилар уз мажбуриятларини яхши биладилар.
3. Иш факат ўқитувчининг рухсати билан бошланади.
4. Ишни бошлашдан олдин, иш жойингни тайёрла, асбобларни тўғри ва қўлай жойлаштириш: Унг қўл билан ушланадиган асбобларни унг томонга, чап қўл билан ушланадиганини чап томонга қуй. санчилаган, кесадиган асбобларни ҳеч қачон иккита асбоб орасига қуйма, уларни доимо уз жойига, уткир томонини нариги, дастасини узинг томонга қилиб қуй. Асбобларни уйнама, улар уйинчок эмас.
5. Иш вақтида иш жойингаи тартибли сакла.
6. Ўтмас ёки бузук асбоб билан ишлама.
7. Асбобни ишлатганда, уни ўқитувчи курсатганидек ушла.
8. Асбобларни асра, уларни тўғри, уз урнида ишлат, йшлатгандан сунг уларни тозалаб, ювиладиганларини ювиб, артадиганларини артиб қуй.
9. Нарсани, ҳар бир детални олдинги сафаргидан яхшироқ, чиройлироқ, тартиблироқ қилишга ҳаракат кил.
10. Ишни тугатдингми. иш жойингни тезда тозалаб тартибли қилиб қуй.

Турли асбоб ва ускуналардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси қоидалари

Кайчидан фойдаланиш қоидалари..

1. Кайчини белгиланган жойда, белгиланган ҳолатда сакла.
2. Кайчини учини юкорига қилиб ушлама.
3. Кайчини очик ҳолда қолдирма.
4. Кайчини юриб турганинда ишлатма
5. Кайчини факат ёпилган ҳолда учидан ушлаб уртогинга узат.
6. Кайчини шлатаётганда кесилишнинг йуналиши ва материални ушлаб турган чап қўл бармоқларини қузатиб тур.
7. Яроксиз кайчини ишлатма, ўқитувчига топшир.

Бигиздан фойдаланиш қоидалари.

1. Бигизни уринсиз ишлатма.
2. Сирти силлик, сирғанчик қаттиқ предметларни бигиз билан тешма.
3. Тешиладиган предметни қўлингда ушлама, уни стол, таглик устига қўйиб теш.

Пичоқ билан ишлиш қоидалари.

1. Учи юмалоқ пичоқдан фойдалан.
2. Пичоқни ўқитувчи кўрсатганидек ишлат, кесганда қаттиқ босма.

Нинани ушлаш қоидалари.

1. Нинани ишлатни булгач, махсус нина ёстикчага санчибқуй.
2. Нинани ҳеч қачон оғзинга солма
3. Ишдан олдин ва ишдан кейин ниналарни санаб кўр, етишмаган ниналарни албатта топ.
5. Қоғоз ва картондан нарсаларни ясаганда биринчи тешикни албатта бигиз билан тешиб ол.¹

Курилган чораларга қарамай синфда бахтсиз ҳодиса руй берса, ўқитувчи биринчи ёрдамни кўрсатиши ва мактаб врачини чақириши лозим. Иш хонасда йод, бинт солинган аптечка бўлиши шарт.

МТМ қўл меҳнати дарслари учун болалар шахсий папкаларини қўлланилиши 1-3 синф болаларига қўл меҳнати дарсларини методик тўғри ташкил этиш ва уларни мунтазам утказиш имконини беради.

¹ А.К. Бешенков, А.В. Бичков и др. Методика обучения технологии. Москва. 2017 г.

Бундай палкларнинг қўлайлиги шундаки, унда ҳар бир ўқувчи дарс вақтида керакли ҳамма нарсаларга асбаблар, материаллар, буюмларга эга бўлади. Папка болаларга меҳнат маданияти малакаларини сингдиршида ёрдам беради. Шунунгдек. папка болаларда уз иш жойларини ва меҳнат жараёнини уюштириш, кўникма ҳамда малакаларини шакллантиришга ҳам ёрдам беради. Бундай энг оддий меҳнат малакаларини болаларда биринчи синфдаги дастлабки қўл меҳнати дарсларидан бошлаб шакллантира бориш ва уларни аста-секин такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мавлянова Р.А. ва бошқалар. Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т.: ТДПУ. 2007.

4-мавзу: Меҳнат дарсларида ўқув жараёнини ташкил этиш мавзусидаги маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<i>Дарс мақсади.</i> Меҳнат дарсларида ўқув жараёнини ташкил этиш шакл ва методларини талабаларга тушинтириб бериш. <i>Идентив ўқув мақсадлари.</i> А. Талабаларга МТМ Меҳнат дарсларида ўқув жараёни билан таништириш. Б. Талабаларга МТМида Қўл меҳнати фанини ўқитилиши ва фан сифатида ҳақида маълумот бериш.	Ўқитувчи
2-босқич	<i>Асосий тушунчалар.</i> Меҳнат, ДТС, педагогика, иш турлари, жараён, меҳнат қуроллари, меҳнат, касб-ҳунар. <i>Дарс шакли.</i> Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. <i>Воситалар.</i> слайдлар. <i>Метод ва усуллар.</i> Оғзаки тушунтириш, Савол -жавоб суҳбат.	Ўқитувчи
3-босқич	<i>Гуруҳда ишлаш.</i> Меҳнат дарсларида ўқув жараёнини ташкил этиш методларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беради.	Талаба
4-босқич	<i>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар.</i> Меҳнат дарсларида ўқув жараёнини ташкил этиш деганда нимани тушунасан?	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<i>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</i> Мақсадга эришилганлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. Мустақил иш топшириқлари сифатида таянч тушунча ва иборалар қўшимчаси билан берилади.	Ўқитувчи

Ажратилган соат – 2

Машғулот тури – маъруза

Асосий масалалар

1. Қўл меҳнاتини ташкил этиш жараёни.
2. Қўл меҳнатини ташкил этиш дидактик системаси.

Таянч ибора ва тушунчалар: Машғулот, режалаштириш, дастур, вазифа, изчилик, чорак, амалиёт, тажриба, материал, модел, ҳўжалик меҳнати, хусусият, табиат, жараён.

1 - асосий масала бўйича дарснинг мақсади: Меҳнат дарсларини режалаштириш бўйича болаларга тушунча бериш, ҳамда уларни кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Қўл меҳнاتини ташкил этиш жараёнини тушунтириб берадалар.

1.2. Қўл меҳнатини ташкил этиш дидактик системасини санаб берадилар.

1 - асосий масаланинг баёни:

Меҳнат фанидан ўқув жараёнини ташкил қилиш ўқувчиларни муайян меҳнат малакаси ва кўникмалари билан куроллантиришгагина хизмат қилиб қолмай, балки уларнинг ақлий ва ижодий қобилиятларини ўстириш ва уларда меҳнатга муносабатини тарбиялашда ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган меҳнат дарслари ғоят зарурдир. Ўқитувчининг ўз фанини яхши билиши ўқувчиларнинг муваффақият билан ўқитишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ўз фанини яхши билган ўқитувчи бирор буюм нарсани тайёрлаш усулини маҳорат билан тушунтириш ва кўрсатиб бера олади, бу эса меҳнат амалларини ўқувчи тўғри идрок этишни тахминлайди. Ўқитувчи шу муносабат билан дарсга пухта тайёргарлик кўриши, болаларга кўрсатадиган буюм нарсани ўқитувчининг ўзи олдиндин тайёрлаб кўриши лозим, чунки буюм нарсани тайёрлаш давомида қийин иш усулларини қўллашга тўғри келиб қолиши мумкин. Агар ўқитувчининг ўзи нарсаларни олдиндан тайёрласа ўқувчиларга уни тайёрлатишнинг хийла мукаммалашган метод ва усулларини кўзда тутган бўлади.

Ҳар бир дарс ўқувчиларнинг билим ва малака доираларини кенгайтириши ҳамда мустахкамлаши, уларда барқарор ижобий кўникма ва одатлар ҳосил қилишга ёрдам бериши лозим.

Дарс вазифасини фақат билим бериш ва кўникма ҳосил қилишдан иборат қилиб қўймаслиги балки тарбия бериш ва камол топтириш вазифалари билан органик боғлаб олиб бориш ҳам зарур.

Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўзи ўқитаётган билимини билиши лозим. Бу эса бирор мавзуга тайёрлана туриб, ўқитувчи мазкур дарс материали асосида ўқувчиларнинг ахлоқийликнинг қандай ғояларини англашга олиб келажагини диққат, фикрлаш, хотира, тасаввур, иродани ривожлантириш ва бошқа шу кабилар соҳасида шахс сифатини қандай камол топтиришга эришишини аниқ тасаввур қилмоғи лозим.

Агарда болалар яхши ёритилмаган синфда, ёшига мос келмайдиган кўпол, оғир асбоблар билан ишласалар, бу уларнинг иш натижаларига жуда ёмон таҳсир кўрсатади. Меҳнат маданияти малакалари кўп маротаба такрорланадиган машқлар натижасида ҳосил бўлади, бунда машқлар давомида ҳар бир машқ жараёнида ўрнатиладиган тартиб ва иш ҳаракати изчиллигини систематик суҳратда тушунтириш бериш зарурияти билан бирга қўшиб олиб борилади. Таълим системаси деб, амалий кўникма ва меҳнат малакаларини тўғри таркиб топишини, касбий фаолиятга тайёрлашни тахминлайдиган ўқув материалининг мақсадга мувофиқ структурасига, уни ташкил этиш ва изчиллигига айтилади.

Меҳнат таълими ўзаро боғланган икки қисмдан иборат:

а) назарий билим;

б) ишлаб чиқариш таълими.

Ишлаб чиқариш таълими ва назарий таълими олиб боришда бир-биридан фарқ қиладиган, лекин ўхшашликлари ҳам бор. Таълимнинг бу 2 хил тури ҳам Таълим мазмунини ажратиш, унинг қисмларини гуруппалаш, уларни ўрганиш изчиллигини белгилаш зарурлиги билан боғлиқдир. Бундай ажратиш принциплари ва гуруппалаш тартиби ўқитишнинг одатда ишлаб чиқариш таълими системасининг қайси биридан қўлланишига боғлиқ бўлади.

Предмет системаси, операция, операция-предмет системаси, моторлик машқ системаси, операция-комплекс бошқа системалар

Касб-хунар таълимида 6 та система маълум:

1. Буюм системаси.
2. Операция системаси.
3. Операция буюм системаси.
4. ММТ системаси ёки моторли машқ системаси.
5. Операция комплекс системаси.
6. Конструкцион-технологик системаси.

Дастлаб буюм (предмет) системаси пайдо бўлган. Бу системага ўқувчи ўзи ўзлаштираётган меҳнат -касб учун тегишли бўлган буюмларни тайёрлаган. Бунда буюмлар мураккаблиги ортиб борган.

Тайёрлаш жараёни дидактик жиҳатдан алоҳида операцияларга ажратилмаган. Ўқувчи айрим меҳнат усуллари бажариш қоидалари билан махсус танишмаган, фақат ўқитувчининг иши ва бошқа ҳаракатларини такрорлашга интилан. Бундай Таълим натижасида болаларни таниш буюмни тайёрлаш учун ўз билим ва малакаларидан фойдалана олмайдилар, ҳар бир янги буюмни тайёрлаш жараёнида ишни қайтадан ўрганишга мажбур бўладилар. Мазкур системанинг асосий камчилиги ана шундан иборат. Буюм (предмет) системаси хунармандчилик ишлаб чиқариш усулини акс эттирган ва XIX асрнинг 2-чи ярмигача кенг қўлланилган.

Операция системаси бўйича ўқитишда болалар ўзлари эгаллайдиган касбнинг мазмунини ташкил қилувчи меҳнат операцияларини ўрганишган. Шу сабабли улар ҳар қандай буюмни тайёрлаш бир хил операциялардан иборат, бундан фақат операцияларнинг бажарилиш тартиби ва ишлов беришнинг аниқлигига қўйиладиган талаблар бир-биридан фарқ қилади, деган тушунчага эга бўлишган. Шундай қилиб, операция системаси болаларни буюм тайёрлашга боғлаб қўймай, касб доирасидаги умумий билим, амалий кўникма ва малака билан қуроллантирган. Таълимнинг буюм системасига нисбатан операция системасининг афзаллиги ана шудир. Операция системаси ёрдамида ишлаб чиқариш технологиясини тушуниш учун шарт-шароитлар яратади, Таълимни янги изчил (оддий операциялардан мураккаб операцияларга) ташкил қилиш имконини беради, меҳнат кўникмаларини ва малакаларини шакллантиришда, асосий операцияларни ўзлаштириб олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Операция системасининг камчилиги шундан иборатки, операциялар умуман ўқув буюмлари тайёрлаш жараёнида ўзлаштирилади, яъни болалар меҳнати унумли меҳнат характерида бўлмайди. Натижада уларнинг ишга қизиқиши сусаяди. Операция системаси операцияларни бажариш билан буюмлар тайёрлашни узиб қўяди.

Операция-предмет системаси – XIX асрнинг 90-йилларида С.А. Владимирский томонидан таклиф этилган. Бу система болалар томонидан меҳнат операцияларини ўйлаб, танланган буюмларни тайёрлаш жараёнида ўрганишни кўзда тўтади. Буюмлар танлашда катта эҳтибор берилади, биринчи буюмни тайёрлашда энг енгил 3-4 операциялар, бошқаларни тайёрлашда эса мураккаброқ операциялар ўзлаштирилади.

Операция-предмет системанинг ютуғи ўқувчи ўз меҳнати натижасини кўради, операцияларни ўзи танлайди. Камчилиги: машғулотнинг биринчи дарсиданоқ ўз ичига бир неча операциялар олган буюмлар тайёрлаш болаларда бу операцияларнинг мазмуни ҳақида тўғри тасаввур бўлмаслигига олиб келарди. Шунинг учун ҳам система кенг тарқалмоқда.

Моторли-машқ системаси (ЦИТ системаси) - 20-йиллар охирида Марказий меҳнат институти ишлаб чиққан ва шу туфайли ММИ системаси деб ҳам аталувчи мотор-машқ системаси тарқалди. Бу система жиддий камчиликка эга. Мотор-машқ системаси бўйича ўқитиш болалар кўникма ва малакаларни онгли ўзлаштиришни назарда тутмасди. Кўникмаларни шакллантириш махсус аппаратлар ва ҳақиқий меҳнат жараёнини

эслатадиган машқларни қўллаш билан амалга ошириларди. Кўп марта такрорлаш натижасида мушакларни маҳлум ҳаракатларни онгнинг иштироксиз ҳам бажаришга “ўргатиш” мумкин, деб фараз қилинган. Таълимда бундай ёндошиш маҳқуullanмади ва тез уни рад қилинди. Мотор-машқ системасининг ютуғи шундаки, унда меҳнат ўқув ва маллакаларини шакллантиришнинг дидактик жиҳатдан асосланган, психофизиологик қонуниятларга мос келадиган кетма-кетлиги: меҳнат усули – меҳнат операцияси – меҳнат жараёни биринчи марта ишлаб чиқилган ва қўлланилган.

Бу системада болаларга касб таълими бериш беш даврга бўлинади:

1. Асосий меҳнат фаолияти ва ҳаракатларини ўзлаштириш бўйича машқ машғулоти.
2. Меҳнат усуллариини ўзлаштириш бўйича машқлар.
3. Меҳнат операцияларини бажаришга доир ўрганиш машқлари.
4. Болаларни махсус танланган буюмлар устида илгари ўзлаштирилган меҳнат операцияларини операциялар комплексига бирлаштиришга ўрганиш.
5. Мустақил давр, бунда болалар айна касбга доир ҳарактерли бўлган буюмларни тайёрлайди.

Операция-буюм мотор-машқ тизимларининг камчиликлари ва ютуқлари ўрганилиб, **операция-комплекс системаси** юзага келди. Бу системага асосан ўқувчи аввал 2-3 та кетма-кет операцияларни ўзлаштиради, сўнг шу операцияни ичига олган комплекс ишларни бажаради. Меҳнат операцияларини ўзлаштириш ва уларни комплекс ишларда қўллаш Таълимнинг 1-босқичидаги асосий вазифадир. Иккинчи босқичда болалар ишлаб чиқаришдаги унумли меҳнатга қўшиладилар. Масалан, кийим тикишда қўлланиладиган барча турдаги енгни, ёқани, майда қисмларини тикишни ўргатиб бўлингандан сўнг уни кийимда қўллаш бажарилади. Камчилиги: ўқувчи ўзининг ишининг натижасини жуда узоқ вақтдан сўнг кўради. Натижада қизиқиш сусаяди.

Ҳозирги вақтда ўқув устахоналарида амалий ишни бажариш жараёнида операция-буюм системасидан фойдаланилади, чунки операцияни алоҳида ўрганиш режалаштирилган ва дастурда кўрсатилган буюм хилини маҳаллий шароитга қараб ўзгартириш мумкин.

Меҳнат таълими дидактик системаларини такомиллаштириш

Кейинги йилларда ўқув устахоналарида **конструкцион-технологик система** бўйича машғулоти ташкил этилади. Бу системанинг етакчи ғояси болаларни ижодий фаолиятини оширишдан иборатдир. Ўқувчи бирор буюмни тайёрлашдан аввал унинг лойиҳаси ва ишлов бериш жараёнини амалга ошириши керак бўлган шароитга олиб қилилади. Ўқувчи бирор кийимни тикиш учун аввал ўлчов олиши, асос чизмасини чизиши, андоза тайёрлаши, моделлаштириш, андозани газламага жойлаштириб, буюмни бичиши ва тикиш каби мураккаб жараённи бажаради. Бу жараённи бажаришда болаларни ижодий фаолиятлари ортиб боради. Болаларни ижодий фаолиятларини ортиши учун яратиладиган ҳамма нарсалар зўр бериб меҳнат қилишини тақозо этади.

Назорат топшириқлари

1. Болаларни меҳнатга тайёрлаш қандай амалга оширилади.
2. Меҳнат хоналари ташкил қилиш усуллари.
3. Дарс нечта босқичда амалга оширилади.
4. Меҳнат дарсларида иш ўрнини қандай ташкил этиш кераклигини айтинг.
5. Меҳнат хоналари ва иш жиҳозларини вазифаларини айтинг.

АДАБИЁТЛАР.

1. Х.Санакулов, М.Ҳайдаров "Бошланғич синфларда қоғоздан амалий ишлар" 1996 йил
2. Р.А.Мавлонова, Горохова, Оглуади́на О, "Меҳнат Таълим методикаси" Т., "Ўқитувчи" 1986 йил
3. Шумулевич Н.М. "Қоғоздан техник моделлар яшаш" Т., "Ўқитувчи" 1989 й
4. Мавлонова.Р.А. "МТМ меҳнат дарсликлари". Т. 1996й.

Машғулотга болалар олдиндан тайергарлик куришади. Хар бир машғлот охирида болалар кейинги Машғулотда керак буладиган нарсаларни езиб оладилар. Болалар ишлаётган материалларга тежамкорлик билан муносабатда булишлари уз ишларини режалаштира билишлари материални тежамкорлик билан сарфлашлари вақтидан тўғри

фойдаланишлари ва иш жойини тозо саклашлари керак. Барча иш турларини алғомнинг унг варагига бажариш тавсия этилади. Елим билан ишлашда хул ва курук латта булиши озим. Хул латта кулга юккан клейни артиш учун куруги елимланаётган тасвирларни устидан босиш учун ва ортикча клейни артиш учун керак.

Аппликация ишида асосий материалга коғоздир дазмолланган ва крахмалланган газмол булакларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу материаллар билан бир каторда сомон куритилган усимлик уруг данак ва шу кабилардан ҳам фойдаланилади.

Назорат топшириқлари

1.1.1. Аппликация бундан неча йил мукаддам кучманчи халкларда пайдо булган.

- а) 2100 й
- в) 2200 й
- с) 2300 й
- д) 2400 й

1.1.2. Кайси халкларда ҳозирги кунда аппликациядан миллий кийим безашда фойдаланилади?

- а) рус тожик
- в) япония арабистонда
- с) корест бурят д) барча жавоб тугри

1.2.1. Нечанчи асрга келиб коғоздан аппликация ривожланди?

- а) ХИ
- в) ХИИ
- с) ХИИИ
- д) ХИЙ

1.2.2. Аппликацияни таърифланг ҳозирги кунда қандай ахволда сўзлаб беринг.

2 - асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсад

Талабаларга геометрик шаклли аппликация турлари унинг бажа рилиши ва лаборатория Машғулотида бажаришдан иборат.

Идентив ўқув мақсадлар.

2.1. Геометрик шаклли аппликацияни таърифлайди.

2.2. Геометрик шаклли аппликацияни қандай гуруҳларга ажратиш мумкин айтиб беради.

2.3. Геометрик фигуралардан предметли аппликацияларни тушунтиради.

2 - асосий масаланинг баёни

Бажарилиш техникасига кура аппликациянинг энг оддий турларидан бири геометрик аппликациялардир. 1-3 синфлар болалари геомрттик шаклли аппликацияларни бажаришда куйидаги билимларни эгаллайдилар.

1. Геометрик шаклар: квадрат тугри бурчак учбурчак айлана коғоз булагидан ва улчов асбоблари ердамида ҳосил булиши ҳақидаги мавжуд билимларни мустахкамлайдилар.

2. Бадиий дидни устирадилар. расм дарсларида доира квадратда орнаментлар тузиш бўйича олинган билимларни чуқурлаштиради.

3. Айрим предметларни деталма-детал Таҳлил қилиб геометрик шаклларни тугри идрок этишни тугри урганадилар. Масалан, арча бир-бирига учбурчак ухшайди еки юк машинаси турли улчамдаги тугри бурчаклардан гилдираги айланадан айланмадан ташкил топган.

4. Болаларнинг қупи узунасига кундалангига қисман ва қатлам икки қисми қирқишнинг тугри қисмига тенг қисмларига қабил тушунчалари мустахкамланади.

5. Болалар ранглар уйғунлигини тугри танлашни урганадилар.

Уларда эстетик дид тарбияланади.

Қуп рангли аппликацияларни қирқиш анчагина мураккаб иш бўлиб тасвирларни қисмларга ажратиш билан алоқадордир. Бу турдаги аппликацияларни бажаришда фонни танлаш муҳимдир. Фон ифодаланади-

ган предметлар рангидан очрок булиши керак. Ана шунда предмет худди буртиб тургандек еркин куринади. Хаммаси уйланган компазхияга боглик. Фонда жойлашадиган деталлар ранги хам шундай тананади, деталларнинг табиий жойлашиши ва улар улчамларининг уйгунлигига эҳтибор бериш керак.

Бу ишларни бажаришнинг бир неча усуллари мавжуд. Айрим деталлар контурларни олдиндан белгиламай киркилади. Айрим деталлар эса белгиланган натура эскизлари бўйича киркилади. Аппликациянинг ифодалигига жонлилигига эришишнинг усуллари куп. Айрим деталларнинг таг кисмида кесиклар килиниб елимлашда бошка коғоз куйилади.

Декоратив аппликация узининг орнаментлилиги шаклининг умумлашганлиги ранги билан ажралиб турувчи тасвирлардир. Ранг еки шартли булиши шарт. Когоздан килинадиган декоратив аппликация кенг кулланилади. Аппликациянинг бу тури билан табрик телеграмалар таклифномалар алғбом ва шшу кабилар безатилади.

Сюжетли аппликация компазхиясига кура оддий ва мураккаб булиши мумкин. Мураккаб сюжетли аппликация эртактар хикоялар ва шу кабиларга иллюстрация сифатида ясалади. Агарда сюжет оддий булса тасвирларни олдиндан белгиланмай кркиши мумкин.

Мураккаб сюжетли аппликация хам сюжет танлашдан бошланади. Агарда сюжетни ўқувчининг узи уйлаб топган булса бу расм чизиш малакасига эга булса унда овал сюжетнинг расми сунгра расмлар деталлари чизилади ва киркиб олинади. Айрим деталлар турли рангдагир коғозлардан киркилади. Мавзули аппликация маълум мазмунини акс эттириш лозимлиги у бадий асар учун иллюстрация аппликация плакат булиши мумкин. Бадий мавзу ликастия иши предмети формасини асосий пропорстияларини кисмларнинг узаро алокасини манзаранинг ва нарсаларнинг хажмини рангини соя ва еруглик тушаетган томонини муносиб ранг бериб курсатиш кабиларни ифодалаши керак.

Назорат топшириқлари.

2.1.1. Геометрик накш элементларига нималар киради?

- а) барг дарахт
- в) сарик ранг
- с) жониворлар
- д) кушлар

2.1.2. Геометрик шаклли аппликацияларни кандай турдаги аппликацияларга ажратиш мумкин?

- а) предмет
- в) сюжетли
- с) декоратив
- д) орнамент
- е) инструктаж

2.2.1. Геометрик шаклли аппликацияни таърифланг.

2.2.2. Геометрик аппликация бадий дидни устиради. Расм дарсларида доира квадратда орнаментлар тузиш бўйича олинган билимларни чуқурлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мавлянова Р.А. ва бошқалар. Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т.: ТДПУ. 2007.

5-мавзу: Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларининг мазмунини ташкил этиш методикаси мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	Дарс мақсади. Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмунинини талабаларга тушинтириш. Идентив ўқув мақсадлари. А. Талабалар МТМларда қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини ташкил этишни айтиб берадилар. Б. Талабалар МТМларда қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини ўтказиш методикасини тушинтирадилар.	Ўқитувчи
2-босқич	Асосий тушунчалар. қоғоз ва картон жараён, меҳнат куроллари, меҳнат, касб-хунар. Дарс шакли. Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. Воситалар. Кампютер, слайдлар. Метод ва усуллар. Кўргазмали, Оғзаки тушунтириш, Савол - жавоб суҳбат.	Ўқитувчи
3-босқич	Гуруҳда ишлаш. Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмунинини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари изоҳлаб беради.	Талаба
4-босқич	Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар. Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмунинини деганда нимани тушунасиз? Қоғоз ва картон турларни айтиб беринг.	Ўқитувчи- талаба
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмунинини ҳақида мулоҳаза юритилади. Мустақил иш топшириқлари сифатида таянч тушунча ва иборалар қўшимчаси билан берилади.	Ўқитувчи

Ажратилган соат – 2

Машғулоти тури - маъруза

Асосий масалалар

- Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини мазмунини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари.
- Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини мазмунини ташкил этиш методикаси .
Таянч ибора ва тушунчалар: Қоғоз, картон, мазмун, ташкил этиш, елимлаш, буклаш.

1 - асосий масала бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини мазмунини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари тушунтириш .

Идентив ўқув мақсади

1.1. Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини мазмунини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида тушунча берадилар.

1.2. Қоғоз ва картон билан ишлаш дарсларини мазмунини ташкил этиш методикасини таърифлайдилар.

1 - асосий масаланинг баёни.

Биринчи синфда ўқувчилар энг аввало факат меҳнат дарси машғулотидаги асосий эмас, балки бошқа дарсларда ҳам дучкеладиган материаллар билан ҳам танишадилар. Бу анжомлари дафтарлар, китоблар, ўқув қўлланмалари^{дир}

Қоғоз ва картон билан бошланғич меҳнат дарсларида энг кўп қўлланадиган материаллардир. Таълим жараёнида ўқувчилар турли қоғозларнинг жисмоний хусусиятлари ранги, қалинлиги, зичлиги, сиёҳни шимиши хусусияти, сатҳининг характери силлиқ, ғадур-будурлиги билан танишадилар. Баъзи нарсаларни тайёрлашда болалар елимдан фойдаланадилар. Демак, болалар 1-синфдаёқ тайёр елимларнинг асосий хусусиятлари: ёпишқоқлиги, сақланиши, елимлашни ўрганишлари керак. Одамлар асрлар давомида ўз хотираларини суякка, тошга, ҳайвонлар терисига битик қилиб келди. Фикрларнинг илк шакли муйян шартли белгилар билан ифодалангандир. Дастлабки китоблар қоялар бўлиб, ибтидоий одамлар ўнга овчилик куроля-роқлари, ўрмон ва саҳрода яшовчи ҳайвонларнинг расмларини ўйиб ишлаганлар. Ёзувнинг дастлабки системаси пиктография дейилади. «Пиктос» грекча, расм демакдир. Бироқ айни бир расмнинг ўзи турли ходисаларни баён қилиши мумкин. Кейинчалик одамлар ёзувни амалда қўллашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Дажла ва Фрот водийларида лой кўп бўлиб, одамлар илк сақифани лой пластинкадан тайёрлаб, унинг юмшоқ сатҳига учи ўткирланган қамиш билан узайтирилган учбурчак шаклидаги белгиларни қўйшган. Ёзувнинг бу усули миҳхат деб аталган. Белгилар билан тўлган тахталар хумдонларда пиширилиб ясси ғишт саҳифалар пайдо бўлган, улардан сопол китоблар тузилган, албатта, уларнинг саҳифалари бирлаштирилмаган яшиқларга жойланган. Осурия подшоҳи Ашурбанипал, эрамиздан олдинги ВИИ асрда ўз пойтахтида сопол китобларнинг катта кутубхонасини ташкил этган бўлиб, бу китоб намуналари бизгача етиб келган. Қадим Ҳиндистонда ёзувлар пальма баргларида битилган. Пальма япроқларини қуритиб, улардан эскиз пластинкалар қирқиб олиниб кейин туш билан ёзилган, бу пластинкалар сўнг бирбирига мустаҳкамланиб, жилди яхши силлиқланган тахталардан қилинган, устига безак берилиб китоб холига келтирилган. |

Новгород руслари қайин пўстларида ёзишган. Белгилар суяк стержень билан тешиги юкорига қилиб қўйилган, ундан чизимча ўтказилиб стержень ҳатто белбоғга осиб юрилган, Бундай китоблар бизгача етиб келган бўлиб, кутубхоналарда сақланмоқда.

Қадимий греклар мум китобларни ихтиро қилишган, бу яхши текисланган тахтача ўртасидан квадрат қийилган бўлиб, у сариқ ёки қора мум билан тўлдирилган. Ёзувда эса пўлат чўпдан фойдаланилган. Бир учи ўткир пўлат чўп билан ёзишган бўлса, иккинчи думалоқ учи билан ёзилган нарсани ўчиришган. Бир бири билан бириктирилган тахталардан китоблар ясалган, китоб жадвал ёки саҳифаларнинг қулайлиги шундаки, улардан узок муддат бемалол фойдаланиш, ёзувни ўчириш ва қайта ёзиш жуда осон бўлган.

Мисрликлар ёзиш материалларини нилдан олганлар. Нил водийси ботқоқликларида ҳамишга ўхшаш ўсимликлар мўл бўлиб, қадим Рим халқи уларни папирус деб атаганлар. Силлиқ, пояси баргсиз бу ўсимликнинг буйи 4 метрга етарди. Ёзув куроли учун поя баргларида тозаланиб, унинг ўртасидаги юмшоқ ғовак ўзак олинадди. Ундан узун юпқа пластинкалар қирқилиб тик холда тахланарди, сўнгга хўл барг ёпиштирилиб, прессланарди, улар қурнғач сирти пемза билан сайқаланарди. Папирус синувчан бўлиб, уни тиклаш мумкин эмасди, шунинг учун мисрликлар уларни бирбирига елимлаб ўраганлар. Булардан қилинган энг катта китоб Британия музейи кутубхонасида сақланади. Бир неча минг йиллар давомида папирус ягона ёзув материали бўлиб келган унда асосан мисрликлар, греклар, римликлар фойдаланиб келганлар. Папирус ўрамлари цилиндрсимон қутиларга солиниб, кутубхоналар тоқчаларида сақланган.

Фергамент китоб тахминан эрамизнинг ИИИ асрда Кичик Осиёдаги кадимий шаҳар Пирамида пайдо бўлган. У ҳайвонлар терисидан тайёрланган, бу анчагина мураккаб ва кўп меҳнат билан бажарилган. Тери махсус эритмада намланган, чўзилган, қуритилган, кейин қирилган, сайқал берилган ва текисланган. Бир китоб учун бутун бир пода мол сўйилган. Тери китоб папирусга нисбатан бир неча афзалликларга эга бўлиб, унинг иккала томонида бемалол ёзиш мумкин, бундан ташқари олдинги ёзилган текстни ўчириб ва янгисини ёзиш мумкин бўлган. Пергаментдан ҳозирги кунда ҳам айрим китоблар тайёрланади. Бир неча дафтардан иборат китобни римликлар кодекс деб аташган, Тайёрлаш жараёнининг мураккаблиги, материалнинг қимматлиги учун пергамент унчалик кенг тарқалмаган.

Эрамиздан V аср муқаддам Узоқ Шарқ мамлакатларида шойига ёзиш расм бўлган. Бу кам қимматбаҳо материал бўлиб, маданият ривожлана борган сайин ёзиш учун арзон материалга талаб орта борган. Олимлар қоғозни биринчи марта ипак намати тайёрланаётган вақтда пайдо бўлган деб тахмин қиладилар. Бамбукдан қоғоз тайёрлаган устанинг номи бизга номаълум. Бамбук тозалаб, майдалаб қирқилиб бир неча кун оҳакка бўктириб пиширилган, кейин совитилиб, уни майдалаб епишдоқ бутқасимон масса пайдо бўлганга қадар сув қушиб аралаштирилган. Бу бўтқасимон масса махсус қовузга ботирилиб, тезда қайтиб олинган, тўрсимон тортилган иплар устида юпка қатлам ҳосил бўлади. Сўнгра улар пресс остига қуйилиб суви сиқиб чиқарилгандан кейин долган юпка қоғоз варағи иссиқ печда қуритилган. Қоғозни турда чўкинди қолдириш усулида тайёрлаш ҳозирги кундаги қоғоз тайёрлаш жараёни асосида ҳам бор.

Анчагина пишиқ, арзон хом ашёдан тайёрланадиган қоғоз барча мамлакатларда кенг қўллана бошланди.

Бироқ қоғозни тайёрлашнинг бу жараёни жуда унумсиз эди, қоғозга талаб эса борган сари ортарди. Кейинчалик хом ашёни майдалашда ўғир ўрнига тегиримон тошидан фойдаланила бошланди, шунинг учун ҳам Қоғоз тайёрлайдиган корхоналар % Қоғоз тегиримонлари деб атала бошланди.

Европада XV асрда китоб босиб кашф этилиши билан Қоғозга талаб янада ортиб, мавжуд ишлаб чиқариш бу талабни қондиришга ожизлик қиларди.

XVII асрда Голландияда роль кашф этилди, унинг ишлаб чиқариш унумдорлиги анчагина юқори эди. Роль тўсиқ билан ажратилган овал шаклидаги ванна эди. Ваннанинг бир қисмида пичоқли барабан, унинг тагида эса пичоқлардан қилинган планка жойлаштирилганди. Ваннага латтапутта солиб, устидан сув қуйса барабан айланиб, сувни узлуксиз ҳаракатга келтириб пичоқлари билан латтани майдалаб қоғоз массасини ҳосил қилган. Бироқ қуйиш ишлари қўлда бажарилган. Қоғоз тайёрлашда XVII аср француз Никола Луи Робер кашф этган самочерка — биринчи қоғоз машинаси инқилоб. Бу машина валикка ўрнатилган мис тўр бўлиб, қоғоз массали чан остида тўхтовсиз айланиб турган. Чандаги қоғоз сузиб олувчи рилдирак ёрдамида мис турга солинган, натижада сув оқиб кетиб, турда толаларнинг юпка роллами қолган. Турнинг горизонтал қисмининг охирида валик бўлиб, қоғоз лентага ўралган. Тайёр қоғоз лента валикдан олиниб қуритилган.

XIX асрда саксониялик тўқувчи Келлер биринчи бўлиб, қоғоз тайёрлашда энг арзон хом ашё — ёғочни майдалаш усулини топди. Ёғочни майдалашда у доимо қўллаб туриладиган чарх топишдан фойдаланди. 1844 йилда ёғоч массасини майдалайдиган машина—дефибрерни курди. Ёғочдан қилинган қоғознинг латтадан қилинган қоғозга нисбатан пишиқлиги камроқ бўлиб ёруғлик таъсирида хиралашарди. Ёғоч массада целлюлозани ажратишга фақат 1857 йилда инглиз химиги Ф. Хаутан муваффақ бўлди.

У ёғоч массасига қайноқ каустик сода эритмаси билан ишлов берди. Қоғоз массаси ёғоч целлюлоза ва тўлдиргичлар (бур, бўёқ моддалари, елим)дан иборатдир. Целлюлоза қанчалик кўп бўлса, қоғознинг сифати шунча говори бўлар эди.

Қоғоз ишлаб чиқариш хом ашёси қоғоз ишлаб чиқаришда ёғоч, похол (сомон) ип, газлама, эски ишлатилган қоғоз (макулатура) хом ашё ҳисобланади. Ип, газламадан асосан

қоғознинг қимматбаҳо ва махсус навларини ишлаб чиқаришда_ фондаланилади. Походдан картон, ўрам қоғозлари тайёрланади. Макулатура турли навдаги қоғозларни тайёрлашда яхши хом ашё ҳисобланади. Похол ва асосан ёғочдан қоғоз ишлаб чиқаришнинг асосий хом ашёси булган целлюлоза тайёрланади.

Қоғоз тайёрлашнинг технологик жараёни. қоғоз ишлаб чиқариш мураккаб технологик жараён бўлиб, унда турли хом ашё ва химикатлар ишлатилади. Целлюлоза қоғоз комбината турли корхоналар комплекси бўлиб, у ёғоч омбори, қоғоз фабрикаси, смола ва ёғоч заводини ўз ичига олади. Қоғоз смола комбинатлари дарё ва гуллар қирғоғига қурилди, чунки қоғоз ишлаб чиқаришда сув кўп талаб қилинади, бундан ташқари ёғочни оқизиш ҳам қулайдир. Комбинатга келган рулалар узунлиги 1 метр 20 см ёки 1 метру 25 см қилиб кам қилади, улар баланс деб аталиб пўстлоқ қилувчи аппаратларга ўтади. Улар чанли сувда айланиб туради. Барабан айланар экан, балансларни қобиғига ва бирбирига ишқаланишга мажбур қилади. Шу йўсинда улар пўстдан ажралади ва пўстлар қобиклари оралиғидан ўтиб кетади.

Таркибида клетчатка фоизи кўп бўлган қорақарағай целлюлоза тайёрлашда "энг яхши хом ашё ҳисобланади. Баланслар майдалаш машиналарида пайрариқларга айлантрилади, улар махсус машиналарда сараланиб қайнатиш қозони тепасидаги бункерга узатитади, бу ерга пиширадиган кислота ва бўр келиб тура; Кислота одатда олтингугурт колчеданидан тайёрланади. Пайраха қозонда 7 — 10 соат давомида 135 — 150° ҳароратда қайнатилади. Шундан сўнг масса таги тўрсимон ховузга чиқарилади, у ерда сув оқими билан турли аралашма қуйкалардан тозаланади. Шундан сўнг махсус машиналарда йирик зарралари ажратиб олиниб, суюлтирилади ва ховузларда сақланади. Целлюлозани жўнатиш қулай бўлиши учун у прессланади, қуритилади ва листлист қилиб қирқилиб, упаковка қилинади.

Қоғоз массаси янада ингичкароқ толаларга ажратиш учун махсус аппаратдан такрор ўтказилади. Майдалаш баъзан бир суткадан ортиқ давом этади, тола қанчалик ингичка бўлса, улар бирбирига шунчалик яхши бирикади, демак қоғознинг нави ҳам, сифати ҳам юқори бўлади. Массага турли химиявий моддалар билан ишлов берилади, ранг учун қалин (оқ лой) турли бубвчи моддалар, пишиқроқ бўлсин учун канифоль елими қушилади. ҳар бир қоғоз нави уз тайёрланиш рецептига эгадир. Тайёр қоғоз массаси қувурлар орқали аралаштириладиган қовузга ўтади, йулиулакай у керакли даражада амалга оширилади: масса яна майдаланади ва керакли моддалар қушилади ҳамда у қоғоз (қилувчи машинага қтказилади. Бундай машина эни 6—8 м, узунлиги 100—120 м булган каттагина конвейердир, бундай машиналар суткасига 400 т Қоғоз чиқаради. Жуда майда тешикли охири йўқ металл тур валикларда минутига 500 м тезликда ҳаракат қилади. Қоғоз масса металл турга узлуксиз тушиб, у билан бирга ҳаракатда бўлади. Тур устида аппаратларнинг бутун бир системаси бўлиб, улар сиқилган ҳаво оқими ёрдамида қоғоз массасидаги сувни сиқиб олади. Нам қоғоз массаси сукно устига ўтади. Сукно қоғозпи икки валик опасига олиб киради. Бир қатор пресслардан сўнг қоғоз толаси қайноқ вдиувчи цилиндрларга ёпишиб утади. қоғозни силлиглаш учун у совуқ мис цилиндрлари ва чўян валлар орқали ўтказилиб полга туширилади, машинанинг бу қисми глезер дейилади. Сўнгги босқич қоғозни рулонларга ўраш ва истеъмолчиларга жўнатишдир.

Қоғоз ва картоннинг саноат ва турмушда қўлланиши. Қоғозга китоб ва газеталар босилади, ундан ёишда фойдаланилади. Ҳозирги кунда қоғознинг хилмахил навлари ишлаб чиқилиб, ундан фақат турмушда эмас, балки саноатда ҳам фойдаланилмокда.

Фан ва маданият бекиёс ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган қоғознинг ярмидан кўпроғи босиладиган газета ва ёзиладиган қоғозлардир. Қоғозлар турли товарларни (озиқ-овкат махсулотлари, яшиқлар, упаковка қоплари) упаковка қилиш ва ўраш учун ҳам сарфланмокда.

Техникада қоғознинг махсус нави ва картондан кенг фойдаланилади. Телеграф лентаси, фотосурат қоғоз, злектр ўтказмайдиган қоғоз шулар жумласидандир. Қоғоз

массаси ва асбест аралашмасидан асбестли ўтга чидамли картон, гипс билан аралашмасидан эса курук шпакатурка листлари тайёрланади.

Оддий қоғоз сувда намланади ва осон йиртилади, ундан тайёрланган фибра — жуда пишиқ ва енгил матеиал бўлиб, ундан ғилофлар, чамадонлар ва шу кабиларни қилишда фойдаланилади. Қоғоз массасидан турли уйинчоқлар, хоналар безаклари, махсус модда сингдирилган, нам ўтказмайдиган қоғоздан сут махсулотлари учун тара, музқаймоқ стаканларини тайерлашда фойдаланилади.

Ҳар йили қоғознинг энг янги навлари яратилмоқда. Махсус электрохимик қоғознинг кашф этилиши туфайли ойнинг орка томонини суратга туширишга муваффақ бўлинди.

Қоғоз ва картоннинг классификацияси. Қоғоз ва картон фақат полиграфия саноатидагина эмас, балки халқ хўжалигипинг ҳамма тармоқларида ҳам кенг қўлланилади. Целлюлоза қоғоз саноати қоғоз ва картоннинг икки юзга яқин турини ишлаб чиқаради. Юқорида айтиб ўтилганидек техникада қоғознинг телеграф ва магнитланган магнитофон ленталари, фото сезгир қоғозлар, электр ўтказмайдиган қоғозлар, нам утказмайдиган фибра ва шу каби хилмахил турларидан кенг фойдаланилади. Кооздан қурилишда ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, қоғоздан ғишт, тўсиқлар учун плиталар тайёрланади.

Қоғозга китоблар, газеталар босилишини, ўнга ручка, калам билан ёзилишини барча болалар яхши биладилар. Шунинг учун Қўл меҳнати ўқитувчиси болаларнинг кўпроқ эътиборини болалар қоғознинг турмушда тез-тез учратадиган ёки қўл меҳнати дарсларидаги фойдаланадиган турларига жалб қилиши лозим.

1. Газета қоғоз- энг арзон ва кўп тарқалган қоғоз туриднр. Сифатига кўра унчалик пишиқ эмас, намликни ва елимни яхши сингдиради.

2. Ёзув қоғоз— сатхи силлик, елим сингдирилган, намликни камроқ сингдиради. Нарсаларни конструкциялаш, муқовалаш, картондан ясалган нарсаларни елимлашда жуда қулай.

3. Чизмачилик қоғоз — энг пишиқ ва калин қоғоз. Латтадан тайёрланади, унинг олий нави қўлда қуйилади. Ундан карнавал маскалари, лито ва шу кабиларни ясашда фойдаланилади.

4. Расм Қоғоз — 2 номерли бўлиб, тўлиқ целлюлозадан тайёрланади, олий навига 25 % латта қўшилади. Қўл меҳнати дарсларида, шунингдек чизмалар чизишда фойдаланилади.

5. Рангли ва жилоли қоғоз меҳнат дарсларида кенг қўлланиб, аппликация, муқовалаш ишларида фойдаланилади. Турли наборларда чиқарилади.

6. Елимланган қоғоз—жило берилган қоғоз бўлиб, бир томонига елим суртилган қўл меҳнати дарслари учун жуда қулай.

7. Рангли жилд Қоғоз — турли рангларда буялган, жило берилган рангли қоғознинг ўрнини босиб, қўл меҳнат дарсларида кенг қўлланилади.

8. Шагренъ нақшдор Қоғоз- муқовасозликда ва тайер нарсаларнинг устидан ёпиштиришда, арча ўйинчотқларини ясашда фойдаланилади.

9. Гул қоғознинг ранги ва гули турлича бўлиб муқовалаш, нарсаларнинг устидан елимлаш, безаш ишларида кенг фойдаланилади.

10. Калька Қоғозга -шаффофлик бериш учун мум ва мой сингдирилади. Яхши, сифатли калька қоғознинг хатто тозаланган жойида ҳам тушъ ёйилиб кетмаслиги керак Калька қоғоз театрларда арча ўйинчоқлари ясаш, сахнани безаш, расмларни қайта тушириш ишларида ишлатилади.

Миллиметрли қоғоз — сатхи босма тўр шаклида тайёрланади.

Фильтр қоғоз — елимланмаган қоғоздир.

Картон қоғоз деб- 1 кв. м 250 грамдан ортиқ бўлган қоғозга айтилади.

Оқ картон — уни қирқиш осон, ўзи унчалик пишиқ эмас, тез синади. Бу картон елимни кўп шимади, кўпинча елимдан шишади ҳам. Унда майда нарсаларни муқовалашда фойдаланиш мумкин.

Сарик картон -оқ картондан кўра пишиқроқ, эгилувчан, яхши киркилади. Елимдан шишмайди. Турли ишларда фойдаланилади.

Кул ранг картон — оқ ва сарик картондан пишиқроқ, қирқиш қийин. Пичоқ картон массасидаги кумдан тез ўтмаслашади. Картоннинг бу навидан ўта пишиқликни талаб қилувчи нарсалар тайёрланади.

Рангли картон — юпка эгилувчан, сатки турли рангда жило берилган, ишлов бериш осон ва кўриниши чиройли. Ундан хажми кичик нарсалар, папкалар, муковалар тайёрлаш маъкул. Унинг устидан бошқа нарса ёпиштиришга ҳожат йўқ.

Қоғозни стандартлаш. Саноатда стандартлаш катта аҳамиятга эгадир. Стандарт деганда махсулотнинг маълум сифатини, у ёки бу буюмнинг маълум ўлчамлари белгиланишини тушунилади. Қоғоз саноатида ҳам

қоғознинг ўлчами ва навлари стандартлашгандир. Ёзув қоғоз сотувга 250 ва 500 варақдан қилиб упаковка қилинган ҳолда чиқарилади, у катан ёки бир чизик қилиб чизилган ёки умуман чизилмаган бўлади. Бир чизик ёки каттак қилиб чизилган қоғозлардан маълум ўлчамга ва маълум вараққа эга бўлган дафтарлар чиқарилади. Ёзув қоғоз биридан таркибидаги қоғоз массаси, қалинлиги, оғирлиги ва бошқа хусусиятларига кўра фарқланувчи тўрт навда чиқарилади. Ёзув қоғознинг олий нави 0, қолганлари мувофиқ тарзда 1, 2, 3, номерларига эгадир.

Қоғоз ва картоннинг асосий хусусиятлари. Куруқ ҳолдаги қоғоз нисбатан пишиқ материалдир. қоғоз навига кўра сувда ивийди, юмшоқлашади, пишиқлиги йуқолади. қоғоз яхши тахланади, агарда букланган жой яхшилаб силлиқланган бўлса, қоғоз шу шаклни сақлаб, олдинги ҳолига қийинлик билан қайтади, бунда букланишдан ҳосил бўлган чизиклар сақланиб қолади. Сув, клейстер, суюқ елимга намланганда у чузилади, Қуритилганда киришади, қоғоз узунасига қараганда кўндалангига кўпроқ чўзилади.

Қоғоз тайёрлашда кўпгина микдордаги толалар узунасига жойлашади, шунинг учун ҳам қоғоз кўпроқ кенгайди кўндаланг йуналишда ўралади,

Қоғоз осон тортилади, энига нисбатан бўйига яхшилаб букланган жойдан осонроқ йиртилади. қоғоз яхши ёнади. Уни фақат елим билан эмас, балки клейстер билан ҳам ёпиштириш мумкин. қоғозни пичоқ қайчида осонлик билан қирқиш мумкин.

Қоғоз силлиқлигига махсус ишлов бериш — қоғоз массасини қайноқ цилиндрсимон валлар орқали ўтказиш ёки уни елим ва лакли буёк билан коплаш билан эришилади.

Қоғознинг айрим навлари сиёх билан ёзишга яроқли, бўёқ учун яроқсиз бўлади. Қоғознинг бу хусусиятларига ўнга махсус канифоль желатин, елим, глинозем бериш орқали эришилади. Ёзув қоғозга елим сингдирилган бўлиб, сиёх ёйилиб кетмайди, газета қоғои эса босмахона бўёғининг чуқур ботмаслигига мосланган бўлиб, сиёх унда ёйилиб кетади. Қоғознинг махсус ишлов берилган навларидан бошқалари ҳаво ва сувни ўтказилади.

Ушлаганда қаттиқ, эгилмайдиган куринган картон нам текканда шишади, юмшаб ёки бўшашиб, чидамсиз бўлиб қолади. Картон навига кўра эгилувчан ва синувчан булади. Бир томонига қоғоз ёпиштирилган картон қоғоз ёпиштирилган томонига қайишади. Картон узунасига ҳам, кўндалангига ўам бир хил кесилади. Уни йиртиш қийин. Картон ёнади. Аммо қийинлик билан махсус эритма сингдирилган картонлар ёнмайди.

Қоғозни бўяш усуллари. Кўпинча кўл меҳнати дарсларида ишни бажариш учун керак булган рангдаги қоғоз топилмай қолади. Тайёрланадиган нарсанинг чиройли чиқиши эса танланган рангга боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчи қоғозни бўяш малакасини мукаммал эгаллаган бўлиши ва уни болаларига ўргатиши лозим.

Қоғозни бўяшда куйидаги бўёқ ва мосламалардан фойдаланилади.

Акварель бўёқ лар — сувда эритилади, тубиқлардагн акварель бўёқ лардан фойдаланиш жуда қулай.

Анилин	бўёқ	лар	билан	газлама,	қоғоз,	картон	яхши
бўялади.	Бу	бўёқ	порошок	ҳолда	сотилиб	иссиқ	сувда

осон эрийди. Мойбўёқ ларнинг тайёр аралаштирилганини олиш лозим. Куюк пастасимонидан фойдаланнш мумкин, улар алифмой билан суюлтирилади.

Куюк бўёқ ларнинг энг яхшилари тоза, очиқ рангдагилари бадий бўёқ лар дейилиб тубикларда сотилади. Бўёқ танлашда фақат уларнинг рангигагина эмас, балки хусусиятларига ҳам эътибор бериш керак.

Кизил бўёқ лардан, — темирли сурикни, белилани, рухлисини, сарик рангдан, рухли кронни, яшилини, хром оксидини, кўкиш ультрамаринни олиш керак.

Мой бўёқлар секин қурийди, уларнинг қуришини тезлатиш учун 100 г бўёқ қа 2 г атрофида махсус сикатив эритмаси қуйилади. Агарда бўялган сатҳ хаддан ташқари ялтироқ бўлмаслиги талаб қилинса, бўёқ қа озгина скипидар аралаштирилади. Мойбўёқ лар оғзи зич ёпиладиган тунука банкаларда сақланади. Мойбўёқ қуриб қолмаслиги учун унинг устига алифмой ёки сув қуйиб қуйилади.

Елимли бўёқ ёки гуашда картон яхши бўялади, бироқ бу бўёқлар қуёш нурида тезда аннийди.

Қоғозни «сачратиб» бўяш ҳам мумкин. Бунинг учун акварель бўёқ суюлтирилади ва ўнга тиш чўткасини ботириб олпнади. Қоғозни устида чап қўлда эски тароқ ёки майда металл турни ушлаб туриб уннинг устидан бўёқ ботирнлган тиш чўткаси юргизилади, Натижада қоғознинг устини бўёқ майда хол тарзида қоплайди. Бўяшни турлича амалга ошириш мумкин, яъни аввал бир рангни, кейин иккинчи рангни сачратиш мумкин. {қоғознинг устига силуэт қуйиб, бўёқ сачратилса, силуэт олинганда Қоғоз устида оппоқ расм ҳолати, агарда трафарет қуйилса ок қоғоза рангли расм пайдо бўлади. Бўяшнинг бу усулида пульверизатордан фойдаланнш мумкин.

Мойбўёқ билан бўяш. Мойбўёқ билан бўяш бир тонли ва мармарсимон бўлиши мумкин.) ҳар иккала ҳолатда ҳам бўёқ бир хил тайёрланади. Мойбўёқ керосин билан қаймоқ даражасигача суюлтирилиб, бўяш амалга ошириладиган идишдаги сувга қуйилади. Бир тонли бўяшда бир хил рангдаги бўёқ дан фойдаланилади. Сув устига қуйилган бўёқ таёкча билан оҳиста аралаштирилади, бунда бўёқ сув устида юпка рангли қатлам (плёнка) ҳосил қилиши керак қоғоз ана шу қатлам устига оҳиста қуйиб олинади. Қоғоз қурилганч дазмолланиб, сўнгра ўнга рангсиз спиртли лак суртилади. Агар қоғоз мармарсимон рангга бўяладиган бўлса, идишдаги сувга бир неча хил бўёқ солиниб, оҳиста аралаштирилади.

Шаффоф рангдаги, қоғозни тайёрлаш учун оддий ёзув қоғознинг ҳар иккала томонини керосин (ўсимлик мойи ёки бошқа ёғлар)га ботириб ундаги ортиқча ёғлар қурук тампон билан артиб олинади. Қоғоз мойни кўп шимиб олмаслиги учун уни газета ёки ўрашга мўлжалланган қоғоз ўртасига қуйиб унинг устидан илиқ дазмол юритилади. Бундай қоғоз қўл меҳнати дарсларида кальканинг ўрнини бемалол боса олади. Мураккаб уйинчоқларни ясашда қоғозга тез ёнишдан сақловчи модда сингдирилади. Сувга чидамли қоғозни эритилган иссиқ мум ёки мумнинг парафин билан аралашмасини сингдириш орқали олинади.

Назорат топшириқлари

- 1.1. Қоғоз ва картон билан ишлашни МТМларда мақад ва вазифаларини айтиб беринг.
- 1.2. Қоғоз ва картон билан ишлашни мазмунини тушинтиринг
- 1.3. Қоғознинг неча хил нави мавжуд
А) 1 Б) 2 В) 3 С) 4
- 1.4. Қоғоз турларини санаб беринг

6-мавзу: Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларини ташкил этиш методикаси мавзусидаги маъруза машғулотнингтехнологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	Дарс мақсади. Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этиш методикаси мақсад, вазифалари, мазмунини талабаларга тушинтириш. Идентив ўқув мақсадлари. А. Талабалар турли ва табиий материаллар билаи ишлашга нималарни ўз ичига олишини айтиб берадилар. Б. Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этиш методикаси мақсад, вазифалари, мазмунини тушинтирадилар.	Ўқитувчи
2-босқич	Асосий тушунчалар. турли ва табиий материаллар, куритилган баргллар, гуллар, полиз экинлари- қовун, тарвуз, ковок уруглари, мевалар — олча, урик, шафтоли данаклари, балиқ тангалари, қанотлари, жухори ва маккажухсри сўталари, пахта чаноғи, ёнғоқ пўсти. Дарс шакли. Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. Воситалар. Кампютер, слайдлар. Метод ва усуллар. Кўргазмали, Оғзаки тушунтириш, Савол - жавоб суҳбат.	Ўқитувчи
3-босқич	Гуруҳда ишлаш. Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмунини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари изоҳлаб беради.	Талаба
4-босқич	Мустақкамлаш ва баҳолаш учун саволлар. Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмуни деганда нимани тушунаси?	Ўқитувчи- талаба
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмуни ҳақида мулоҳаза юритилади. Мустақил иш топшириқлари сифатида таянч тушунча ва иборалар қўшимчаси билан берилади.	Ўқитувчи

Ажратилган соат – 2

Машғулот тури - маъруза

Асосий масалалар

1. Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмуни.
2. Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этиш.

Таянч ибора ва тушунчалар:

1 - асосий масала бўйича дарснинг мақсади: Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмунини тушунтириш .

Идентив ўқув мақсади

1.1. Турли ва табиий материаллар билаи ишлаш дарсларлини ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмуни тўғрисида тушунча берадилар.

1 - асосий масаланинг баёни.

Ўзбекистон табиий ресурслар, фойдали қазилмалар, металл ва қотишмалар, пластмассалар, ёғочлар ва ўсимликларга бой ўлкадир. Республикамизнинг бу табиий бойликлари саноатда, турмушда фойдаланадиган хом ашё бўлиши билан бир каторда меҳнат дарсларида бажариладиган ишлар учун керакли материал бўлиб ҳам хизмат қилади. Болаларни илк ёшлигидан бошлаб болаларда она табиатга кизиқиш ва мухаббатни, уйдаги гузалликларни кура билишни тарбиялаш керак. Табиий материаллар билан ишлаш уларни табиатни кузатишга мажбур қилади. Кузатишлар эса бадиий ижодий қобилиятларни, конструкторлик ҳоясини, тушунчаларнинг аниқлигини уйғотади.

Турли табиий материаллар билан ишлаш, турлича ишлов берклишини, турли асбоблардан фойдаланишни талаб қилади ва уларни ишлатиш билим, қуникма, малакаларини беради.

Турли табиий материалларни туплаш уқитувчи қуйган мақсадга боғлиқ бўлади. Болалар қуриб чиқилган ва батафсил муҳофаза қилинган ёки узлари уйлаб топган тасвир учун материал туплайдилар. Ва аксинча, аввал қандайдир материални туплаб, кейин қандай иш бажаришни аниқлашлари керак. Табиий материалларни болалар дастлаб уқитувчи раҳбарлигида сайр вақтида туплайдилар. Табиий материалларни туплаш жараёнида болалар атрофдаги ўсимликлар дунёси, ҳайвонотлар билан танишадилар, дарахлар, гуллар навларини, номларини, шаклларини, табиий материалли қачон ва қандай туплаш ва қандай сақлаш лозимлигини билиб оладилар. Табиатни қуриқлаш ва ўнга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни асраш масалаларига алоҳида эътибор бериш ҳар бир ўқувчининг бурчидир.

Меҳнат дарсларида табиий материаллардан: қуритилган барглар, гуллар, полиз экинлари- қовун, тарвуз, қовқов уруғлари, мевалар — олча, урик, шафтоли данаклари ва шу қабилар: балик тангалари ва қанотлари, жухори ва маккажухори суталари, пахта қаноти, ёнғок қусти ва шу қабиларда» кенг фойдаланилади. Табиий материалларни туплаётган ҳар бир ўқувчи табиий материалларни тартибдан йиғиш ва тайёрлаш лозимлигини билиши, барг туплаш жараёнида дарахлар, буталар шохини қўллик билан синдириш, гул ва шу қабиларни уйламасдан туплаш табиатга нисбатан ваҳшийлик эканлигини ёдда тутиши лозим. Гулларни қўл билан синдириб бўлмайди, акс ҳолда пояси зарарланиши мумкин. Ўсимликларни туплашда газета, гербарий папкаси, қайчи, пахта бўлиши керак. Газета дафтасимон тахланиб, орасига материаллар тартиб билан жойланади.

Қуриб олишга муджалланган ўсимликлар ҳар қандай намликдан ҳоли бўлиши керак, акс ҳолда ўсимлик қуритилганди унда доғларнинг изи қолади. Қуритилаётган ўсимликнинг табиий рангини асраб қолишнинг энг муҳим шарти, уларни шамол утиб турадиган жойда, елвизакда, қуёш нурида тез қуриб олишдир. Ўсимликларни қуритиш 3 суткадан ошмаслиги керак.

Гербарий рамакаларида қуритиш. Гербарий рамакаларида қуритилган ўсимликларнинг қўчилиги узининг табиий рангини сақлаб қолади. Бунда ўсимлик юмшоқ қогоз ёки газета орасига солиб қуйилади. Ҳар бир варақ қогоз ва ўсимлик уртасига яна бир неча қават қогоз ёки газта қуйилади. Чунки қуритилаётган ўсимлик узидан қамлик чиқаради. Шундан сўнг папка иккита турсимон рамака уртасига қуйилиб, очик ҳавога қуйилади. Агарда ҳаво ҳарорати қечқурун ва қечаси жуда пасаядиган бўлса, қуритилаётган ўсимлик иссиқ ва қуруқ жойга олиб қилинади. Прессда қуритиш. Орасига ўсимлик солинган қогозлар гербарий папкаси урнига иккита фанер листлар уртасига жойланиб, оғир нарсаси бостириб қуйилади. Оғирлик прессда қанча ўсимлик жойлаштирилганига боғлиқ бўлади. Майда нозик ўсимликлар қанча оғирликни ва қуритиш учун қамроқ вақти талаб қилади. 2-3 соатдан сўнг қогоз алмаштирилади. Қуритиш шу усулда давом эттирилади.

Иссиқ дазмол билан қуритиш. Иссиқ дазмол билан одатда барглар, поялар, майсалар қурилади. Қават-қават газета ёки юмшоқ қогоз орасига ўсимликни қуйиб, устидан дазмол юргизилади. Сўнгра устки қаватидаги газетани олиб, қуритилаётган ўсимлик шамоллатилади ва қуруқ жойга қурилади, сўнгра газета ёпиб яна дазмолланди. Ўсимлик 2-

3 минутда курийди ва у узининг табиий рангини йукотмайди. Агарда куритилган усимлик кутарилганда узининг танасинн ушлаб турса, у яхши куритилган хисобланади. Агар у синиб майдаланиб кетса, демак, у ортикча куритиб юборилган хисобланади.

Металл ва қотишмалар. Металл сузи грекча ердан казиб оламан деган мазмунда булиб, у дастлаб қон, казилма, деган маъноларни англатади. Қадимги дунё халқлари факат олтин, қумуш, мис, калай, кургошин, темир, симоб каби 7 та металлнигана билишган.

Меҳнат дарсларида металл ва қотишмалардан ҳам фойдаланадилар. Металлар ўзларининг техник хусусиятлари: мустаҳкамлиги, қатгиклиги, эгилувчанлиги, иссиқлик ва электр ўтказиши, сувга бардошлилиги, эрувчанлиги ва чўкувчанлик хусусиятларига эга. Уқувчилар рангли металл ва қора металл турларини билишлари керак.

Қора металл - темирнинг углерод билан қотишмаси ва озроқ мивдордаги кремний, марганец, фосфор, олтингугурт ва бошқа элементлар аралашмасидан иборат бўлади. Буларга: Пўлат, чўян, темир, тунука ва фольга киради. Рангли металлга - мис, алюмин, кўрғошин, жез, калай ва бошқа металллар ва уларнинг қотишмалари киради.

Металл билан ишланадиган асбоблар: Тахта қилинган металлни қирқишда махсус тувука кайчилари керак бўлади. Симни ўткир омбир билан фольгани кайчи билан қиркилади. Металларни мустаҳкамловчи ва бошқа ишларда болға, эгов кабн асбоблар қўлланилади.

Металлга ишлов берншда хавфсизлиги техникаси қоидаларига риоя қилиш зарур

Сим билан ишлаш. Турли хил нарсаларни ясашда хилма-хил симлардан фойдаланиш мумкии. Сим тўқиш ва ўриб олиш учун яроклидир. Қатгик пўлат ёки алюмин симдан техник моделлашда бир қатор деталарни ясашда фойдаланилади. Бу симдан арава, автомобиль ўқлари, сув парраги, ўйинчоқлар ва шу кабиларни тайёрлашда

фойдаланилади. Ишлаб чиқарилаётган силшар диаметри 0,005 дан 17мм гача бўлади. У асосан думолок кесимли бўлади, Бирок квадрат, олти қиррали. трапециясимон ёки овал шаклидаги симлар ҳам бўлади. Симлар турли мақсадларда: электр, радио, телефон симлари, пружиналар, михлар, электродлар, ингичка парма, мусика асбоблари учун торлар ясаш ва шу кабилардан фойдаланилади.

Пластмассаляр. Пластмассапар суъний олинадиган модца бўлиб, саноатимиз пластмассадаи турли предметларни ва капрон, нейлон, органик ойна, паралон, полиэтилен ва шу каби хилма-хил тўқималарии ишлаб чиқаради. Пластмассалар жуда енгил ва шу билан бирга букилувчан ва эластикдир. Айрим пластмассалар ўта мустаҳкам бўлиб иссиқлик ва электрни яхши ўтказади, кислоталарга бардошлидир. Пластмассага ишлов беришда деярли чнқинди бўлмайди. Қўл меҳнати амалий машхулотларида топилиши осон бўлган пластмассалардан ва ишлаб чнқариш чиқиндқларидан фойдаланилади. Булар: органик шиша, паралон, пенопласт, линолеум, эбонит, капрон, текстолитдирОрганик шиша - Органик шиша оддий шиша сингари шаффоф, аммо синмайдиган суъний пластмассадыр. Органик шишани аралаш, эгиш ва елимлаш мумкин. У турли рангларга бўялади.

Паралон - Суъний йўл билан олинадиган материал бўлиб, ғоввак тузилишга эга, усти юмшок, жуда енгил, яхши бўялади, сув таъсир этмайди. Паралонни газламага, қоғозга ва кўпгина материалларга ёпиштириш мумкин.

Пенопласт - Анчагина пишиқ, жуда енгил, оқ рангдаги материал. Уидан кемасоалик, самолётсозлик, курилиш ва электроника ҳамда бошқаларда фойдаланилади.

Линолеум - Курилишда кенг қўлланилади. Бу турли смолалар, алифмой, майдапанган пўкак, турли бўёвчилар ва бошқа материаллар аралашмасидак олинган суъний материалднр. Линолеумнинг қалинЛиги 2,5 ммдан 3ммгача бўлади.

Ёғоч — энг кўп тарқалган материл бўлиб, ўқувчилар машхулотларда кўп тарқалган дарахт турлари билан танишиб чиқишлари керак.

Қарағай - кўп тарқалган ишлов бериш осон дарахтдыр. У унчалик қаттиқ эмас, аммо пишиқ, ёриш, аралаш осон, толалари бўйлаб рандаланади.

Қорақарағай — яхши ишланади, унинг ёғочи оқ ранг баъзан сарғиш бўлади. Қорақарағай тузилишига кўра қарағайдан юмшоқ ва енгил. Бирок қорақарағайда бутокдар кўп куриганда ёршиб кетади.

Қайин ~ Қарағайга нисбатан пишиқроқ ва оғирроқ, бирок осон араланади ва рандаланади, қайин ёқимли қизғиш товланувчан оқ-сарик рангда бўлади.

Эиан - ёғочи каттик, у пишиқ ва зич ҳамда оғир, чиройли жигар рангга эга.

Токтерак - асосан майда буюмлар ясашда фойдаланилади. Ёғочи юмшоқ анчагина енгил.

Фанера - Ёғочдан шпонлар кшшнади, фанерани мана шу шпонлар - ёғочнинг пайраха килинган юпқа катламлари елимлаб ясалади.

Мозаика - бунинг учун юпқа ёғоч пластинкалардан тасвир йиғилади ва кейин уларни асосга елимлаб, устидан лак ёки политра берилади.

Лой - Лой нарсалар ясашдаги асосин материал ҳисобланади, чунки у исталган жойда топилади, арзон ва қайишқокдар. Нарсалар ясаладиган лойда бошқа нарсалар тош, кум ва шу кабилар бўлмаслиги керак. Чунки иш кўлда бажарилади. Шунинг учун иш бошлашдан олдин лойни текшириб кўриш керак. Лой ширали ва ширасиз бўлади. Ширасиз лойнинг таркибида куп кум бўлиб, унда ёпишқоклик хусусияти ёмон бўлади. Лойни аралашмалардан тозалаб, устига сув кўйиб, 5-6 соат сақланади. Сўнг суви тўкиб, кўлга ёпишмақдиган куюкроқ хамир ҳолатига кепгунча яхшилаб ишланади.

Пластинин - нарсалар ясашда қўлланиладиган материалдир. У сунъий пластик масса бўлиб, лойдан ҳеч қачон қуримаслиги ва доимо ишлатишга тайёрлиги билан фаркланади. Пластининнинг х.ар хил -оддий ва мураккаб турлари бўлиб уни тайёрлашни бир нечта усуллари бор.

Биринчи вариант - тоза куюқ лойга глицерин кўшиб бир турли масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Глицерин тайёрланадиган масса кўлга ёпишмайдиган ҳолатга келгунча кўшилади.

Иккинчи вариант - қуритилган тоза лой майда килиб туюлади ва ўнга вазелин кўшиб, кўлга ёпишмайдиган куюқ масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Пластининга керакли рангдаги қуруқ бўёқ массасини кўшиб ва пухта аралаштириб бўйаш мумкин.

Учунчи вариант - 1 қисм тўпроғига 1/5 қисм илитилган мум қамда пластилин қўлт ёпишмайдиган даражага етгунча глицерин кўшиб аралаштириладн.

Сим билан ишлаш ва ундан ўйинчоклар ясаш: Турли майдонда майда-чуйда нарсаларни ясашда хилма-хил ишлардан ясаш мумкин.

Қаттик пўлат ёки алюминий симдан техник моделлашда бир қатор деталларни ясашда фойдаланилади. Бу симдан арава, автомобиль уклари, сувпарраги, юмшоқ ўйинчоклар ва шу кабиларни тайёрлашда фойдаланилади.

Ишлаб чиқарилаётган симларнинг айрим хусусиятлари ҳақида маълумотлар. Чиқарилаётган симларнинг диаметри 0, 005 Қ 17 мм гача бўлади. Симлардан турли мақсадларда : электр, радио, телефон, пуржиналар, музика асбоблари учун торлар ясаш ва шу кабилардан фойдаланилади.

Симдан тайёрланадиган нарсалардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Симдан ясаладиган ҳар қандай ўйинчок бир бўлакдан ҳеч қандай қирқишларсиз, улашларсиз ясаши керак. Айрим бўлақлардан факат безаш мақсадларида фойдаланилади. Ишни оддий нарсаларни ясашдан бошлаган маъкул.

Симлардан жумбоқлар ясаш. Сим жумбоқлари бир-бирига бириккан сим фигурадан иборат бўлиб, уларни бутунлигини ва ташки қуринишини бузмай, яъни симларни синдирмай ва эгмай бир-биридан ажратиш керак. турли деталлари уз мулжаллаган жойига катъий мувофиқ риоя қилиш керак.

Сим жумбоқларини ясашда болға, жағи ўткир, жағи ясси ва жағи юмалоқ омбир керак бўлади. Симни барча контурлар бўйича расмга аниқ мувофиқ қиладиган қилиб қирқиш қийин.

Ҳар бир сим жумбоқда факат фигураларни қандай ажратиш йўлинигина эмас, балки кейин уларни бириктира билиш ҳам муҳимдир.

8-мавзу: Пластилин ва лой билан ишлаш дарсларини ташкил этиш методикаси
мавзусидаги маъруза машғулотнингтехнологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	Дарс мақсади. Пластилин ва лой билан ишлаш дарслари ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, талабаларга тушинтириш. Идентив ўқув мақсадлари. А. Талабалар пластилин ва лойни тайёрлаш технологияси тўғрисида тушинча берадилар. Б. Пластилин ва лой билан ишлаш дарслари ташкил этиш мақсад, вазифалари, мазмуни, усуллари ҳақида тушинтирадилар.	Ўқитувчи
2-босқич	Асосий тушунчалар. Пластилин, лой, мевалар — олча, урик, ёнғоқ пўсти. Дарс шакли. Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. Воситалар. Кампютер, слайдлар. Метод ва усуллар. Кўргазмали, Оғзаки тушунтириш, Савол - жавоб суҳбат.	Ўқитувчи
3-босқич	Гуруҳда ишлаш. Пластилин ва лой билан ишлаш дарслари ташкил этишнинг мақсад, вазифалари ҳақида сўзлаб беради.	Талаба
4-босқич	Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар. Пластилин ва лой билан ишлаш дарслари ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмуни деганда нимани тушунаси? Талабалар пластилин ва лойни тайёрлаш технологияси тўғрисида тушинча берадилар	Ўқитувчи- талаба
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Талабалар пластилин ва лойни тайёрлаш технологияси, дарсларни ташкил этишнинг мақсад, вазифалари, мазмуни ҳақида мулоҳаза юритилади. Мустақил иш топшириқлари сифатида таянч тушунча ва иборалар қўшимчаси билан берилади.	Ўқитувчи

Ажратилган соат – 2

Машғулот тури - маъруза

Асосий масалалар

1. Пластилин ва лой билан ишлаш дарслари ташкил этишнинг мақсад, вазифалари.

Таянч ибора ва тушунчалар: Пластилин, лой, мевалар — олча, урик, ёнғоқ пўсти.

1 - асосий масала бўйича дарснинг мақсади: Пластилин ва лой билан ишлаш дарслари ташкил этишнинг мақсад, вазифаларини, мазмунини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсади

1.1. Пластилин ва лой билан ишлаш дарслари ташкил этишнинг мақсад, вазифаларини, мазмуни тўғрисида тушунча берадилар.

1-асосий масаланинг баёни:

Меҳнат дарсларида лой, пластилин, мум каби материаллардан фойдаланиб, улардан турли уйинчоклар, хайвонлар, кушлар, эртак кахрамонлари ясалади. Уйинчок-

декоратив амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, қадим асрлардан лойдан ясалган нарсалар бизгача етиб келган.

Республикамизда саноат ва маданиятнинг ривожланиб боришига кўра ўйинчоқларнинг ассортименти уларнинг оброзлари йилдан-йилга бойиб бормокда. Ўйинчоқлар ясаладиган материаллар ўта хилма хилдир. Бироқ афзаллик лойга берилади. Лой нарсалар яшашда асосий материал ҳисобланади, чунки у исталган жойда топилади, арзон ва қайишқокдир.

Нарсалар ясаладиган материалда чет предметлар тош, қум ва шу кабилар бўлмаслиги керак. Чунки иш қўлда бажарилади. Шунинг учун иш бошлашдан олдин лойни тайёрлаш керак бўлади. Топилган лойни нарсалар яшашга яроқли ёки йуқлигини олдиндан текшириш керак.

Лой ширали ва ширасиз бўлади. Ширасиз лойнинг таркибида кўп қум бўлиб унда ёпишқоқ хусусияти ёмон бўлади.

Лойни аралашмалардан тозалаб устига сув қуйиб 5-6 соат сақланади, сўнгра сувини тўқиб қўлга епишмайдиган куюкрок ҳамир ҳолатига келгунча яхшилаб ишланди.

Тайер лойни целофан ёки плёнка қопчаларда сақланади ва дарсга фойдаланишга тайёр лой сифатида келтирилади.

Пластин нарсалар яшашда қўлланиладиган бошқа материалдир. Ундан асосан кичик моделларни яшашда фойдаланилади. У сунъий пластик масса бўлиб лойдан ҳеч қачон қуримаслиги ва доимо ишлатилишига тайёрлиги билан фарқланади. Пластиннинг ҳар хил оддий ва мураккаб турлари бор уни тайёрлашнинг бир неча рецептори бор.

Нарсалар яшашда ишлатиладиган асбоб ва мосламалар. Лой билан ишлаганда асосан оддий асбоблар пичоқ оддий конструкциядаги ёғоч ва металлар учлилардан фойдаланилади. Уларни кизитиш ҳамда йугон мис алюмин еки темир симдан тайёрлаш мумкин. Циркуль, циркуль-пантограф, мерка, чизгич ва бурчаклар каби ўлчов асбоблари моделларни чизиш ва ўлчаш ишларида керак бўлади.

Мольберт-бу оддий ёғоч тагликни устахона бемалол яшаш мумкин. Ўлчами 20х30 еки 25х25см булган фанера органик шиша ёки бошқа материаллардан тайёрланган тагликлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тайёр нарсалардан чанглари йуқотиш лой парчаларини супуриб ташлаш, нарсани солиш ва ўнга нарсалар суртиш жараёнида ҳар хил мўйқалам керак бўлади. Диаметри 2-3см ва 1,5см мўйқаламлар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Лойдан нарсалар яшаш усуллари. Лой ва пластин билан ишлаганда керак бўладиган қодалар.

1. Юмалоқлаш - бу парча лойдан шар яшаш ўнга олча, олма кабилар шаклини беришдир.

2. Бир бўлак лойдан кафтда айлана ҳаракатлар билан шар яшаш.

3. Шар яшаш сўнгра узунасига ҳаракатлар билан уни тухум устун кабиларга айлантириш.

4. Ясилаш - шарикдан ясси ясади, қўлнинг ҳолати доимо ўзгариб туради.

5. Чўзиш - шарикнинг бир қисми чўзилади.

6. Суриш (ямаш) буюмнинг айрим қисмларини ўзаро бириктириш.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон иссиқ иқлим шароитида нарсалар яшаш бўйича амалий машғулотларни лойдан бажарган маъқул чунки пластиндан ясалган нарсалар иссиқдан ўз шаклини тез йуқотади.

Ишни оддий предметлар: сабзавот меваларни яшашдан бошлаш керак. Тайер намуна ёки расм бўйича ишлашни таклиф этиш мумкин.

Болалар нарсалар яшаш усуларини эгаллаб олганларидан сўнг ўйинчоқ бадиий безакли декоратив идишларни яшашга ўтишлари мумкин.

Папье - маше. Гижимланган қоғоз демакдир. Бундай қоғоздан клейстр билан лой ва пластиндан ясалган тайёр модель бўйича форма елимланади.

Папе-машедан тайёрланган ўйинчоқлар мактаб ўқув инвентлари ҳар хил лойдан нарсалар яшашнинг осонлиги билан ажралиб туради.

Папе-машье билан ишлаш жараёни болаларда меҳнат малакаларининг шаклланишига турли асбоб ва материаллар билан ишлаш кўникмаларини ривожланишига ёрдам беради.

Папе-машье билан ишлаганда стекалар ломчет елим пишириш учун идиш тайер махсулотни бўйаш учун бўёк муйкаламлар керак бўлади. Иш қоғозни тайёрланишидан бошланади. Бунинг учун газета ва ўраш қоғозлари керак бўлади. Қоғоз номланади бироқ ивиб кетмаслиги керак. Бир идишда газета ва иккинчи идишда ўраш қоғози туради. Шундан кейин ясаладиган форма тайёрланади.

Пиёла фанера устига тўнтариб қўйилади. Ўнга юпқа қоғоз ёғ суртилади. Шундан кейин намланган палоскаларга клестер суртиб бирин-кетин қуруқ томонини пиёлага қилиб биттадан оралатиб бир-бирига қўндаланг бир лента 2-сига етадиган қилиб қўйиб чикилади.

Полоскаларнинг эни 1-2 см узунлиги эса пиёланинг иккала томонига етиб фанера устига тушиб турадиган бўлиши керак. Бундай қоғозлар икки қатлам қилиниб очик жойларни қолдирмай қоғозни навбатлаб елимланади. Шундан кейин яна икки уч қатлам ёпиштирилади бироқ энди полоскалар эмас балки қоғоз парчалари ёпиштирилади. Қоғоз албатта қўлда йиртилиши керак. Шундай қилинса елимланган қоғоздан бир меёрдаги текис қатлам ҳосил бўлади.

Назорат топшириқлари:

1.1.1. Лой неча хил бўлади?

- а) икки хил
- в) уч хил
- с) тўрт хил

1.1.2. Лойни неча соат ачитиш керак?

- а) 3-4 с
- в) 4-5 с
- с) 5-6 с

1.1.3. Лойнинг пластилиндан фарқини сўзлаб беринг.

1.1.4. Пластилин лойдан авзаллик томонларини айтинг.

2.1.1. Нарсалар яшашда ишлатиладиган асбоб ва мосламаларни санаб утинг.

2.1.2. Қандай ўлчов асбоблари ишлатилади.

2.1.1. Лой ва пластилин билан ишлаганда керак бўладиган қоидаларни санаб беринг

2.1.2. Қоидаларни бир-биридан фарқини айтинг.

2.2.2. Папе-машье яшаш қоидаларини такрорлайдилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ (1-СЕМЕСТР)

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ИШ ЖОЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЛАБЛАРИ РЕЖА:

1. Иш жойини тўғри ташкил этиш.

Ўқувчининг чап томонига қайчи, чизғич, қалам, ўлчов метри жойлаштирилади. Ўқувчининг ўнг томонига турли чиқинди идишлар, мато бўлаклари ва ҳар хил безак материаллари жойлаштирилади. Ўқувчининг олди томонига пластмасса елим, чиқиндилар учун қутича, нина, ип ва сочикча жойлаштирилади.

Иш жойини тўғри ташкил этиш: Ўқитувчи столнинг устига дастурхон ёзиб, ўнг томонига қайчи, елим учун чўтка, чизғич, қалам, ўчирғич жойлаштирилади. Ўқувчининг олди томонига елим, қийқимлар учун қутича ва сочик жойлаштирилади. Ўқувчининг чап томонига, иш вақтида ҳалақит бермайдиган қилиб рангли қоғоз тўпламини, қоғоз тўпламини ва керакли материаллар жойлаштирилади.

Сув идишлари қопқоғидан чойнак тағлиги тайёрлаш қуйдагича босқичлардан иборат:

1. Бир қанча металл ёки пластмасса қопқоқларини кераксиз нарсалардан тозалаб олинади.
2. Ҳар бир қопқоқни кераксиз мато бўлаклари билан ўраб, тикиб чиқилади:
3. Мато бўлаклари тикилган қопқоқларни бир-бирига ёпиштириш учун кўринмас чоклар ёрдамида бир-бирига бириктириб тикиб чиқилади:
4. Қопқоқларни бир-бирига бириктиришимизда чойнак тағлигининг шаклига эҳтибор беришимиз керак. Тағликнинг шакли турли кўринишларда бўлиши мумкин (юмалоқ, тўртбурчак, учбурчак, беш бурчак, ромб ва бошқа шаклларда)



Мустақил иш топшириқлари

1. Мато қийқимларини тўпланг.
2. Мато қийқимларидан чойнак тағлигини тикинг.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ИШ ЖОЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЛАБЛАРИ РЕЖА:

1. Иш хонасида ишлаш талаблари.

1. Иш хонасига фақат ўқитувчи рухсати билан кирилади.
2. Ҳар бир ўқувчи фақат ўз иш жойида ишлайди. Агарда иш жамоа равишда бажариладиган бўлса, Болалар ўз мажбуриятларини яхши биладилар.
3. Иш фақат ўқитувчининг рухсати билан бошланади.
4. Ишни бошлашдан олдин, иш жойингни тайёрла, асбобларни тўғри ва қулай жойлаштириш, ўнг қўл билан ушланадиган асбобларни ўнг томонга, чап қўл билан ушланадиганини чап томонга қўйиш, санчиладиган, кесадиган асбобларни ҳеч қачон иккита асбоб орасига қўйманг, уларни доимо ўз жойига, ўткир томонини нариги, дастасини ўзинг томонга қилиб қўйиш.
5. Иш вақтида иш жойингизни тартибли сақланг.
6. Ўтмас ёки бузуқ асбоб билан ишланг.
7. Асбобни ишлатганда, уни ўқитувчи кўрсатганидек ушланг.
8. Асбобларни асранг, уларни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, сўнг уларни тозалаб, қўйиш.
9. Ҳар бир детални олдинги сафаргидан сифатли, чиройли ва тартибли қилишга ҳаракат қилинг.
10. Ишни тўғатдингизми, иш жойингизни тезда тозалаб тартибли қилиб қўйиш.

Тўғри ўтириш қоидалари: Болалар иш вақтида тўғри ўтириш қоидаларига амал қилишлари керак. Ҳар бир асбоб ёки иш қуролидан фойдаланаётган вақтида қўлларни кескин ҳаракатлантirmаслик, ўридан турмаслик, орқасига қарамаслик, ёнига ўгирилмаслик, ўртоғига гапирмаслик керак. Иш вақтида гавдани тўғри тутиш, бир томонга қийшаймаслик, оёқлари тўғри жойлаштириш, қўлларни стол устида ҳаракатлантириш, асбоб ва иш қуролларни гавдасига яқин олиб келмаслик, иш столида тўғри ўтириш керак. Шунда ўқувчи чарчаб ёки толиқиб қолмайди.

Устахонадаги асбоб-ускуналар. Болалар устахонада ишлаётганларида ҳар хил асбоблар ва мосламалардан фойдаланишади. Қайчи, қалам, чизғич, игна, ангишвона, елим, елим чўткаси, бигиз, таглик тахтачалар, пичоқ, газлама, рангли қоғоз тўплами, пластилин, турли уруғлар, барглари, мато бўлаклари, картон тўплами, сочиқ, чиқиндилар учун қутича жойлаштирилади.

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ҚОҒОЗГА ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИ

Амалий машғулотининг мақсади: Қоғоз турларини ўрганиш, қоғоз хусусиятларини таҳлил қилиш ва қоғозга ишлов беришни ўрганиш

Машғулот шиори: Тез ва сифатли ишла

Таълим усуллари: Ақлий ҳужум, тезкор сўров, намоиш этиш, суҳбат, амалий иш, тақдирот

Таълим воситалари: Таянч матн, методик қўлланмалар, эксперт топшириқлар, турли қоғоз бўлаклари, чизғич, қайчи, қалам

Қоғоз турлари

Меҳнат дарсларида фойдаланиладиган қоғоз турлари қуйдагилардан иборат:

Рўзнома қоғози - энг кўп тарқалган қоғоз турларига киради. Сифатига кўра унчалик пишиқ эмас, намликни, элимни ўзига тез сингдиради.

Ёзув қоғози – сатҳи силлиқ, элим синдирилган, намликни камроқ сингдиради. Нарсаларни ихтиролашда, муқовалашда, картондан ясалган нарсаларни елимлашда жуда қўлайдир.

Чизмачилик қоғози – энг пишиқ ва қалин қоғоздир. Латтадан тайёрланади, унинг олий нави қўлда тайёрланади. Ундан байрамалар учун қизиқарли ниқоблар тайёрлашда фойдаланилади.

Расм қоғози – икки хил номерли бўлиб, целлюлозадан тайёрланади. Олий навига 25% латта қўшилади. Чизмачилик чизишда шунунгдек қўл меҳнати дарсларида фойдаланилади. Рангли ва жилоли қоғоз – меҳнат дарсларида кенг қўлланилади. Турли хил муқовалаш ишларида ва турли хил рангда қоғозлар тўплами чиқарилади.

Элимланган қоғоз – жило берилган қоғоз бўлиб, бир томонига елим суртилган. Меҳнат дарсларида ишлатиш учун жуда қўлай материалдир.

Рангли жилд қоғози-турли рангларда бўлади, жило берилган рангли қоғознинг ўринини боса олади. Қўл меҳнати дарсларида кўп ишлатилади.

Обой гул қоғози – ранги ва гули турлича бўлиб муқовалашда, нарсаларнинг устидан елимлашда, безаш ишларида кенг фойдаланилди.

Миллиметрли қоғоз - сатҳи босма тур шаклида тайёрланади.

Картон қоғози – картон деб 1 кв мт 250 грамдан ортиқ бўлган қоғозга айтилади.

Оқ картон – уни қирқиш осон, ўзи унчалик пишиқ эмас, тез синади. Бу картон елимни кўп шимади кўпинча елимдан шишади). Ундан майда нарсаларни муқовалашда фойдаланиш мумкун.

Сарик картон–оқ картонга кўра пишиқроқ, эгилувчан яхши қирқилади, елимдан шишмайди. Турли ишларда фойдаланилади.

Кўл ранг картон -оқ ва сарик картондан пишиқроқ, қирқиш қийин. Пичоқ- картон массасидаги қумдан тез ўтмаслашади. Картоннинг бу туридан ўта пишиқликни талаб қилувчи нарсалар тайёрланади.

Рангли картон-бу юқа эгилувчан сатҳига турли рангда жило берилган, ишлов бериш осон ва кўриниши чиройли. Ҳажми кичик нарсалар, папкалар, муқовалар тайёрлаш учун қўлай бўлган картон туридир.

Қоғозга ишлов бериш усуллари унчалик мураккаб эмас, болалар уларни осонлик билан ўзлаштириш оладилар. Қоғоз ва картонга ишлов бериш юзасидан эгалланган малакалар кейинчалик барча меҳнат турлари бўйича қўл меҳнатида кенг қўлланилади.

Қоғозни буклаш усуллари.Қоғозни тенг иккига буклаш учун қоғоз стол ёки парта устига қўйлади ва ўнг ҳамда чап қўли билан қоғозни ўзига яқин турган томонининг икки учидан ушлаб, уни пастки учлари билан тенглаштирилади. Бунда қоғознинг учларининг қирраси бир-бирига тўғри тушиши керак. Ана шундагина қоғоз қўл билан текисланиб, унинг букилган чизиғи устидан тирноқ босиб юргизилади.

Қоғозни букилган жойидан йиртиш. Қоғозни йиртишдан олдин, аввал эҳтиётлик билан очилади, унинг бир томони ўнг қўл билан босилиб, чап қўл билан букилган чизикдан секин йиртилади, букилган чизик устига чизғични қўйиб, ҳам қоғозни йиртиш мумкин.

Қоғозни букилган жойини пичоқда қирқиш. Қоғозни буклаб, тирноқ билан босиб из туширилади. Шундан сўнг унинг букланган чизиғини ўнг томонга қилиб стол устига, унинг орасига пичоқни тикиб юргизилади.

Қоғозни қайчи билан қирқиш. Қайчи ўнг қўлда ушланади. Иш вақтида қайчини ҳаракатиз ушлаб, қирқиляётган қоғозни, ундаги кесиш чизиғи аниқ кўриниши учун айлантариб турилади.

Қоғозни ёпиштириш. Столнинг устига газета ёзиб, унинг устига керакли ўлчамда қирқиб олинган рангли ёки исталган қоғоз қўйилади ва мўйқалам ёрдамида ўртасидан четига аввал чап, сўнгра ўнг томонга қараб элим сурилади. Елимни тез, юпқа қилиб сурилади. Елим сурилган қоғозни ёпиштириладиган предметнинг устига қўйиб, унинг устидан ғижимланишлар бўлмаслиги учун тоза латта билан босиб текисланади.

Амалий топшириқлар

Қоғозга ишлов бериш усулларини ўрганиш: қоғозни қирқиш, йиртиш, чизиш, ғижимлаш, текислаш, қоғозни иккига буклаш, тўртга буклаш, тенг буклаш, учбурчак буклаш, квадрат шаклига келтириш, икки томонини параллел буклаш, конверт шаклида буклаш, дўппи шаклида буклаш ва ҳақозо.

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: КЕТМА-КЕТ УСУЛДА БУКЛАБ МАКЕТЛАР ЯСАШ


1 «Уйча» макетини ясаш босқичлари

1-босқич: Икки томони 10 см бўлган квадрат шаклидаги қоғоз олинади. Квадрат шаклидаги қоғозни буклаш усуллари орқали 16 та квадрат, 32 та учбурчак чизиклар ҳосил қилинади.

2-босқич: Ҳосил бўлган буклаш чизиклари орқали квадрат шакли тенг иккига букланади.

3-босқич: Ҳосил бўлган тўғри тўртбурчакнинг юқори икки томонини ички қисмига буклаб учбурчак ҳосил қилинади.

4-босқич: Ҳосил бўлган учбурчакни бурчакларини икки ён томонга тортиб бурчак ҳосил қилинади. Уйча шакли ҳосил бўлди, унга аппликация усулида дераза ва эшик ромларини, том қисмига мури шаклини рангли қоғоздан тайёрлаб елимлаш керак.




2 «Пароход» макетини ясаш босқичлари

1-босқич: Икки томони 10 см бўлган квадрат шаклидаги қоғоз олинади. Квадрат шаклидаги қоғозни буклаш усуллари орқали 16 та квадрат, 32 та учбурчак чизиклар ҳосил қилинади.

2-босқич: Ҳосил бўлган буклаш чизиклари орқали квадрат шакли тенг иккига букланади.

3-босқич: Ҳосил бўлган тўғри тўртбурчакнинг юқори икки томонини ички қисмига буклаб учбурчак ҳосил қилинади.

4-босқич: Ҳосил бўлган учбурчакни бурчакларини икки ён томонга тортиб бурчак ҳосил қилинади. Уйча шакли ҳосил бўлди, уни тескари қилиб қоғозга елимласак, пароходнинг шакли ҳосил бўлади. унга аппликация усулида мури қисмига тутин ва пастки қисмига сув тўлкинларини рангли қоғоздан тайёрлаб елимлаш керак.



3 «Пирпирак» макетини ясаш босқичлари


1-босқич: Икки томони 10 см бўлган квадрат шаклидаги қоғоз олинади. Квадрат шаклидаги қоғозни буклаш усуллари орқали 16 та квадрат, 32 та учбурчак чизиклар ҳосил қилинади.

2-босқич: Ҳосил бўлган буклаш чизиклари орқали квадрат шакли тенг иккига букланади.

3-босқич: Ҳосил бўлган тўғри тўртбурчакнинг юқори ва пастки томонларини ички қисмига буклаб учбурчак ҳосил қилинади.

4-босқич: Ҳосил бўлган учбурчакни бурчакларини икки ён томонга тортиб бурчак ҳосил қилинади.

5-босқич: Ҳосил бўлган шаклнинг иккита қарама-қарши бурчакларини ён томонга тортиб букланади, натижада пирпиракнинг шакли ҳосил бўлади. Пирпиракка рангли қоғоздан ушлагич қисмини тайёрлаб елимлаб қўйилади.



4 «Қўшқайиқ» макетини ясаш босқичлари


1-босқич: Икки томони 10 см бўлган квадрат шаклидаги қоғоз олинади. Квадрат шаклидаги қоғозни буклаш усуллари орқали 16 та квадрат, 32 та учбурчак чизиклар ҳосил қилинади.

2-босқич: Ҳосил булган буклаш чизиклари орқали квадрат шакли тенг иккига букланади.

3-босқич: Ҳосил бўлган тўғри тўртбурчакнинг юқори ва пастки томонларини ички қисмига буклаб учбурчак ҳосил қилинади.

4-босқич: Ҳосил бўлган учбурчакни бурчакларини икки ён томонга тортиб бурчак ҳосил қилинади. Худди шу босқич ҳосил бўлган шаклнинг пастки қисмида ҳам бажарилади.

5-босқич: Ҳосил бўлган шаклни орқа томонига тенг иккига букласак қўшқайиқ макетининг шакли ҳосил бўлади.



5 «Балиқча» макетини яшаш босқичлари

1-босқич: Икки томони 10 см бўлган квадрат шаклидаги қоғоз олинади. Квадрат шаклидаги қоғозни буклаш усуллари орқали 16 та квадрат, 32 та учбурчак чизиклар ҳосил қилинади.

2-босқич: Ҳосил булган буклаш чизиклари орқали квадрат шакли тенг иккига букланади.

3-босқич: Ҳосил бўлган тўғри тўртбурчакнинг юқори ва пастки томонларини ички қисмига буклаб учбурчак ҳосил қилинади.


4-босқич: Ҳосил бўлган учбурчакни бурчакларини икки ён томонга тортиб бурчак ҳосил қилинади. Худди шу босқич ҳосил бўлган шаклнинг пастки қисмида ҳам бажарилади.

5-босқич: Ҳосил бўлган шаклни орқа томонига тенг иккига букласак қўшқайиқ макетининг шакли ҳосил бўлади.

6-босқич: Учбурчакнинг битта учини унга қарама-қарши бўлган иккинчи томонидаги учига бирлаштирамиз, натижада қўшқайиқнинг ўртасида қолган битта учи ўз-ўзидан юқorigа кўтарилади.

7-босқич: Элканли қайиқнинг елкан қисмини орасини очиб учбурчак шаклига келтириб тескарисига букласак, иккита қўшалок бурчагини пастга қаратиб ушласак қушчанинг шакли ҳосил бўлади.

8-босқич: Қушча шаклини иккита қанотини орасини очиб шаклнинг юқори қисмини тўғирласак самолёт шакли ҳосил бўлади. Самолёт шаклини дум қисмини иккига буклаб қўйсак балиқчанинг шакли ҳосил бўлади.

Baliq**6. “Стакан” макетини ясаш босқичлари.**

Ясалиш босқичлари.

1-Босқич: Квадрат, шаклдаги рангли қоғоз олиниб, уни битта диагонали бўйича тенг иккига букланади.

2-Босқич: Ҳосил бўлган учбурчакни диагоналида, учларидан бирининг учи учбурчакнинг шу учи қаршисидаги томонга этгунча букланади.

3-Босқич: Диагоналига учлардан иккинчиси ҳам қаршисидаги томонга етгунча букланади.

4-Босқич: Ҳосил бўлган шаклнинг юқоридаги икки учидан бири букланган учлар томонга, иккинчи учи шаклнинг ичкарисига букланади. Натижада “Стакан” ҳосил бўлади.



Мустақил иш топшириқлари

1. Ясалган макетларни қоғозга кетма-кетликда елимланг.
2. Мавзу бўйича ҳикоя тузинг.


5-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ҚОҒОЗНИ ОДДИЙ УСУЛЛАРДА БУКЛАБ МАКЕТЛАР ЯСАШ

1. «Кўёнча» макетини ясаш босқичлари

1-Босқич: Рангли қоғоздан квадрат қирқиб олинади. Уни учбурчак кўринишига келтириб буклаймиз.

2-Босқич: Учбурчакнинг ён томонларидаги иккита учини пастга қилиб буклаймиз. Пастки учини букланган учларнинг томонларига тенглаштириб буклаймиз.

3-Босқич: Ҳосил бўлган шаклни орқа томонни юқори букчагини пастки томонига тенглаштириб буклаймиз.



2-Босқич: Ҳосил бўлган шаклнинг Ўртасидан ён томонга қаратиб тенг иккига буклаймиз. Қуёнчанинг бош қисмини юқорига қаратиб қия шакл ҳосил бўлгунча тортиб буклаймиз. Қулоқ қисмини Ўртасидан қайчи ёрдамида тенг яримигача кесиб бир томонини пастга буклаб қўямиз.


5-Босқич: Ҳосил бўлган қуёнча шаклига қўшимча безак ишларини берамиз.

1. «Кўйлақча» макетини ясаш босқичлари

1-Босқич Тўғри тўртбурчакли рангли қоғоз олинади ва тенг иккига букланади.

2-Босқич: Шаклнинг пастки томонининг иккита учи ён томонга қаратиб букланади.

3-Босқич: Шаклнинг юқори томони 0,5 см букланиб, икки ён томони Ўртага тенглаштириб букланади.




4-Босқич: Ҳосил бўлган шаклни орқа томонига қаратиб тенг иккига буклаймиз. Кўйлақчанинг тугмаларини чизиб қўямиз.

3. «Кучукча» кўрсатмали кўроли.

1. Квдрат шаклидаги қоғоз олинади. У тенг иккига букланади.

2. Ҳосил бўлган шаклнинг икки ён учи пастга қаратиб букланади.





3. Ҳосил бўлган шаклнинг юқориси ва пастки томонлари 1 см орқага букланади.



4. Ҳосил бўлган кучукчанинг бош қисмига тана қисми рангли қоғоздан қирқиб ёпиштирилади.

4. «Лола» кўрғазмали кўроли.

1- Квдрат шаклидаги рангли қоғоз дўппи шаклда букланади.



2- Ҳосил бўлган учбурчакни бир томонининг икки учи тенг иккига букланади. Ромб шакли ҳосил бўлди.

3-Ромб шаклининг юқори учларини пастга қаратиб учбурчак қилиб буклаймиз.

4-Ҳосил бўлган шаклнинг пастки томонидан ҳаво пуфлаб лола шаклини ҳосил қиламиз.

Мустақил иш топшириқлари

1. Ясалган макетларни қоғозга кетма-кетликда елимланг.
2. Мавзу бўйича ҳикоя тузинг.

6-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ҚОҒОЗНИ МУРАККАБ УСУЛЛАРДА БУКЛАБ МАКЕТЛАР ЯСАШ

Режа:

1. Қоғозни мураккаб усулларда қуриш-ясаш.






Машғулотнинг мақсади: Талабаларга амалий машғулотларда иш жойини тўғри ташкил этиш, иш қуролларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, қоғозни мураккаб усулда оққуш шаклини қуриш-ясашни ўрганиш

Таълим усуллари: Тушунтириш, тезкор сўров, намоиш этиш, суҳбат, амалий иш, тақдирот.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, кўргазмалар слайдлар, турли рангли қоғоз, чизғич, қайчи, қалам.

1. «Қурбақа» кўрсатмали қуроли.


- 1- Квадрат шаклидаги рангли қоғоз олинади.
2. Квадрат шаклини буклаб дуппи шаклига келтирилади.
3. Ҳосил бўлган учбурчакни бир томонининг икки учи тенг иккига букланади. Ромб шакли ҳосил бўлди.
4. Ромб шаклининг пастки учларини юқорига қаратиб учбурчак қилиб буклаймиз.




5. Ҳосил бўлган шаклнинг орқа томонидаги учлари ўртасига келтириб букланади.
6. Шаклнинг пастки учларини 1 см юқорига ва пастга букланади. Юқоридаги иккита бурчаклар буклаш чизиғига тенглаштириб орқага букланади.

2. “Кучукча” кўрсатмали кўроли.

- 1- Квдрат шаклидаги рангли қоғоз учбурчак шаклда букланади.
- 2- Ҳосил бўлган учбурчак шакли тенг иккига букланади.
- 3- Ҳосил бўлган шаклнинг юқори қисми қия қилиб ча томонга букланади.
- 4- Букланган учбурчакнинг юқори қисмидан 1 см ўлчамда ўнг томонга букланади.



- 5- 1 см ўлчамдаги кучукчанинг тумшук қисмининг тенг ярмидан орқага букланади.
- 6- Кучукчанинг думини ҳосил қилиш учун шаклнинг пастки қисми 1 см ўлчамда ўнг томонга қаратиб букланади.



- 7- Ўтирган ҳолдаги кучукча шакли ҳосил бўлди.

Мустақил иш топшириқлари

1. Ясалган макетларни қоғозга кетма-кетликда елимланг.
2. Мавзу бўйича ҳикоя тузинг.

7-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ҚОҒОЗДАН “ОҚ ҚУШ”НИ ҚУРИШ-ЯСАШ


Режа:

1. Оқ қуш макетини қуриш-ясаш босқичлари.
1. А4 форматдаги рангли қоғозни тенг 8 та бўлакга бўлиб олинади. 37х53 мм ўлчамдаги қоғоз бўлаклари ҳосил бўлади.
2. 37х53 мм ўлчамдаги қоғоз бўлагини тенг иккига букланади.
3. Қоғозни ўртасидан пастга қаратиб учбурчак шаклда букланади.
4. Ҳосил бўлган шаклнинг ортикча пастки қисмини ички томонига бурчак қилиб букланади.
5. Бурчак қилиб букланган қисмни юқорига букланади.
6. Ҳосил бўлган шаклни тенг иккига букланади.





7. Ҳосил бўлган учбурчакларни икkitасини битта учбурчак орасига жойлаштирилади. Бу ишни кетма-кет бажариб доиралар ҳосил қиланади. Ҳар бир доирада 30 тадан бурчак бўлиш керак.



8. Оққуш шаклини пастки қисмини ҳосил қилиш учун қизил рангли қоғоздан 5 қатор бурчак териb чиқилади.
9. қушнинг кейинги босқичларини икки қатор сариқ рангли қоғоздан териb чиқилади.
10. Оқ қушнинг қанотларини яшил рангли қоғоздан икки қатор, кўк рангли қоғоздан икки қатор, пушти рангли қоғоздан бир қатор бурчаклар териb чиқилади.



11. Оққушнинг бўйин қисмини турли рангдаги қоғозлардан тайёрланган бурчаклардан териb чиқиб тайёрланади. Оққушга безак бериш учун кўз ва лентадан бўйинбоғ тайёрланиб тақилади.



Мустақил иш топшириқлари

1. Қуйида кўрсатилган шаклларни мустақил ясанг .
2. Қуш турлари бўйича маолумот тўпланг.

8-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: КАРТОНДАН “ТЕЛЕФОН” КЎРГАЗМАЛИ МАКЕТИНИ ТАЙЁРЛАШ

РЕЖА:

1. Картондан “телефон” кўргазмали макетини тайёрлаш босқичлари.

Амалий машғулотнинг ўқитиш технологияси

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
Машғулот шакли	Амалий машғулоти
Амалий машғулоти режаси	1.Иш жойини тўғри ташкил қилиш. 2.Картон қоғози ва унинг турлари 3.Кўргазмали қуроллар ясаш технологияси 4.Картондан “Телефон” кўргазмали қуролини тайёрлаш технологияси
Ўқув машғулотнинг мақсади	Талабаларга картон ва унинг турлари ҳақида ва картондан кўргазмали қурол тайёрлаш технологияси ҳақида ўргатиш
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>Талабаларнинг картондан ясаладиган кўргазмали қуроллар ҳақидаги билимларини аниқлаш;</p> <p>Иш жойини тўғри ташкил қилиш бўйича маолумотлар бериш;</p> <p>Картон қоғози ва унинг турлари ҳақида тушунчалар бериш;</p> <p>Картондан турли кўргазмали қуролларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш ҳақида тасаввурларини шакллантириш</p> <p>Картондан “Телефон” кўргазмали қуролини тайёрлаш технологиясини ўргатиш.</p> <p>Натижалар тақдироти, муҳокама ва баҳолашга ўргатиш.</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p><i>Талабалар билиши керак.</i></p> <p>Картондан кўргазмали қурол ясаш ўғрисида билимларини бойитади</p> <p>Иш жойини тўғри ташкил қилишни ўрганади;</p> <p>Картон қоғози ва унинг турлари ҳақида билиб олади;</p> <p>Картондан турли кўргазмали қуролларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш ҳақида тасаввурларини шаклланади;</p> <p>Картондан “Телефон” кўргазмали қуролини тайёрлаш технологиясини ўрганади.</p> <p>Натижалар тақдироти, муҳокама ва баҳолашни ўрганади;</p>
<i>Таълим усуллари</i>	Блиц саволлари намоиш этиш, суҳбат, амалий иш, тақдирот
<i>Таълим воситалари</i>	Методик қўлланмалар, слайдлар, картон қоғози, турли рангли қоғоз, турли расмлар, чизғич, қайчи, қалам, фламастер, скоп, церқўлғ, болтғ
Таълим шакли	Якка тартибдаги савол-жавоб, кичик гуруҳларда ишлаш
Таълим ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона

Картондан “Телефон” кўргазмали қуролини тайёрлаш

Амалий машғулотнинг технологик картаси

I. Tayyorgarlik bosqich

10 minut

Ф а о л и я т м а з м у н и

Ўқитувчи	Талаба
----------	--------

Мавзу бўйича кўргазмали материаллар тайёрлайди. Иш жойини ташкил этади. (1-илова) Керакли материаллари ва иш қуролларини тайёрлайди. (2-илова)	Машғулотга тайёрланадилар Иш жойини тўғри ташкил этади Керакли иш қуроллари ва иш материалларини тайёрлайди
--	---

II. Amalga oshiruvchi bosqich: amaliy ish

50 minut

Ўқитувчи	Талаба
1.Амалий ишга кириш. Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради. 1.1. Талабаларга фаолиятини баҳолаш мезонларини эолон қилади (3-илова) . 1.2. Блиц техникасини қўллаб, талабалар билимларини фаоллаштиради: Жавобингизни асосланг. (4-илова) . 1.3. Жавобларни умумлаштиради ва амалий машғулот босқичига ўтилиши маолум қилади.	Амалий машғулотни тузилиши 1.1.Кичик гуруҳларга бўлинади ва баҳолаш мезонлари билан танишади 1.2.Саволларга жавоб беради 1.3.Машғулотга тайёрланади.
2.Асосий қисм. 2.1. Талабаларни ҳар бирига топшириқларни беради (5-илова) 2.2.Техника хавфсизлиги қоидалари ёдга солади (6-илова) . 2.3. Талабалар фаолиятини таҳлил қилади, кузатади, маслаҳатлар беради, йўналтиради. 2.4. Ҳар бир талаба бажарган ишларини тақдим қилишларини айтади. (7 илова)	2.1.Талабалар амалий иш фаолиятни бошлайди. 2.2.Техника хавфсизлиги қоидаларини ёдга олади 2.3. Тушунмаган жойлари сўралади. 2.4.Ҳар бир талаба ўз ишларини тақдим қиладилар

III. Yakuniy bosqich


20 minut

тазмин


Ўқитувчи	Талаба
3. Амалий ишни якунлаш. Амалий машғулот мавзуси бўйича якун ясайди: 3.1.Амалий иш юзасидан саволларга жавоб беради 3.2.Талабалар иш натижасини таҳлил қилади 3.3.Талабаларнинг фаоллигини баҳолайди. (3-илова) 3.4.Мустақил иш юзасидан маслаҳатлар беради. (7 илова)	3.1.Саволлар беради 3.2.Иш натижалар таҳлилин эшитади 3.3.Баҳоланади 3.4.Мустақил иш топшириқларини ёзиб олади.

“Телефон” кўргазмали қуролни ясаш технологияси


1. 30x44 см ўлчамдаги картон қоғози олинади.
2. Картон қоғозини усти оқ қоғоз билан муқоваланади.
3. Картоннинг пасти қисмига 10 см ўлчамдаги картон елимланади ва буклаб қўйилади (картонни шакли телефон трубкаси шаклига ўхшаса ҳам бўлади).



4. Картоннинг қолган қисмининг ўртаси аниқланади.
5. Иккинчи картон олиниб, уни церкўл ёрдамида доира чизилади ва қирқиб олинади.
6. Доира тенг 8 та бўлакка бўлиб чизиб олинади.
7. Ҳар бир бўлак ўртасига кичик доирачалар чизиб ва қирқиб олинади. Ҳар бир доира орасидаги масофа бир хил бўлиши керак.



8. Катта доирани картоннинг ўртасига болт ёрдамида маҳкамланади.
9. Доира ичидаги кичик доирачаларнинг шакли картонга чизилади. Чизилган доира ичига латин алифбосидаги ҳарфлар соат стрелкасига тескари равишда 4-5 тадан жойлаштирилади.



10. Чизилган доирачаларнинг биттаси бир хил рангга бўяб қўйилади.
11. Доиралардаги ҳарфлар телефон рақамига ўхшатиб териблиб сўзлар ҳосил қилинади.
12. Битта доира тўғрисида рангли қоғоздан стрелка елимлаб қўйилади.
13. Ҳосил бўлган сўзларнинг расмлари стрелка кўрсатган доирага тўғрисида ёпиштирилади.
14. Ҳар бир доира тўғрисида расмлар ёпиштириб бўлгандан сўнг расмларнинг номлари телефон трубка шаклидаги картон тагига ёзиб қўйилади.
15. Кўргазманинг доираси айлантириб текшириб кўрилади, хато ва камчиликлар тўғирланади.

Савол ва топшириқлар

1. Кўргазмани куридан фойдаланиш қоидадини тушунтириб беринг.
2. Она тили дарсларида фойдаланиш юзасидан мисоллар келтиринг.

11-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: КВИЛЛИНГ УСУЛИДА ТАБРИКНОМА ТАЙЁРЛАШ РЕЖА

1. Табрикномалар ҳақида маолумот бериш.
2. Квиллинг усулида шакллар ясаш ҳақида маолумот бериш.
3. Квиллинг усулида табрикнома тайёрлаш технологиясини тушунтириш

Таълим усуллари: Тушунтириш, ақлий ҳужум, амалий иш, амалий иш тақдимоти.

Таълим воситалар: Методик қўлланмалар, слайдлар, табрикнома турларидан намуналар, квиллинг усулида шакллар ясаш босқичлари, рангли қоғоз, рангли картон, қайчи, чизғич, қалам, елим.

Машғулотни бошлашдан олдин Болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Табрикномаларнинг қандай турларини биласиз?
2. Табрикномалар нима мақсадда ишлатилади?
3. Квиллинг усулида қандай шакллар ясаш мумкин?
4. Квиллинг усулида табрикнома ясашда қандай қоғоздан фойдаланилади?
5. Қандай байрамларни биласиз?

Табрикнома ва унинг турлари ҳақида маолумотлар.

Табрикномалар инсонларни яхши кунларида туғилган кунларда, байрамларда, тўй-маросимларда Ўз тилакларни, яхши ниятларини билдириш учун тақдим этилади. Табрикномалар турли байрамлар учун турли шаклларда ва Ўлчамларда ишлаб чиқилади. Табрикномалар асосан картон қоғозига тайёрланади. Муқровасига турли безаклар (гуллар, рамзий белгилар ва бошқа шакллар) билан безатилади. Асосан 8-март ва Наврўз байрамларига гуллар тасвирланган табрикномалардан, таваллуд кунларига эса инсонга тилак билдирувчи рамзий белгилар тасвирланган табрикномалар тақдим этилади. Янги йил байрамида қиш, қорбобо ва совғалар тасвирланган табрикномалардан, турли касбий байрамда касблар, гуллар, турли рамзий белгилар тасвирланган табрикномалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Табрикнома ясаш учун бизга қуйидаги иш қуроллари ва материаллар керак бўлади.


Квиллинг усули

Квиллинг-бу бадиий техника, икки тарафлама рангли қоғоз тасмаси асосида бажарилган амалий иш, гугурт чўпига ёки тишқовлагичга ураб чиқиладиган ва турфа хил шаклга айлантирилгандан кейин 7 турли хил фигура кўринишида елимланади.


Бу техника тасвири асосида (нафис гуллар бежирим нақшлар, эртақ қаҳрамонлари, ҳайфонлар ва балиқлар, қушлар) табрикномаларни, албомларни, қутичаларни, расм учун рамкаларни безаш мумкин.

Бошланғич Таълим Болалари квиллинг техникасининг машғулотларини биринчи босқичидаги қоғозни Ўраш жараёни қийин бўлишига қарамай, жуда мароқ билан бажаришади.


Квиллинг усулида турли нарсалар шаклини ясашда уни босқичма-босқич Ўргатиш керак. Бажарилган ҳар бир янги шаклни бир нечта машғулотда олиб бориш керак.



Узунлиги 16 см эни 24 см бўлган картон қоғози олинади. Уни тенги иккига бўлаймиз. 16 смга 12 см бўлган табрикнома асоси ҳосил бўлади.



Турли рангдаги рангли қоғоз олиниб, 1 см қилиб қалам ёрдамида чизиб чиқилади. Чизилган жойидан қирқиб узун тасмалар ҳосил қилинади.



Ҳосил бўлган тасмаларни тиш ковлацичнинг бир учига қистирамиз. Тасмани тишковлагичга маҳкам ўрашни бошлаймиз. Бунда бармоқ билан тишковлагични айлантириб турамиз. Бош спирални бажараётганда тасмани қаттиқ ўраб бўлмайди. Айниқса охириги ўраш вақтида, унда спирал қаттиқ бўлиб очилмай қолиши мумкин. Бир нечта тасмаларни ёки думалокларни бир-бирига елимлаб, деталнинг ҳажмини катта қилиш мумкин.

Квиллинг шакллари: Таблетка асосий шакл бўлиб, ана шу шакл асосида бошқа шакллар қилинади. томчи шаклида кўз шакли барг гул шакли томчи шакли асосида тайёрланади.

Асос картонининг усти қисмига тайёрланган шакллар жойлаштирилади. Шакллар босқима-босқич белгиланган жойга пва елими асосида елимланади.



Мустақил иш топшириқлари

1. Турли байрам табрикномалари тўғрисида маълумотлар тўпланг.
2. Аппликация усулида табрикнома тайёрланг

12-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МОЗАИКА УСУЛИДА ТАБРИКНОМА ТАЙЁРЛАШ РЕЖА:

1. Тухум пўчоғидан мозаика ясаш технологияси

- Керакли рангдаги қоғоз фон танланади;
- Мозаикага мўлжалланган тасвир ва элементлар миқдори аниқланади;
- Мозаика устида ишланганда асосий эотибор танланган мавзунинг мазмунига, тухум пўчоғининг ҳажмига, ўлчамларига, рангларини танлашга қаратилади.

- Ишни бошлаш учун марказни топиш, симметрия Ўқини Ўтказиш ва элементларни шунга кўра жойлаштириш лозим.
- Тухум пўчоғини елимлашда жойни адаштирмаслик учун уларнинг ўрнини қалам билан белгилаб қўйилади;
- Мозаиканинг барча деталлари, ҳатто энг кичиклари ҳам тухум пўчоғидан ясалади, уларни чизмаслик керак;
- Тайёрланган тухум пўчоқлари қоғоз сатҳига, яони фонга жойлаштирилади ва тасвир ҳосил қилинади;
- Мозаикадаги ранглар уйғунлигига эришилади;

Тухум пўчоғидан мозаика ишларидан намуналар



Мустақил иш топшириқлари

1. Тухум пўчоғини ишга тайёрланг.
2. Тухум пўчоғидан мозаика усулида эртак қаҳрамонларини ясанг.

13-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: БОЛАЛАРНИ ТЭЖАМКОРЛИККА ЎРГАТИШ РЕЖА:

1. Чиқинди идишларидан турли буюмлар ясаш.
2. Иш жойини тўғри ташкил қилиш.
3. Чиқинди идишлари ва улардан бажарилган ишлар ҳақида маолумот бериш.
4. Чиқинди идишларидан турли буюмлар ясаш технологияси

Амалий машғулотнинг мақсади: Талабаларга чиқинди идишлари ва унинг турлари ҳақида маолумот бериш. Чиқинди идишларидан турли буюмлар ясаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Савол-жавоб, кўргазмалилик, блиц методи, ақлий ҳужум, мустақил иш.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, турли чиқинди идишлари, қайчи, элим, картон

Машғулотни бошлашдан олдин Болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Чиқинди материаллари билан ишлаш Болалар Таълим-тарбиясида қандай аҳамиятга эга?
2. Чиқинди идишларидан нималар ясаш мумкин?
3. Тежамкорлик нима?
4. Қандай чиқинди материалларини биласиз?
5. Иш қуролларидан фойдаланиш қоидалари қандай?

Иш жойини тўғри ташкил этиш.

Ўқувчининг чап томонига қайчи, чизғич, қалам, Ўлчов метри жойлаштирилади. Ўқувчининг ўнг томонига турли чиқинди идишлар, мато бўлаклари ва ҳар хил безак материаллари жойлаштирилади. Ўқувчининг олди томонига пластмасса элим, чиқиндилар учун кутича, нина, ип ва сочикча жойлаштирилади.

Турли чиқинди материаллари

Биз ҳаётимизда истиқомат қилиш жараёнида турли кийим-кечаклардан, буюмлардан, озиқ-овқатлардан ва бошқа турдаги маҳсулотлардан фойдаланамиз. Бу турдаги маҳсулотларни бизгача етиб келишида фойдаланилган буюмлар, турли кутилар, идишлар, ғилофларни чиқинди материали сифатида ахлатларга ташлаймиз. Эотибор бермаймизки бу чиқинди материалларидан турли керакли буюмлар, фойдаланиш мумкин бўлган нарсалар тайёрлаш мумкин. Шу билан бирга турли чиқинди материалларини Ўз Ўрнида керакли фойдаланиб, кераксизини тартиб билан ахлат идишларини ташласак, атроф-муҳитни ифлосланиши, экологияни бузилиши қисман бўлса ҳам камайган бўларди. Масалан: сув ва напитекаларни идишларини яримигача кесиб, идиш атрофини турли нарсалар билан безаб рўзғорда фойдаланиш мумкин бўлган турли идишлар (тарок солгич, қаламдон, чиқинди қутчаси) ни яшаш мумкин, баклажка қопқоғидан чойнак таглигини тайёрлаш мумкин. Ёки шампун, кофе, болалар кашалари, турли ёғлар ва маргаринларнинг пластмасса идишларидан турли буюмларни тайёрлаш мумкин.



Кофе ёки болалар кашасини идишидан турли буюмлар тайёрлаш технологияси:

1. Идиш кераксиз нарсалардан тозаланиб, ювиб қурилади. Идишнинг Ўлчами айланаси ва узунлиги Ўлчанади.
2. Ўлчам асосида бир хил рангдаги мато тайёрланиб, идиш атрофи мато билан қопланади.
3. Матони идишга пластмасса елим ёрдамида маҳкамланади. Юқори ва пастки қисми кўринмас чок ёрдамида тикиб қўйилади.
4. Идиш мато билан қоплангандан сўнг турли мунчоқлар, биссерлар, ленталар, ялтироқ тасмалар ёрдамида безатилади.

Мустақил иш топшириқлари

1. Чиқинди материалларини тўпланг.
2. Чиқинди материалларидан қаламдон тайёрланг.

14-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ЧИҚИНДИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ТУРЛИ БУЮМЛАР ЯСАШ РЕЖА:

1. Чиқинди идишларидан турли буюмлар яшаш.
2. Чиқинди идишлари ва улардан бажарилган ишлар ҳақида маолумот бериш.
3. Чиқинди идишларидан турли буюмлар яшаш технологияси

Амалий машғулотнинг мақсади: Талабаларга чиқинди идишлари ва унинг турлари ҳақида маолумот бериш. Чиқинди идишларидан турли буюмлар яшаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Савол-жавоб, кўргазмалилик, блиц методи, ақлий ҳужум, мустақил иш.


Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, турли чиқинди идишлари, қайчи, элим, картон

Машғулотни бошлашдан олдин Болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Чиқинди материаллари билан ишлаш Болалар Таълим-тарбиясида қандай аҳамиятга эга?
2. Чиқинди идишларидан нималар ясаш мумкин?
3. Тежамкорлик нима?
4. Қандай чиқинди материалларини биласиз?
5. Иш курулларидан фойдаланиш қоидалари қандай?

Турли чиқинди материаллари

Биз ҳаётимизда истиқомат қилиш жараёнида турли кийим-кечаклардан, буюмлардан, озиқ-овқатлардан ва бошқа турдаги маҳсулотлардан фойдаланамиз. Бу турдаги маҳсулотларни бизгача етиб келишида фойдаланилган буюмлар, турли кутилар, идишлар, ғилофларни чиқинди материали сифатида ахлатларга ташлаймиз. Эотибор бермаймизки бу чиқинди материалларидан турли керакли буюмлар, фойдаланиш мумкин бўлган нарсалар тайёрлаш мумкин. Шу билан бирга турли чиқинди материалларини ўз ўрнида керакли фойдаланиб, кераксизини тартиб билан ахлат идишларини ташласак, атроф-муҳитни ифлосланиши, экологияни бузилиши қисман бўлса ҳам камайган бўларди. Масалан: сув ва напитекаларни идишларини яримигача кесиб, идиш атрофини турли нарсалар билан безаб рўзғорда фойдаланиш мумкин бўлган турли идишлар (тароқ солғич, қаламдон, чиқинди кутичаси) ни ясаш мумкин, баклажка қопқоғидан чойнак таглигини тайёрлаш мумкин. Ёки шампун, кофе, болалар кашалари, турли ёғлар ва маргаринларнинг пластмасса идишларидан турли буюмларни тайёрлаш мумкин.



Кофе ёки болалар кашасини идишидан турли буюмлар тайёрлаш технологияси:

1. Идиш кераксиз нарсалардан тозаланиб, ювиб қуритилади. Идишнинг ўлчами айланаси ва узунлиги ўлчанади.
2. Ўлчам асосида бир хил рангдаги мато тайёрланиб, идиш атрофи мато билан қопланади.
3. Матони идишга пластмасса елим ёрдамида маҳкамланади. Юқори ва пастки қисми кўринмас чок ёрдамида тикиб қўйилади.
4. Идиш мато билан қоплангандан сўнг турли мунчоқлар, биссерлар, ленталар, ялтироқ тасмалар ёрдамида безатилади.

Мустақил иш топшириқлари

3. Чиқинди материалларини тўпланг.
4. Чиқинди материалларидан қаламдон тайёрланг.

15-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ:

Мавзу: Чиқинди материалларидан чойнак таглигини тикиш РЕЖА

1. Чиқинди материаллари ва улардан бажарилган ишлар ҳақида маълумот бериш.
2. Чиқинди материалларидан чойнак таглигини тикиш технологияси

Ўқув машғулоти нинг мақсади: Талабаларга чиқинди материаллари ва унинг турлари ҳақида маълумот бериш. Чиқинди материалларидан чойнак таглигини тикиш технологияси ўргатиш

Таълим усуллари: Савол-жавоб, кўргазмалилик, “кўрсатиб бер, тушунтириб бер”, ақлий ҳужум, амалий иш.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, баклажка қопқоқлари, қайчи, ип, игна, мато бўлаклари

16-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ:

МАВЗУ: ГЕОМЕТРИК ФИГУРАЛАРДАН ПРЕДМЕТЛИ АППЛИКАЦИЯ ЯСАШ РЕЖА:

1. Геометрик фигуралар ҳақида маълумот бериш
2. Қоғоздан геометрик фигуралардан предметли аппликация ясаш технологиясини тушунтириш.

Амалий машғулотининг мақсади: Талабаларга предметли аппликациялар ҳақида ва геометрик фигуралар ҳақида маълумот бериш. Қоғоздан геометрик фигуралардан предметли аппликация ясашга ўргатиш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, ақлий ҳужум, амалий иш, кўргазмалилик.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, аппликациядан намуналар, рангли қоғозлар тўплами, чизғич, қайчи, қалам, елим

Машғулоти бошлашдан олдин Болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Геометрик шакли аппликация нима?
2. Геометрик фигуралардан предметли аппликация ясаш талаблари?
3. Аппликациянинг асосий материаллари нима?
4. Геометрик фигуралардан предметли аппликация нима?
5. Аппликацияни ясаш бўйича иш жойини тўғри ташкил этиш нималардан иборат?

Геометрик фигуралардан предметли аппликациялар

Болаларни предметларни фазовий идрок этишини ривожлантириш керак. Буни атрофимизни ўраб турган нарсалар: уй, арча, дарахт, машина, идиш-товоқ, жониворлар, гуллар ва шу қабиларни у ёки бу даражада геометрик шакллар билан ифодалаш мумкин.

Ўқитувчи исталган предметни танлаши мумкин. Уни болалар билан биргаликда кўриб, унинг айрим деталлари қайси геометрик шаклларга ўхшашлиги, уларни қандай улчамларда, қайсиларини каттароқ, қайсиларини кичикроқ олиш, қандай изчилликда жойлаштириш кераклигини аниқлайдилар.

Рангли қоғозлардан олинган доиралар ва уларнинг қисмлари билан аппликация бўйича жуда кўп геометрик ишларни бажариш мумкин. Доираларни ҳар бирини шундай жойлаштириш керакки, натижада талаб қилинадиган шакл пайдо бўлсин.

Бу ишлар Болаларда ижодий ва атрофли тасаввурни, бадиий дидни ўстиришга ёрдам беради. Болаларда қўйилган мақсадга эришиш йўлида қатоиятлик, тартиблик тарбияланади. Уюшқоқлик билан ишлаш кўрсатмаларига риоя қилиш, ташаббускорлик кўрсатиш кўникмалари шаклланади. Болалар тайёрлаган аппликациялар она тили ва математика дарслари учун ажойиб дидактик материал, Болалар нутқини ўстириш воситаси бўлиши, уларнинг предметлари шакли, ранги, фазода жойлашиши ҳақидаги тушунчаларини бойитишга хизмат қилиши мумкин.

Предметли аппликацияни тасвирлаш технологияси турли формаларини қирқиш ва уларни фон тарзида қабул қилинган материалларга елимлаш ёки мустаҳкамлашга асосланувчи туридир.

Аппликация ишини бажаришда асосий этибор унинг умумий кўринишига қаратилиши керак. Яхши ўйланган композиция, яъни тасвирлаш лозим бўлган нарсаларни жойлаштириш аппликациянинг муваффақиятининг гаровидир.

Аппликация билан шуғулланиш Болаларни гармоник ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Аппликация ижодни ривожлантиришда катта ёрдам беради тасаввурни бойитади, кузатувчанлик ва диққатни фаоллаштиради, иродани тарбиялайди, чамалаш ва рангни сезишни ўстиради.

Гуруҳларга амалий иш топшириқлари

1. Мевалар шаклини геометрик фигуралар асосида яшаш
2. Ҳайвонлар шаклини геометрик фигуралар асосида яшаш

Геометрик фигуралардан предметли аппликация яшаш технологияси

- Иш мавзу ва фикрни танлашдан бошланади;
- Очiq тондаги қоғоз ва фон танланади;
- Аппликация мўлжалланган тасвир ва элементлар миқдори қоғозни танлашни белгилайди;
- Тасвир устида ишланганда асосий этибор танланган мавзунинг мазмунига, керакли материаллар, уларнинг ўлчамлари, рангларини танлашга қаратилади.
- Тасвир ҳажмига кўра энг катта элемент асосий мавзуга мос элемент бўлиши керак.
- Тасвирлаш лозим бўлган материаллар ёрдамида фигура ва предметларнинг ҳолати аниқланади;
- Тасвирланган ҳодисаларнинг уйғунлигига эришилади;
- Тасвирнинг барча деталлари, ҳатто энг кичиклари ҳам қоғоздан қирқилади, уларни чизмаслик керак;
- Тайёрланган деталлар елимланадиган сатҳ, яъни фонга жойлаштирилади ва ўйланган тасвир ҳосил қилинади;
- Агарда бу тасвир маокул бўлмаса деталлар бошқача жойлаштирилади;
- Деталларни ёпиштиришда жойни адаштирмаслик учун уларнинг ўрнини қалам билан белгилаб қўйилади;
- Мисол тариқасида энг оддий геометрик шакл – квадратни олиб, унинг алмашилишини ҳосил қилиш учун турли ҳолатларда жойлаштириб кўрамиз.
- Ишни бошлаш учун марказни топиш, симметрия ўқини ўтказиш ва элементларни шунга кўра жойлаштириш лозим.



Мустақил иш топшириқлари

1. Картондан геометрик шаклларни ясанг.
2. Геометрик фигуралар асосида мавзули аппликация ясанг

17-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: РАНГЛИ ҚОҒОЗЛАРДАН БАЙРАМ ТАБРИКНОМАСИНИ ТАЙЁРЛАШ РЕЖА

1. Байрам табрикномалари ҳақида маолумот бериш.
2. Рангли қоғозлардан табрикномалар тайёрлаш.
3. Рангли қоғозлардан табрикномалар тайёрлаш технологиясини тушунтириш


Амалий машғулотининг мақсади: Талабаларга байрам табрикномалари ҳақида маолумот бериш. Рангли қоғозлардан байрам табрикномаларини яшаш технологисини ўргатиш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, “Ақлий ҳужум”, амалий иш, амалий иш тақдироти.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, рангли қоғозлардан тайёрланган табрикномалардан намуналар, рангли қоғоз, рангли картон, қайчи, елим, чизғич, қалам.


Амалий ишлар

Узунлиги 16 см эни 24 см бўлган картон қоғози олинади. Уни тенги иккига буклаймиз. 16 смга 12 см бўлган табрикнома ҳосил бўлади. Табрикномани юз қисмига Наврўз байрамига тегишли гуллар, капалак, қалдирғоч, қуёш расми чизилади.



Рангли қоғоздан чизилган расмлар асосида деталлар қирқиб олинади. Гуллар ва ўтлар, капалак, қуёш ва қалдирғоч.

Болаларга кўрсатилиб биргаликда бажарилади. Уларга иш қондаси ҳам ўргатилиб борилади. Болалар қайчидан эҳтиёт бўлиб фойдаланишни, қоғозни кесаётганда қўлини кесиб олмасликни айтилади. Гул лолаларни андозаси болаларга тарқатилади. рангларга қараб кесиб ёки чизиб оладилар. Сўнгра ёпиштириш ишлари босқичма-босқич бажарилади.



Болалар клейдан унумли фойдаланишини тўкиб парталар кийиминларини клей қилиб қўймаслиги таъкидланади

Табрикнома ясаб бўлгандан сўнг, унинг ичига доскадаги табрикномани кўчириб оладилар. Табрикнома битди, текшириб, баҳолаб чиқилади. Кимнинг ясаган иши чиройли, тоза, тўғри бўлса рағбарлантирилади.

Мустақил иш топшириқлари

1. Табрикномалар тўғрисида маълумот тўпланг.
2. Рангли қоғоздан 9-май байрами учун табрикнома тайёрланг.

18-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ТУРЛИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ҲАЖМДОР ГУЛЛАР ЯСАШ РЕЖА

1. Гуллар ҳақида маълумот бериш.
2. Турли материаллардан гуллар ясаш тўғрисида маълумот бериш.
3. Биссерлардан гуллар ясаш технологияси.

Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга гуллар тўғрисида маълумот бериш. Турли материаллардан гуллар ясаш тўғрисида маълумот бериш. Биссерлардан гуллар ясаш технологиясини ўргатиш

Таълим усуллари: Савол-жавоб, кўргазмалилик, “кўрсатиб бер, тушунтириб бер”, ақлий хужум, амалий иш.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, гул намуналар, турли рангдаги биссерлар, махсус сим, лента, таёқча.

Машғулотни бошлашдан олдин Болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Қандай гулларни биласиз?
2. Биссерлардан нималар ясаш мумкин?
3. Гулларни қандай материаллардан тайёрлаш мумкин?
4. Биссерларнинг қандай турлари мавжуд?
5. Ҳажмдор гуллар деганда нимани тушунасиз?


Биссерлар ҳақида маълумот

Биссердан гулларни тўқишда керакли иш қуролларининг: игна, сим ва ип турлари; мунчоқлар тўплами: дур, тошлар, кўзлар, пистонлар, шиша мунчоқ турлари; ёрдамчи материаллар: клей турлари, қайчи хиллари, симлар ҳақида маълумот берилади.

- махсус симни уч хил ўлчамда кесиб олинади ва биринчи симга 20 дона, иккинчи симга 15 дона рангли мунчоқлар териб чиқилади;
- симлар кетма-кет айлантириб ўраб олинади;



- тайёр бўлган гул япроқларини бир-бирига симлар ўралади ва гул шаклига келтирилади;
- худди шундай гул доналарини 5 дона ясаш керак;
- гул шаклини ўртасига сариқ биссердан доира ясаш ва бириктириш керак;



- гул барглари ясаш учун симга яшил рангдаги биссерларни териб оламиз;
- биринчи симга 40 дона, иккинчи симга 35 дона, учинчи симга 30 дона, тўртинчи симга 25 дона, бешинчи симга 20, олтинчи симга 5 дона биссерлар териб чиқилади;



- симга терилган биссерларни айлантириб ўраб барг шаклга келтирилади;
- тайёр бўлган гул ва барглари гул танасига бириктириб чиқилади;
- гул танаси тайёр бўлгандан сўнг албастр қоришмаси тайёрланади ва тувакга солинади;
- бир қанча вақт ўтгандан сўнг гул танаси тувакдаги албастр қоришмасига ўтказилади ва қўшмча безак бериш ишлари бажарилади.

Мустақил иш топшириқлари

1. Қоғоздан ҳажмдор гуллар ясанг.
2. Биссерлардан турли ўқинчоқлар ясанг.

19-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: АППЛИКАЦИЯ УСУЛИДА БАРГЛАРДАН ҚУРИШ-ЯСАШ РЕЖА

1. Барглар ҳақида маолумот бериш.
2. Барглардан аппликация ясаш ҳақида маолумот бериш.
3. Барглардан аппликация ясаш дарсларини ташкил этиш тартибини тушунтириш.

Амалий машғулотнинг мақсади: Талабаларга барглар ва барглардан аппликация ясаш ҳақида маолумот бериш. Барглардан аппликация ясаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Кичик маоруза, тезкор сўров, намоиш этиш, суҳбат, амалий иш, тақдимот

Таълим воситалари: Таянч матн, методик қўлланмалар, слайдлар, оқ қоғоз, барглар тўплами, елим, чизғич, қайчи, қалам

Машғулотни бошлашдан олдин Болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Қандай дарахт баргларини биласиз?
2. Дарахт баргларининг хусусиятлари бир хилми?
3. Машғулотга керакли материаллар қандай жойлаштирилади?
4. Қандай асбоблар билан ишлаганда техника ҳафвсизлиги қоидаларидан фойдаланилади?
5. Табиий материаллар билан ишлашнинг мақсади?

Барглар. Барглар ўйинчоқларни ясашда қизиқарли ва керакли қўшимча материал ҳисобланади. Улар турли шакл ва рангларда бўлиши мумкин. Эман дарахтларнинг йирик баргларини болалар кемаларга елкан сифатида ишлатишади. Барглардан капалак қаноатлари, балиқ сўзгичларини (бу ўйинчоқлар ғудда ва баргдан ясалади) ясашда қўллаш мумкин. Баргларни кузда, улар чиройли бўлганида териш яхши.

Болалар баргларни тўплар эканлар уларнинг рангларини, шакллари қиёслашни ўрганадилар, бу уларнинг кўзатувчанлиги ва диққат қилиш қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради. Тўпланган барглар олдиндан тайёрлаб қўйилган дафтар вараклари орасига қўйилади. Шундан кейин болаларга баргларнинг меҳнат машғулотларигача рангини йўқотмаслиги, буралиб кетмаслиги учун қандай ишлов бериш кераклиги тушунтирилади. Ҳар бир экскурсияда болаларнинг эhtiборини инсоннинг яратувчилик меҳнатига албатта жалб этиш керак. Экскурсия охирида суҳбатга якун ясалади, экскурсияда эгалланган билимлар умумлаштирилади. Бундан ташқари, болаларга уйларида қушлар тасвири туширилган расмларни, суоратларни кўришни, уларнинг танаси ва қанотларининг шаклига, рангига алоҳида эhtiбор бериш топширилади.

Бундай уюштирилган экскурсиядан кейинги машғулотда болалар қуритилган барглардан қуш аппликациясини зўр иштиёқ билан бажарадилар, агарда аппликацияни ўз истакларига кўра, ўзлари тўплаган материаллардан мустақил ясаш топширилса, қизиқишлари янада ортади. Бундай дарс, машғулот қуйидаги схемага эга бўлади:

1.Ўтказилган экскурсия бўйича суҳбат:

- а) Экскурсияда қаерда бўлдик?
- б) Қандай дарахтларни кўрдик, уларнинг номи қандай?
- в) Уларнинг баргларининг шакли бир хилми?
- г) Қандай қуш ва паррандаларни биласиз?
- д) Уларнинг ранглари қандай?

Савол-жавобдан сўнг Болаларга “Ақлий ҳужум” методи орқали қушларнинг номларини санаб бериш сўралади.

Болаларнинг жавобларидан сўнг қушларнинг расмлари кўрсатилади ва “БББ” методи орқали қушлар ҳақидаги маолумотлар умумлаштирилади.

Қуш ва паррандалар ҳақида маолумот берилган сўнг аппликация иши учун тайёрланадиган хўрозча расми таҳлил қилинади.

2. Намуна таҳлили;

- Хўрозча қандай қисмлардан ташкил топган?
- Унинг қисмлари қандай жойлашган?
- Уни тасвирлашда қайси дарахт баргларида фойдаланилган?
- Хўроз қандай тоифага киради?

3. Ишни бажариш тартибини аниқлаш:


а) Хўрозчанинг айрим қисмлари (танаси, қанотлари)нинг жойлашишини график тасвирлаш;

- Хўрозчанинг танаси ва қанотлари учун шакли ҳамда ўлчамлари бир хил бўлган баргларни топиш;
- Уларни қоғозда жойлаштириш;
- Ишни амалий бажариш.

4. Ўқитувчининг ишни бажариш усуллари ҳақидаги тушунтиришлари.

5. Аппликацияни бажариш бўйича мустақил иш:

- Хўрозчанинг айрим қисмларини қоғозда тўғри тасвирлаш;
- Шакл, ўлчам ва буёқларни тўғри танлаш;
- Елимлаш ишларини тартибли бажариш;
- Хўрозчанинг кўз ва тумшук қисмини тўғри тасвирлаш;
- Иш бажарилган қоғознинг орқасида баргларида фойдаланилган дарахтларнинг номларини ёзиш;



7. Бажарилган ишни таҳлил қилиш.

Йўл қўйилган хато ва камчиликларин аниқлаш

Хато ва камчиликларни бартараф қилиш.

8. Ишни баҳолаш. Болаларнинг ишлари баҳоланади ва рағбатлантирилади.

Турли баргларни тўплаш ўқитувчи қуйган мақсадга боғлиқ бўлади. Болалар кўриб чиқилган ва батафсил таҳлил қилинган ёки ўзлари ўйлаб топган тасвир учун баргларини тўплайдилар. Ёки аксинча, аввал турли баргларни тўплаб, кейин ишни бажариш тартибини аниқлашлари мумкин.

Баргнинг хусусиятлари ва шакллари шундай хилма-хилки, аппликациялар ясашда улардан асосий материал сифатида ҳам, ясалган нарсаларга безак бериш материали сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ишларни бажариш болаларни эстетик дидини, тасаввурини оширади ва ижодий излашниш ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради.

Мустақил иш топшириқлари

- Турли баргларни тўпланг ва куритинг.
- Турли барглардан уй ҳайвонларини ясанг.

20-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: БАРГЛАРДАН ГУЛДАСТА ТАЙЁРЛАШ РЕЖА

1. Барглардан аппликация ясаш ҳақида маълумот бериш.
2. Барглардан аппликация ясаш дарсларини ташкил этиш тартибини тушунтириш.

Амалий машғулотнинг мақсади: Талабаларга барглар ва барглардан аппликация ясаш ҳақида маълумот бериш. Барглардан аппликация ясаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Кичик маоружа, тезкор сўров, намоиш этиш, суҳбат, амалий иш, тақдимот

Таълим воситалари: Таянч матн, методик қўлланмалар, слайдлар, оқ қоғоз, барглар тўплами, елим, чизғич, қайчи, қалам

Барглар. Барглар ўйинчоқларни ясашда қизиқарли ва керакли қўшимча материал ҳисобланади. Улар турли шакл ва рангларида бўлиши мумкин. Эман дарахтларнинг йирик барглари болалар кемаларга елкан сифатида ишлатишади. Барглардан капалак қаноатлари, балиқ сўзгичларини (бу ўйинчоқлар ғудда ва баргдан ясалади) ясашда қўллаш мумкин. Баргларни кузда, улар чиройли бўлганида териш яхши.

Болалар баргларни тўплаш эканлар уларнинг ранглари, шакллари қиёслашни ўрганадилар, бу уларнинг кўзатувчанлиги ва диққат қилиш қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради. Тўпланган барглар олдиндан тайёрлаб қўйилган дафтар варақлари орасига қўйилади. Шундан кейин болаларга баргларнинг меҳнат машғулотларигача рангини йўқотмаслиги, бурилиб кетмаслиги учун қандай ишлов бериш кераклиги тушунтирилади. Ҳар бир экскурсияда болаларнинг эhtiборини инсоннинг яратувчилиги меҳнатига албатта жалб этиш керак. Экскурсия охирида суҳбатга яқин ясалади, экскурсияда эгалланган билимлар умумлаштирилади. Бундан ташқари, болаларга уйларида қушлар тасвири туширилган расмларни, суоратларни кўришни, уларнинг танаси ва қанотларининг шаклига, рангига алоҳида эhtiбор бериш топширилади.

Бундай уюштирилган экскурсиядан кейинги машғулотда болалар қуритилган барглардан қуш аппликациясини зўр иштиёқ билан бажарадилар, агарда аппликацияни ўз истакларига кўра, ўзлари тўплаган материаллардан мустақил ясаш топширилса, қизиқишлари янада ортади. Бундай дарс, машғулот қуйидаги схемага эга бўлади:

Аппликацияни бажариш бўйича мустақил иш:

- а) Ҳўрозчанинг айрим қисмларини қоғозда тўғри тасвирлаш;
- б) Шакл, ўлчам ва буёқларни тўғри танлаш;
- в) Елимлаш ишларини тартибли бажариш;
- г) Ҳўрозчанинг кўз ва тумшук қисмини тўғри тасвирлаш;
- д) Иш бажарилган қоғознинг орқасида баргларидан фойдаланилган дарахтларнинг номларини ёзиш;





Бажарилган ишни таҳлил қилиш.

Йўл қўйилган хато ва камчиликларин аниқлаш

Хато ва камчиликларни бартараф қилиш.

Ишни баҳолаш. Болаларнинг ишлари баҳоланади ва рағбатлантирилади.

Турли баргларни тўплаш ўқитувчи қўйган мақсадга боғлиқ бўлади. Болалар кўриб чиқилган ва батафсил таҳлил қилинган ёки ўзлари ўйлаб топган тасвир учун баргларини тўплайдилар. Ёки аксинча, аввал турли баргларни тўплаб, кейин ишни бажариш тартибини аниқлашлари мумкин.

Баргнинг хусусиятлари ва шакллари шундай хилма-хилки, аппликациялар ясашда улардан асосий материал сифатида ҳам, ясалган нарсаларга безак бериш материали сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ишларни бажариш Болаларни эстетик дидини, тасаввурини оширади ва ижодий излашниш ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради.

Мустақил иш топшириқлари

1. Турли баргларни тўпланг ва куритинг.
2. Турли барглардан уй ҳайвонларини ясанг.

21-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: УРУҒЛАРДАН АППЛИКАЦИЯ ЯСАШ

РЕЖА

1. Уруғ ва уларнинг турлари ҳақида маълумот бериш
2. Уруғларни дарсга тайёрлаш ва ишлатиш бўйича маълумотлар бериш
3. Уруғлардан аппликация ясаш технологиясини тушунтириш.
4. Тақдимот ва баҳолаш

Амалий машғулотни мақсади: Уруғ турлари ва уларни ишлатиш ҳақида маълумотлар бериш. Уруғлардан аппликация ясаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, ақлий ҳужум, амалий иш, амалий иш тақдимоти.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, турли уруғлар, чизғич, қайчи, қалам, елим, қоғоз

Машғулотни бошлашдан олдин Болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Қандай уруғ турлари биласиз?
2. Қандай уруғлардан меҳнат дарсларида фойдаланиш мумкин?
3. Уруғларни еимлашда қандай елимдан фойдаланилади?
4. Уруғларни қандай ишга тайёрлаш мумкин?

Уруғлар ва уларни ишлатиш ҳақида маълумотлар

Турли мева ва сабзавот, полиз экинларининг уруғлари ёрдамида хилма-хил аппликация ишларини бажариш мумкин. Айтиб ўтиш керакки, бир ишда хилма-хил мева уруғларидан фойдаланиш мумкин.

Мева ва полиз экинларининг уруғлари табиатда кенг тарқалган, тўплаш ва сақлаш осон бўлган материал ҳисобланади.

- Уруғлар мева ва полиз экинларидан ажаратиб олинади;
- Ортиқча нарсалардан тозалаб ювиб қурилади;
- Қуриштида уруғларни шакли бузилмаслиги учун қоғоз орасига солиб қурилади;

- Уруғлар қуригандан сўнг акварел бўёқларидан фойдаланиб ранг бериш мумкин;

Болалар турли уруғларидан аппликациялар қилишни яхши хўш кўришади. Иштиёк билан болалар турли рангларга бўлган уруғларни териб чиройли нақшлар ҳосил қилиши мумкин. Бундай машғулотлар қўл бармоқларининг майда мушакларини ривожланишига ёрдам беради. Болалар турли уруғлари, аппликациялар тайёрлашни яхши кўришади. Бундай машғулотларда елимни уруғга эмас, уруғ ёпиштириладиган жойга сурилади ва устидан уруғлар қўйилади ва сочиқ билан бостирилади.


Гуруҳларга амалий иш топшириқлари

1. Уруғлардан мевалар шаклини ясанг.
2. Уруғлардан ҳайвонлар шаклини ясанг
3. Уруғлардан қушлар шаклини ясанг

Иш жойини тўғри ташкил этиш

Стол устига клёнка ёки дастурхон солинади. Ўқувчининг ўнг томонида елим учун чўтка, қалам, чизғич жойлаштирилади, ўқувчининг чап томонида аппликация учун қоғоз ёки картон, уруғлар жойлаштирилади, ўқувчининг олди томонига елим учун кутича, елим ва сочиқ жойлаштирилади.

Тарвуз ва қовун уруғидан нақш ясаш босқичлари




Уруғидан аппликация ясаш технологияси

- Иш мавзу ва фикрни танлашдан бошланади, кейин фон ва шакл танланади;
- Аппликацияга мўлжалланган тасвир учун уруғлар танланади;




- Тасвир устида ишланганда асосий эотибор танланган мавзунинг мазмунига, керакли материаллар, уларнинг ўлчамлари, рангларини танлашга қаратилади;
- Тасвирлаш лозим бўлган предметларнинг ҳолати аниқланади;
- Уруғларни елимлашда ПВА елимидан фойдаланилади;



- Тасвирланадиган уруғ ранглари ва ҳодисаларнинг уйғунлигига эришилади;

- Тасвирнинг барча деталлари, ҳатто энг кичиклари ҳам уруғдан тайёрланади, уларни чизмаслик керак;
- Уруғлар қоғоз сатҳига жойлаштирилади ва ўйланган тасвир ҳосил қилинади;
- Агарда бу тасвир маъкул бўлмаса уруғлар бошқача жойлаштирилади;
- Тасвирни керакли қисми елимланади ва уруғлар ёпиштирилади;
- Уруғларни ёпиштиришда жойни адаштирмаслик учун уларнинг ўрнини қалам билан белгилаб қўйилади;



- Уруғлар елимлаб бўлгандан сўнг қуритиш учун қўйилади. Қуритишда елвизак бўлмаслиги керак.

Мустақил иш топшириқлари

1. Уруғларни тўпланг ва ишга тайёрланг .
2. Уруғлардан айиқча шаклини мозаика усулида ясанг.

22-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ХОНА ЎСИМЛИКЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ УСУЛЛАРИ РЕЖА

1. Хона ўсимликлари ҳақида маолумот бериш.
2. Хона ўсимликларини парваришлар қилиш ҳақида маолумот бериш.
3. Уруғлардан кўкартириш технологиясини тушунтириш

Амалий машғулотининг мақсади: Хона ўсимликлари ҳақида маолумотлар бериш. Ўсимликларни парваришлаш технологиясини ўргатиш. Уруғдан кўкартириш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, “Ақлий ҳужум”, амалий иш, амалий иш тақдироти.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, хона ўсимликлари, турли уруғлар, латта, сув, тупроқ, минерал ва табиий озукалар, махсус таёқча, қайчи, қоғоз.

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Қандай хона Ўсимликларини биласиз?
2. Ўсимликлар нима билан озикланади?
3. Қандай уруғ турлари биласиз?
4. Уруғларни кўкартиришдан олдин нима қилиш керак?
5. Қайси уруғлар тез униб чиқади?

Хона ўсимликлари ва уларни парваришлар ҳақида маолумот.

МТМ болалари меҳнат дарсларда синфдаги гулларни ва хона ўсимликларни парваришлар ва ўстиришга оид ишлар билан шуғулланадилар. Улар қуйидагилардан иборат:

- Ўсимликларни чангини тозалаш;
- тупроқ қатламини юмшатишни;
- Ўсимликларни сув билан суғоришни;
- минерал ва маҳаллий озукалар билан озиклантиришни;
- Ўсимликларни кўчат қилиб ўстиришни;
- Ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини кузатишни бажарадилар.




Гуруҳларга топшириқлар

“Кактус” гулини ўстириш ва парваришлар ҳақида маолумот беринг.

1. “Қирқбўғим” гулини ўстириш ва парваришлар ҳақида маолумот беринг.

Гулларни кўчат қилиб ўстириш

1. Гулнинг тўлиқ банди кесиб олинади;
2. Илдиз чиқаргунч сувга солиб қўйилади;
3. Тувакга озикланирилган тупроқ солинади;
4. Ўсимлик навдаси тўпроққа жойлаштирилади ва усти текислаб ёпилади;
5. Ўсимлик навдаси сув билан суғрилади.
6. Гул навдаси ўзини тутиб олгунча назорат қилинади.



Савол ва топшириқлари

1. Ўсимликларни парваришlash усуллари айтинг.
2. Ўсимликларни кўчат қилиб ўстиринг

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ (3-СЕМЕСТР)

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ:

Тугма қадаш технологияси ва дарс ишланмасини тузиш

РЕЖА:

1. Тугмалар ҳақида маълумот бериш

2. Тугма қадаш усуллари тушунтириш.

3. Тугма қадаш технологиясини ўргатиш

Амалий машғулоти мақсади: Тугмалар ҳақида маълумотлар бериш. Тугма қадаш усуллари тушунтириш. Тугма қадаш технологияси билан таништириш. Тугма қадаш дарсига ишланма ёзишга ўргатиш

Таълим усуллари: Тушунтириш, савол-жавоб, амалий иш, тақдироти.

Таълим воситалари: **Иш материаллари:** Тугма турлари, мато бўлаклари, тугма тикиладиган кийимлар.

Иш асбоблари: қайчи, игна, ип, ангишвона, нина қадагич.

Кўргазмалар: Тугмани тикиш усулларида намуналари, расмлар, слайдлар

Машғулоти бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ишлари қандай ишлар?
2. Тугмалардан нима мақсадда фойдаланилади?
3. Тугмалар қандай материаллардан тайёрланади?
4. Тугмани қандай турларини биласиз?
5. Тугмалар қандай усулларда тикилади?
6. Кийимларга тугма тикишда нималарга эътибор бериш керак?

Тугмани матога тикиш технологияси

1. Тугма тикиш учун кийим танланади.
2. Кийим рангига мос ёки умуман рангига мос келмайдиган тугмалар олинади.
3. Тугмани танлашда албатта шаклига ва хусусиятига эътибор бериш керак. Тугмалар турли материаллардан (ёғочдан, пластмассадан, темирдан, алименийдан, каучикдан матодан, суякдан) тайёрланади, унинг шакллари турлича (тўтбарчак, учбурчак, доира) бўлади ва тугмада бир қанча тешиклар (иккита, тўртта, балдоқли) бўлиши мумкин.
4. Кийимнинг хусусияти аниқланиб, ўнга мос тугма танланади.
5. Тугма турли усулларда тикиш мумкин.
6. Шаклни танлашда кийимнинг дизайнига мос бўлиши керак. Масалан кичик ёшдаги болалар кийимлари учун рангли, турли шаклларга ега тугмалар танланади.
7. Тугмани тикишда тугма рангига мос ип танланади, керакли ўлчамда кесиби олинади ва тугун ҳосил қилинади.
8. Кийимнинг тескари томонидан нина ўтказилиб, тугма тешигидан орқага қайтариб тикилади.
9. Тугма билан мато ўртасига гугурт чўпи қўйиб тикилади. Тикиш тўтагандан кейин гугурт чўпи олиб ташланади ва тугма билан мато ўртаси ип билан айлантриб чиқилади. Чунки тугмани бемолот тешикдан ўтказиш учун шу усулдан фойдаланилади.
10. Қўшимча ишлов берилади.

Мустақил иш топшириқлари

1. Тугмани турли усулларда қаданг.
2. Мавзуга оид дарс ишланмасини ёзинг.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ:

Папе-маше ишларини тайёрлаш РЕЖА

1. Папе-маше ишларини тайёрлаш ҳақида маълумот бериш.
2. Папе-маше яшаш дарсларини ташкил этиш тартибини тушунтириш.

Амалий машғулотининг мақсади: Папе-маше ишлари ҳақида. Папе-маше яшаш бўйича маълумотлар бериш. Қоғоз бўлакларидан папе-маше яшаш

- Қоғоз бўлакларидан папе-маше яшаш технологияси билан таништириш;

Таълим усуллари: Тушунтириш, савол-жавоб, амалий иш, тақдироти.


Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, кўргазмалар, техник воситалар, қоғоз бўлаклари, пиёла, краска, йелим, қоғоз, турли безаклар

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.


1. Папе-маше ишлари нима?
2. Папе-маше ишининг асосий материали нима?
3. Папе-маше ишига йелим қандай тайёрланади?
4. Қандай қоғоздан фойдаланилади?

Амалий иш тақдироти

1. Папе-маше ишлари ҳақида кириш (бошланғич) суҳбати. Суҳбатни ушбу материални кўрсатиш билан олиб бориш керак: болалар намунани ушлаб кўриши, шаклини, устки қобиғини ҳис қилиши, рангини кўриши мумкин.
2. Мавзуни ёллон қилиш ва ўйинчоқ намунасини кўрсатиш.
3. Намуна таҳлили ва папе-маше яшаш усуллари кўрсатиш. Бу йерда болаларни намунани таҳлил қилишга, папе-маше яшаш жараёнининг кетма-кетлиги ҳақида ўз фикрини билдиришга ундаш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи болаларнинг жавобини тўғирлаб беради ва ушбу материал билан ишлашнинг ўзига хослигини ажратиб кўрсатишга болаларнинг диққатини қаратади.



4. Оддий пиёлани олиб атрофига вазелин суртамыз. Қоғозни 1см га 2см ўлчамда бўлакларга бўлиб оламиз. Қоғоз бўлакларини сувга ботириб пиёла атрофига бир текис ёпиштириб чиқамиз.



и

5. Пиёлага қоғоз бўлакларини бир қават қилиб ёпиштириб бўлгандан сўнг, иккинчи пиёлага сув ва ун солиб суюқ аралашма ҳосил қиламыз. Тайёр аралашмани чўтка билан қоғоз атрофига суртиб чиқамиз. Кейин қоғоз бўлакларини кўндаланг қилиб иккинчи қаватга ёпиштириб чиқамиз. Қоғоз бўлакларини шу тариқа 7 қават қилиб йелимлаймыз. Ҳар бир қават орасига суюқ хамирли аралашмани суртиб чиқамиз. Тайёр бўлган папе-маше ишини 3-4 дақиқа мобайнида қуритишга қўямиз. Қуритиш жараёнида йелвизак бўлмаслиги, қуёш нури тўғридан-тўғри тушиб турмаслиги керак. Қуриган папе-маше ишини текис қилиб кесиб олинади. Кесилган қисми

қоғоз бўлаклари ёрдамида бир-бирига ёпиштириб йелимланади. Папе-маше иши усти қисмини рангли қоғоз бўлаклари ёрдамида йелимлаб чиқамиз.



6. Папе-маше ишига оқ қоғоздан қўшимча безак бериш учун нақшлар чизиб олинади ва қирқилади. Папе-маше устига тайёр гул нақши йелим суртиб ёпиштирилади. Папе-маше усулида пиёла шакли тайёр бўлди.



7. Папе-машенинг болалар тарафидан тайёрланиши. Меҳнат жараёнида ўқитувчи болалар ишини назорат қилади, асбобларни ишлатишда техника хавфсизлигига риоя қилишларини кузатади, қийналаётганларга ёрдам беради, мозаика ишини такомиллаштиришда уни безашда мустақил қарор қабул қилишга ундаш, бунинг барчаси болалар орасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатнинг шаклланишига олиб келади.

8. Тайёр папе-маше ишини таҳлил қилиш. Ушбу жараёнда болаларда ўзи ва дўстлари меҳнатининг натижаларини баҳолай олиш қобилиятини шакллантиради.

9. Иш жойини тозалаш, асбобларни ва қолган материалларни йиғиштириш.

Мустақил иш топшириқлари

1. Папе-маше усулида чойнак шаклини ясанг.
2. Папе-маше усулида пиёла шаклини ясанг.

3-мавзу: Картондан расм рамкалари яшаш

РЕЖА

1. Расм рамкалар ҳақида маълумот бериш.

3. Картондан расм рамкалар яшаш ҳақида маълумот бериш.

4. Картондан расм рамкалари яшаш технологиясини тушунтириш

Амалий машғулотининг мақсади: Расм рамкалари ҳақида маълумот бериш. Картондан расм рамкалари яшаш ҳақида тушунчалар бериш. Картондан расм рамкалари яшаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, блиц сўровномаси, амалий иш, амалий иш тақдироти.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, картондан ясалган рамкалардан намуналар, кўргазмалар, картон, клей, қайчи, қоғоз, турли безаклар.

Картондан расм рамка яшаш технологияси

Ўқитувчи расм рамкалари ҳақидаги билим ва тасаввурларини аниқлайди.

- Расм рамкалар нималардан тайёрланади?
- Расм рамкадан нима мақсадда фойдаланади?
- Картондан расм рамкалари қандай ясалади?
- Расм рамкага безак беришда қандай материаллардан фойдаланса бўлади?


Ўқитувчи болаларнинг жавобини умумлаштирган ҳолда суҳбатга якун ясаб, рангли картон, рангли қоғоз танлаб олиб расм учун рамка тайёрлаш усуллари ҳақида тушунчалар беради. Бундай рамкалардан қандай мақсадда фойдаланиш, унинг тайёрланиши тўғрисида

маълумотлар беради. Амалий ишни бошлашдан олдин болаларнинг дарсга тайёрлигини текширади.

Яшаш босқичлари: Икки хил рангдаги рангли ва рангсиз картон олинади. Узунлиги 15 см бўйи 10 см ўлчамда кесиб олинади. Рангли картонга расм рамканинг шакли чизилади ва стек ёрдамида кесиб олинади.



Рангли картон рангсиз картонга йелимланади. Расм солиш учун рамканинг бир қисми очик қолдирилади.



Расм рамканинг орқа томонига тергагич тайёрлаш учун рангсиз картондан тиргагичнинг шакли чизиб, қирқиб олинади ва расм рамка орқасига маҳкамланади.



Тайёр расм рамкаларига безак бериш ишлари амалга оширилади. Безак беришда турли қирқилган гуллардан, пистонлардан, мунчоқлардан фойдаланиш мумкин.



Мустақил иш топшириқлари

1. Расм рамка турларини ўрганиш.
2. Картондан расм рамка қуриш-яшаш.

4-мавзу: Турли материаллардан байрам совғасини тайёрлаш РЕЖА

1. Байрам совғалари хақида маълумот бериш
2. Картондан ваза тайёрлаш хақида маълумот бериш
3. Картондан ваза тайёрлаш технологияси

Амалий машғулотнинг мақсади: Талабаларга совғалар тўғрисида маълумот бериш. Турли материаллардан байрам совғасини тайёрлаш тўғрисида маълумот бериш. Турли материаллардан байрам совғасини тайёрлаш технологиясини ўргатиш

Таълим усуллари: Савол-жавоб, кўргазмалилик, “Кўрсатиб бер, тушунтириб бер”, ақлий ҳужум, амалий иш.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, совғалардан намуналар, картон, гуллар шакли туширилган табрикномалар, игна, ип, қайчи.

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Совғалар нима учун ишлатилади?
2. Совғаларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Совғаларни қўлда тайёрлаш мумкинми?
4. Совғаларини нималардан тайёрлаш мумкин?
5. Ҳажмдор гуллар деганда нимани тушунаси?


Совғалар инсонларга яхши тилаклар билдириш, байрамлар билан туғилган кунлари билан табриклаш учун фойдаланиладиган воситадир. Совғалар асосан гуллар, турли тақинчоқлар, сувинерлар, китоблар ва ҳақозо кўринишларда бўлади. Агар яқин кишиларимиз учун совғаларни ўз қўлимиз билан тайёрласак совға яқин кишимиз ва ўзимиз учун қадрлироқ бўлади. Ҳар куни атрофимизда бир қанча нарсалар ишлитилиб бўлгандан сўнг кераксиз нарса сифатида чиқиндига ташланади. Агар биз шу кераксиз материаллардан фойдаланиши мумкин бўлган турли нарсаларни тайёрлашимиз мумкин. Масалан: Табрикномалардан гуллар учун ваза тайёрлаш мумкин. Бунинг учун бизга картон, гуллар шакли туширилган табрикномалар, игна, ип, қайчи керак бўлади.

Картондан ваза тайёрлаш технологияси


Ясаш босқичлари: Ваза андозасини тайёрлаш учун узунлиги 15 см бўйи 10 см бўлган картон кесиб олинади. Картонга вазанинг расм чизилади ва қайчи ёрдамида кесиб олинади.



Вазани тайёрлаш учун бизга гуллар расми туширилган табрикномалар керак бўлади. Картондан тайёрланган андозалар асосида гуллар расми туширилган табрикномалар устига қўйиб чизиб олинади ва шу чизик асосида кесиб олинади



Вазани тайёрлаш учун уч хил гулли картон керак бўлади.



Ҳар бир картонни бир-бирига бириктириш тикиб чиқилади. Вазани тикишда арчасимон чокдан фойдаланиб бир хил ўлчамда тикиш тавсия етилади.



Ваза тайёр бўлди. Унга турли ҳажмдор гулларни солиб онажонларимизга, бувиларимизга, опа-сингилларимизга совға қилишимиз мумкин.

Мустақил иш топшириқлари

1. Турли материаллардан ҳажмдор гуллар ясанг
2. Биссерлардан ҳажмдор гуллар ясанг

5-мавзу: Турли материаллардан арча безакларини яшаш РЕЖА

1. Арча безаклари ҳақида маълумот бериш.
2. Турли материаллардан арча безаклари тайёрлаш ҳақида маълумот бериш.
3. Турли материаллардан арча безакларини тайёрлаш технологияси.

Амалий машғулотнинг мақсади: Арча безаклари тўғрисида маълумот бериш. Турли материаллардан арча безакларини тайёрлаш тўғрисида маълумот бериш. Турли материаллардан арча безакларини тайёрлаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Савол-жавоб, кўргазмалилик, “Кўрсатиб бер, тушунтириб бер”, “Ақлий ҳужум”, амалий иш.


Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, арча безакларидан намуналар, шар, ПВА йелими, биссерлар, лента, рангли иплар.

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.


1. Арча безаклари қаерларда ишлатилади?
2. Турли материаллардан арча безакларини яшашда қандай талаблар қўйилади?
3. Арча безакларини нималардан яшаш мумкин?
4. Арча безакларини қандай турлари мавжуд?
5. Турли материалларни ишга тайёрлаш қандай амалга оширилади?

Шардан арча ўйинчоқларини яшаш технологияси

1. Арча безакларини яшаш учун оддий шарни керакли ўлчамда каттартириб оламиз.
2. Керакли рангдаги ғалтак ип олинади. Ипни бир идишга сувга солиб буктирилади.
3. Ғалтак ипни бир учини игнага ўтказиб йелим идишини бир томонидан ўтказиб иккинчи томонидан чиқариб оламиз.
4. Елим идишининг ичидан ўтган йелимли ипнинг бир учини шарга ураймиз.
5. Ғалтак ип тўғагунча йелимли ип шарга ўралади.
6. Ип уралган шар 3 кун мабойнида қуритишга қўйилади. Шарга уралган йелимли ип яхши қуриши керак.
7. Тайёр шар игна ёрдамида тешиб чиқилади. Шар бўлаклари учи тумтоқ буюм билан ип орасидан чиқариб ташланади.



8. Тайёр бўлган шар шаклига турли безаклар бериб безатилади. Безак бериш ишларида турли ялтироқ мўнчоқлардан, пистонлардан, рангли қоғозлардан фойдаланилади.
9. Арча безагининг бир учига арчага осиш учун илгак боғланади.



Мустақил иш топшириқлари

1. Турли материаллардан арча безакларини ясанг.
2. Қоғоздан арча ўйинчоқларини тайёрланг.

6-мавзу: Пластиллиндан турли ўйинчоқлар ясаш РЕЖА

1. Пластиллин ҳақида маълумот бериш.
2. Пластиллин билан ишлаш қоидалар.
3. Пластиллинга ишлов бериш.
4. Пластиллиндан турли ўйинчоқлар ясаш технологиясини тушунтириш.

Амалий машғулотининг мақсади: Талабаларга пластиллин ва унинг турлари ҳақида маълумот бериш. Пластиллинга ишлов бериш ва турли ўйинчоқлар ясаш технологисини ўргатиш

Таълим усуллари : Тушунтириш, “Ақлий ҳужум”, амалий иш, амалий иш тақдими

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, кўргазмалар, пластиллиндан ясалган ўйинчоқлардан намуналар, пластиллин қаламчалари стек, тахтакач, сочиқ

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Пластиллинга шакл бериш усуллари биласизми?
2. Қандай ўйинчоқлар пластиллиндан ясалади?
3. Пластилдан ўйинчоқлар ясада қандай асбоблардан фойдаланилади?

Пластиллин—нарсалар ясада қўлланиладиган материалдир. У сунъий пластик масса бўлиб, лойдан ҳеч қачон қуримаслиги ва доимо ишлатишга тайёрлиги билан фарқланади. Пластиллиннинг ҳар хил – оддий ва мураккаб турлари бўлиб уни тайёрлашни бир нечта усуллари бор.

Биринчи вариант – тоза қуюқ лойга глицерин қўшиб бир турли масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Глицерин тайёрланадиган масса қўлга ёпишмайдиган ҳолатга келгунча қўшилади.

Иккинчи вариант—қуритилган тоза лой майда қилиб туюлади ва унга вазелин қўшиб, қўлга ёпишмайдиган қуюқ масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Пластиллинга керакли рангдаги қуруқ бўёқ массасини қўшиб ва пухта аралаштириб бўйаш мумкин.


Учинчи вариант -1 қисм тўпроғига 1/5 қисм илитилган мум ҳамда пластилин қўлга ёпишмайдиган даражага йетгунча глицерин қўшиб аралаштирилади.

Лой ва пластилин билан ишлашда керак бўладиган қоидалар.

- 1.Пластилин билан ишлашда айрим қонун-қоидаларга риоя қилишга тўғри келади.
- 2.Пластилин совуқ бўлганда анча қаттиқлашиб қолади.
- 3.Иш бошладан олдин еса уни бир оз юмшатиш керак бўлади.
- 4.Бунинг учун пластилин солинган қўтича машғулот бошланишидан олдинроқ иссиқлик манбаига яқинроқ жойга қўйилади ёки салгина намланган қўлнинг кафтида тутиб турилади.
- 5.Натижада пластилин юмшаб, ишга тайёр бўлади.
- 6.Пластилинни қўлда узок вақт ушлаб туриш ярамайди.
7. Чунки пластилин ҳаддан ташқари юмшаб, ёпишқоқ бўлиб қолади.

Пластилиндан филча ўйинчоғини ясаш технологияси

1. Пластилинни керакли хажмда олиб керакли шаклларга келтирилади.
2. Филчани тана аъзоларини яъни бош, тана қисми, оёқлари, думи алоҳида ясалади.
3. Филчанинг бош қисми билан тана қисми бир-бирига бириктирилади.
4. Қулоқлари ва думи бош қисмига бириктирилади.
5. Тана қисмига филчанинг оёқлари бириктирилади.
6. Охирги иш танадаги барча қисмларни бириктирилган жойлари текисланади.



Пластилиндан ясалган ўйинчоқлардан намуналар



Мустақил иш топшириқлари

- 1.Пластилин тўғрисида маълумот беринг.
- 2.Пластилиндан ертак қаҳрамонларини ясанг.

7-мавзу: Ип ва газлама турлари билан ишлаш.

Ипдан чокларни тикиш.

РЕЖА

- 1.Ип ва чок турлари хақида маълумот бериш

2.Ипдан чокларни тикиш ишларига оид маълумотлар бериш.

3.Ипдан чокларни тикиш технологиясини тушунтириш.

Амалий машғулотининг мақсади: Чок турлари хақида маълумот бериш. Ипдан чокларни тикиш хақида тушунчалар бериш. Ипдан чокларни тикиш технологиясини тушунтириш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, блиц сўровномаси, амалий иш, тақдироти

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, техник воситалар, кўргазмалар, мато турлари, ип турлари, қайчи, игна, ип, ангишвона

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Чоклардан нима учун фойдаланилади?
2. Қандай чок турлари мавжуд?
3. Қайси ип турларидан чокларни тикиш мумкин?
4. Техника хавфсизлиги қоидаларини биласизми?
5. Нинадан фойдаланиш қоидалари?

Нина билан ишлаш қоидалари.

1. Нинани ишлатиб бўлгач, махсус нина ёстиқчага санчиб қўйинг.
2. Нинанни ҳеч қачон оғзингга олманг.
3. Отриқча ниналарни игнадонда қуруқ ҳолатда сақланг.
4. Ишдан олдин ва ишдан кейин ниналарни санаб кўр, йетишмаган ниналарни албатта топинг.
5. Қоғоз ва картондан нарсаларни ясаганда биринчи тешикни албатта бигиз билан тешиб олинг.

Ипдан чокларни тикиш ишларига оид маълумотлар

1. Ип ва тола турлари билан таништириш.
2. Керакли узунликдаги ипни ўлчаш, уни қирқиш
3. Нинага ип ўтказиш, тугун ҳосил қилишни ўргатиш.
4. “Чок турлари билан таништириш.





To'g'ri chok




Aylanma chok





Ekssimon chok



Petlya chok va aylanma chok



To'g'ri chok



Мустақил иш топшириқлари

1. Занжир чокини тикинг.
2. Занжир чоки асосида гул шаклини тикинг.

8-мавзу: Ипдан ўйинчоқлар ясаш

РЕЖА

1. Ўйинчоқлар тўғрисида маълумот бериш
2. Иплар тўғрисида маълумот бериш
3. Ипдан ўйинчоқлар ясаш технологияси.

Амалий машғулотининг мақсади: Ўйинчоқлар ва иплар тўғрисида маълумот бериш. Ипдан ўйинчоқлар ясаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, Ақлий ҳужум, амалий иш, амалий иш тақдимоти

Таълим воситалари: Турли ип турларидан намуналар, ипдан ясалган ўйинчоқлардан намуналар, слайдлар, кўргазмалар ва методик қўлланма

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Қайси ип турларидан ўйинчоқлар ясаш мумкин?
2. Ўйинчоқ қандай предмет?
3. Иплардан нималар ясаш мумкин
4. Ипдан ўйинчоқлар ясаш технологиясини биласизми?
5. Қандай ип турларини биласиз?

Ўйинчоқлар тўғрисида маълумот

Ўйинчоқлар – болалар ўйинлари учун яратилган махсус предметдир. Бироқ бу аниқ предметнинг кичирайтирилган нусхаси емас, балки унинг шартли тасвири, ўта умумлаштирилган бадиий образдир. Ифодали шакл ва ҳаракатлилиқ, равшанлик ва рангнинг шартлилиги буларнинг барчаси боланинг ўйинчоққа жалб қилади. У билан ўйнаш иштиёқини туғдиради. Ўйинчоқ бола қувончининг манбаидир.

Кичик болалар ўйинчоқларнинг энг оддий турлари, каттароқлари еса кўғирчоқ театри кўғирчоқларини турли ҳолатдаги ўқинчоқларни тайёрлайдилар. Болаларга ўйинчоқлар ясашни ўргатиш учун аввало ўқитувчи ўзи бу саънатни яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Ўзи тайёрлаган чиройли ўйинчоқларни болаларга кўрсатар экан, уларда ҳам ўйинчоқлар ясаш қизиқиши пайдо бўлади.

Ишни ташкил қилишдан олдин қуйидаги ашёлар ва асбобларни тайёрлаш керак:

Ипдан ўйинчоқлар ясаш технологияси


Амалий ишни бошлашдан олдин ўқитувчи болалар иш жойини текшириб чиқади. Камчиликлар бўлса тўғирлашни маслаҳат беради. Бугун сизлар билан тўқув ипларидан жўжа тайёрлаймиз.

Ясаш босқичлари:

- 1- босқич: Қаттиқ картондан ўртаси тешиқ иккита ҳалқа тайёрланади.
- 2-босқич: Ҳалқаларга сариқ ип ўралади.
- 3-босқич: Ўралган иплар қайчи билан қирқилади.
- 4-босқич: Икки ҳалқа ажратилади ва ипни ўртаси қалин ип билан боғланади.
- 5-босқич: Думалоқ пахмоқ ҳосил бўлади.
- 6-босқич: Жўжани кўзлари мато парчалааридан тайёрланади.
- 7-босқич: Дарс якунида барча ишлари намоиш етиш учун қўйилади ва болалар билан биргаликда таҳлил қилинади.



Ипни боғлаш усулида ўйинчоқларга шакл бериш усуллари



Мустақил иш топшириқлари

1. Ипдан қўғирчоқ ясанг.
2. Ўйинчоқ турларини таҳлил қилинг.

9-мавзу: Паралондан юмшоқ ўйинчоқлар яшаш

РЕЖА

1. Паралонлар ҳақида маълумот бериш;
2. Паралондан юмшоқ ўйинчоқлар яшаш ҳақида маълумот бериш.
3. Паралондан юмшоқ ўйинчоқларни яшаш технологиясини ўргатиш


Амалий машғулотнинг мақсади: Паралонлар ҳақида маълумот бериш. Паралондан юмшоқ ўйинчоқларни технологисини ўргатиш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, намоиш этиш, суҳбат, амалий иш, тақдимот.


Таълим воситалари: Таянч матн, методик қўлланмалар, слайдлар, паралон, турли иплар, метр, кайчи, турли безаклар.

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Паралон қандай материал?
2. Паралондан қандай ўйинчоқлар яшаш мумкин?
3. Юмшоқ ўйинчоқларни ичига нима солинади?
4. Юмшоқ ўйинчоқ турлари қандай?
5. Юмшоқ ўйинчоқларни тикишда техника хавфсизлиги қоидалари?



Ўйинчоқ яшаш учун махсус пичоқда паралон тенг ўртасидан кесилади.



Паралон ип ёрдамида боғланиб турли шакллар ясалади.



Паралондан ясалган ўйинчоқлардан намуналар

Мустақил иш топшириқлари

1. Паралондан юмшоқ ўйинчоқлар ясанг.
2. Юмшоқ ўйинчоқ турларини ўрганинг.

10-мавзу: Картондан ҳаракатланувчи ўйинчоқлар ясаш РЕЖА

1. Ҳаракатланувчи ўйинчоқлар ҳақида маълумот бериш.
2. Моделлар ясаш технологиясини тушунтириш.
3. Картондан ҳаракатланувчи ўйинчоқлар ясаш технологиясини ўргатиш.

Амалий машғулотнинг мақсади: Ҳаракатланувчи ўйинчоқлар ва моделлар ясаш ҳақида маълумот бериш. Картондан ҳаракатланувчи ўйинчоқлар ясаш технологиясини ўргатиш.

Таълим усуллари: Тушунтириш, ақлий ҳужум, амалий иш, тушунтириш, тақдимот.

Таълим воситалари: Методик кўлланмалар, слайдлар, картондан тайёрланган ҳаракатланувчи ўйинчоқ турларидан намуналар, кўргазмалар, картон, клей, қайчи, қоғоз.

Машғулотни бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.

1. Картон турларини биласизми?
2. Картонни моделлаштириш технологияси қандай?
3. Техник моделлаштириш нима?
4. Картондан техник моделлаштириш ишининг асосий мазмуни?
5. Техник моделлаштиришнинг асосий мақсади нима?

Картондан моделлар ясашда қуйидаги билимларга ега бўладилар

1. Болалар модел ва макет ҳақида тасаввурга ега бўладилар.
2. Қўл асбоблари ва мосламаларнинг тузилиши билан танишадилар. Чунки уларнинг ҳар иккаласи бир изчиликка асос қилиб олинган.

3. Болалар аввал ўқитувчи ёрдамида, сўнгра мустақил тарзда моделни ясай билишлари: уларнинг хусусиятларини, айрим қисмларини, қисмлар ўлчовининг бир-бирига муносабалигини ўрганишлари.

4. Моделни тайёрлаш учун қандай материал зарурлигини аниқлай олишлари.

5. Иш жойини жиҳозлашлари.

6. Белгилаш, ўлчаш, ишлов бериш, йелимлаш ва пардозлаш босқичларини бажаришлари.

7. Ўзини-ўзи назорат қилиш ва ўз меҳнاتини ҳисобга олишлари керак.

Картондан айиқча моделини ясаш босқичлари


1. Айиқча моделини ясаш учун рангли картон танлаб олинади

2. Рангли картонга айиқнинг тана қисми чизилади.

3. Чизилган шакл қирқиб олинади.

4. Иккинчи картонга унинг қўл ва оёқлари чизилади

5. Чизилган қўллар қирқиб олинади




6. Тана қисмига қўл ва оёқларини бириктириш учун тешик ўрни қалам ёрдамида белгиланиб, бигиз билан тешиб олинади.

7. Тайёр бўлган қўл ва оёқларни тана қисми устига қўйиб болт ёрдамида бир-бирига маҳкамланади.

Айиқчани ҳаракатлантириш учун унга ип боғлаш керак. Тешиклар ўрни қалам билан белгиланиб, қўйилган белгилар устидан бигиз билан тешиб олинади.

9. Тешикларнинг олди томонидан орқа томонига қаратиб ип ўтказилади. Ип ўйинчоқнинг марказидан бир-бирига боғланади. Ипнинг уч қисмига тугма ёки бошқа қаттиқ предмет маҳкамланади.



10. Ипни биргаликда пастга қаратиб торганда оёқ ва қўллар ҳаракатланиши керак.

11. Айиқча ўйинчоғига қўшимча безак бериш учун унинг оғиз ва кўзларини рангли қоғоздан қирқилади ва йелимланади. Панжаси қисми чизиб қўйилади. Айиқча ўйинчоғи тайёр бўлди.



Мустақил иш топшириқлари

1. Картондан ҳаракатланувчи айиқча шаклини ясанг.

2. Ҳаракатланувчи ўйинчоқ ясаш учун керакли элементлар тўғрисида маълумот беринг.

11-мавзу: Турли материаллардан светафор макетини қуриш-ясаш РЕЖА

1. Иш жойини тўғри ташкил қилиш
3. Картондан моделлар ясаш ҳақида маълумот бериш.
4. Светафор макетини қуриш-ясаш технологиясини тушунтириш

Амалий машғулотнинг мақсади: Моделлар ясаш ҳақида маълумот бериш. Картондан модел ясаш ҳақида тушунчалар бериш. Светафор макетини қуриш-ясаш технологиясини тушунтириш.

Педагогик вазифалар:

- Талабаларнинг картондан моделлар ясаш ҳақидаги билимларини аниқлаш;
- Картондан моделлар ясаш ҳақида тушунчалар бериш;
- Турли материаллардан светафор макетини қуриш-ясаш ясаш технологиясини тушунтириш;

Таълим усуллари: Тушунтириш, савол-жавоб, амалий иш, тушунтириш, тақдимот.

Таълим воситалари: Методик қўлланмалар, слайдлар, картондан моделлаш ишидан намуналар, бўшаган гугурт қутиси кўргазмалар, картон, клей, қайчи, қоғоз.

Машғулоти бошлашдан олдин болаларни билимларини аниқлаш ва фикрларини умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методи асосида саволлар берилади.


1. Картон турларини биласизми?
2. Картонни моделлаштириш технологияси қандай?
3. Техник моделлаштириш нима?
4. Картондан техник моделлаштириш ишининг асосий мазмуни?
5. Техник моделлаштиришнинг асосий мақсади нима?

Картондан моделлар ясашда қуйидаги билимларга ега бўладилар

1. Болалар модел ва макет ҳақида тасаввурга ега бўладилар.
2. Қўл асбоблари ва мосламаларнинг тузилиши билан танишадилар. Чунки уларнинг ҳар иккаласи бир изчиликка асос қилиб олинган.
3. Болалар аввал ўқитувчи ёрдамида, сўнгра мустақил тарзда моделни ясай билишлари: уларнинг хусусиятларини, айрим қисмларини, қисмлар ўлчовининг бир-бирига муносиблигини ўрганишлари керак.
4. Моделни тайёрлаш учун қандай материал зарурлигини аниқлай олишлари керак.
5. Иш жойини тўғри ташкил етишлари керак.
6. Белгилаш, ўлчаш, ишлов бериш, йелимлаш ва пардозлаш босқичларини бажаришлари керак.
7. Ўзини-ўзи назорат қилиш ва ўз меҳнатини ҳисобга олишлари керак.


Светафор макетини ясаш технологияси

1. Светафор макетини ясаш учун гурурт қутисидан керакли деталлар тайёрлаб олинади.
2. Қутининг олди ва орқа томонига светафор чироғини ўрни белгилаб олинади.
3. Сарик, қизил ва яшил рангли қоғоздан светафор чироқлари учун доиралар қирқиб олинади.
4. Тайёр доирачалар светафорнинг асосий макетига йелимланади.




1. Светафор макетига таянч тайёқча ясаш учун узунлиги 5 см, ени 3 см бўлган картон олинади. Картон ўраб цилиндр шаклига келтирилади.

3 см



2. Тайёр бўлган макетлар бир-бирига маҳкамланди.
3. Светофор макети тайёр бўлди.



МТМ Қўл меҳнатида техник моделлаш - учадиган, сузадиган, юрадиган техник ўйинчоқларни, шунунгдек чизмали намуна асосида моделларни ясаш меҳнатининг махсус тури сифатида ажратилган.

Дастлабки дарслардаёқ болалар қоғоз ва картондан турли техник элементларни ясаш ишлари билан танишадилар, қисм ва детал, оддий йиғиш, деталларни бириктириш ҳақида тасвурга ега бўладилар.

Мустақил иш топшириқлари

1. Машина макетини ясаш учун деталларни тайёрланг.
2. Машина макетини куринг-ясанг.

Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Мавлонова Р.А, Саноқулов Х.Р, Ходиева Д.П “Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси” Ўқув қўлланма. 2007 йил ТДПУ.
2. Х.Санақулов, Д.Ходиева “МТМларда қоғоздан амалий ишлар” методик қўлланма 2012 йил Т.:Ипак йўли полиграф, 2012.

Қўшимча адабиётлар

1. Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. 1997 йил Т., “Шарқ” нашриёти)
2. Кадрлар тайёрлаш бо`йича миллий дастур. (Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. 1997 йил Т., “Шарқ” нашриёти)
3. Санақулов Х.Р, Ходиева Д.П “Қўл меҳнати” 2-синф учун дарслик . –Т.: Шарқ, 2012
4. Санақулов Х.Р, Ходиева Д.П “Қўл меҳнати” 3-синф учун дарслик . –Т.: Шарқ, 2012
5. Санақулов Х.Р, Ходиева Д.П «МТМларда табиий материаллардан амалий ишлар» ўқув-методик қўлланма 2009 йил. ТДПУ.

ГЛОССАРИЙ

Ўқитиш методлари – бу ўқитувчи раҳбарлигида болаларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгалашларига эришишдир.

Оғзаки баён қилиш – бу тушунтириш ва ҳикоя қилиш, инструктаж, суҳбат, машқлар, амалий ишлар, график ишлар, лаборатория ишлари, мустақил ишлар, экскурсия, китоб билан ишлаш, болаларнинг билим кўникма ва малакаларини текшириш, муаммоли Таълим методлари мажмуасидир.

Мазмуннинг тугрилиги - ўқитувчиларга айтиладиган фактларнинг ўқув праграммасининг мазмунига мос келиши ва илмий асосланган бўлиши.

Баённинг эмоционаллиги - бу ўқитувчи ўзи баён қилаётган материалга лоқайд муносабатда бўлса, бу ҳол болаларга ҳам ўтади ва аксинча, ўқитувчи материални таҳсирчан йусинда баён қилса фактларни тўғри танлаш бунга ёрдам беради, у ҳолда болалар янги маълумотларни яхши идрок қиладилар ва хотираларида яхши сақлаб қоладилар.

Диологик баён – ўқитувчи ва болаларнинг узаро суҳбатидир.

Ҳикоя қилиш – бу дастур материални жонли ва образли баён қилишдир.

Таълим методи деганда ўқитувчи ва болаларнинг биргаликдаги фаолият йўллари тушунилади. Буларнинг ёрдамида болалар билим, малака кўникма, касбий маҳоратларни эгаллашга эришадилар, ақлий ва жисмоний куч ва ижодий қобилият ривожланади.

Йўлланма – меҳнат фаолияти усуллари тушунтириш ва кўрсатиш ҳамда меҳнат фаолиятларини тўғри ва хавфсиз бажариш бўйича тасаввур ҳосил қилишга ва болаларнинг амалий фаолиятларини тўғри йўналтиришга қаратилади.

Кўргазмали методлар – бу кўрсатмали куролларни намойиш (кўрсатиш) қилиш меҳнат усуллари кўрсатиш; болаларнинг мустақил кузатишлари; ўқув-ишлаб чиқариш экскурсиялари.

Материални оғзаки баён қилиш – Қўл меҳнатида ҳикоя қилиш, тушунтириш, маъруза, суҳбат, ўқув материални оғзаки баён қилишнинг асосий методлари ҳисобланади.

Ҳикоя - ўқитувчи томонидан ўқув материални тартибли, мантиқий, изчил, нисбатан кенгроқ баён қилишда фойдаланилади. У пухта режа асосида тузилиши, материални баён қилишда ноаниқликка йўл қўймаслик учун барча деталари билан тайёрланиши лозим.

Тушунтириш - ҳикояга яқин бўлган Таълим методи ҳисобланади.

Амалий ишлар – Эгалланган билимларнинг амалда қўлланишига ёрдам берувчи омил.

Овоз ёзувчи ва телевидение - телевидение дастурларига касб-ҳунар коллежларининг болалари учун эшиттириш ва кўрсатувлар кенг кўрсатилмоқда. Айниқса олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, касб-ҳунар коллежлари болаларига бағишланган чиқишлари қимматлидир. Машғулотларида овоз ёзиб олиш яна ҳам кенгроқ қўлланиши мумкин.

Интерактив методлар - бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат деб юритилади, яҳни педагогик таҳсир этиш усуллари бўлиб, Таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва болаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

- Ақлий ҳужум** - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда болалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маҳлум бир ечимга келинадиган энг самарали метод. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд.
- Кичик гуруҳларда ишлаш** -ўқитувчи томонидан берилган маҳлум бир топширикни ҳамкорликда бажариш учун болаларни кичик гуруҳларга ажратиб, берилган топширикнинг ечиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этувчи метод.
- Педагогика** -(юнонча «паидагогике» бўлиб, «паидагогос» - бола, етаклайман) – ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга Таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан.
- Педагогик технология**– Таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида Таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.
- Баҳс-мунозара** - болаларни икки гуруҳга бўлган ҳолда, бирор мавзу бўйича ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методи.
- Педагогик маҳорат** – Таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.
- Педагогик талаб** - турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда ўқувчи амал қилиши зарур бўлган ижтимоий ҳуқ-атвор меҳёрларини ифодаловчи вазифа; тарбиянинг энг муҳим усули.
- Ривожланиш** – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.
- Рейтинг** (баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш) - муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш.
- Сухбат** – савол ва жавоб шаклидаги диалогик Таълим методи.
- Тамойил** (юнонча «принсипиум») – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошланғич қоида; бошқарувчи ғоя, фаолиятнинг асосий қоида; умумлаштирилган талаб.
- Тарбия** – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, ҳуқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.
- Тарбия жараёни** - ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.
- Тарбия мазмуни** - шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти.

